

Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari
xalqimizga xizmat qilishi kerak.

Shavkat MIRZIYOYEV

DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

1(97) – 2023

■ DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

■ ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

Ilmiy-ma'rifiy jurnal – Scientific and educational journal – Научно-просветительский журнал



**2023-yil –
Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili**

2023 – Year of Human Care and Quality Education

2023 – Годом заботы о человеке и качественного образования



Doi Journal 10.54952/p1696-2206-6326-y

ISSN: 2181-6409



“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти



DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

Doi Journal 10.54952/p1696-2206-6326-y

1 (97) – 2023

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:

Tanzila NORBOYEVA

(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV

(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE

(Rossiya Federatsiyasi)

Yoh MATSUO

(Yaponiya)

Uilyam BATLER

(AQSH)

Tadeush BODIO

(Polsha)

Marg'ub Salim BUTT

(Islom hamkorlik tashkiloti)

Reyn MULLERSON

(Estoniya)

Tatyana MOSKALKOVA

(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV

(Qozog'iston)

Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatillo TILLABAYEV – yuridik fanlar doktori, professor.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar nomzodi, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV – yuridik fanlar doktori, professor.

Mixail GASANOV – yuridik fanlar nomzodi, dotsent.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik fanlar doktori, professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – yuridik fanlar nomzodi, professor.

Bosh muharrir o'rinbosari:

Azizbek RAMAZONOV

Mas'ul kotib:

Azamat JUMANIYAZOV

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida inson huquqlari sohasidagi milliy ta'lim dasturini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori 2

TAHRIR HAY'ATIDAN

Yangi O'zbekiston – inson qadri ulug' diyor 6

2023-YIL – INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

Hilola Umarova. Maktablarda sifatli ta'limni ta'minlash soha fidoyilarining asosiy maqsadiga aylanib bormoqda 8

Bahodir Umurzoqov. Yangi O'zbekiston – ijtimoiy davlat 11

Sarvarjon G'afurov. Insonga e'tibor, sifatli ta'lim – Uchinchi Renessans poydevori 15

BMT INSON HUQUQLARI BO'YICHA KENGASHINING 52-SESSİYASI

Akmal Saidov. Qonun talablari va inson huquqlari – oliy qadriyat 21

INSON HUQUQLARI BO'YICHA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

MILLIY MARKAZI – 2022-YILDA 25

GLOBAL FORUM

"Inson huquqlari sohasida ta'lim" Global forumi 30

"Inson huquqlari himoyasi uchun" ko'krak nishoni sovrindorlari 34

2023-2024-yillarda Inson huquqlari sohasida ta'limni rivojlantirish bo'yicha Samarqand harakatlar rejasi 35

INSON VA QONUN

Jahongir Shirinov. Mamlakatimiz milliy qonunchiligida fuqarolik jamiyati institutlari masalasi 43

Otabek Pirmatov. Fuqarolik sud ishlarini maxsus sud platformalarida ko'rishning o'ziga xos xususiyatlari 48

XALQARO HUQUQ VA O'ZBEKISTON TAJRIBASI

Jo'raboy Toshqulov. Islom davlatlarida inson va fuqarolar shaxsiy huquq va erkinliklarining konstitutsiyaviy kafolatlari 52

Haydarali Yunusov. Yevropa Ittifoqi tashqi siyosatining o'ziga xos xususiyatlari: Ittifoqning "normativ qudrati" 61

TARIX SAHIFALARIDA

Mavluda Ergasheva. Munavvar qori – buyuk huquqshunos va millat fidoyisi ... 68

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR 73

MUASSIS:



INSON HUQUQLARI
BO'YICHA O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI

HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI



OLIY MAJLISNING
INSON HUQUQLARI
BO'YICHA VAKILI
(OMBUDSMAN)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқлари-га нисбатан ҳурмати ва рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

2020–2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги ташаббус ва таклифларини амалга ошириш доирасида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” Глобал форуми ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури (кейинги ўринларда – Миллий таълим дастури) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия (кейинги ўринларда – Миллий комиссия) (А.Саидов) Миллий таълим дастури ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши юзасидан:

мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб борсин;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотнинг расмий веб-саҳифаларда ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштириб борилишини таъминласин;

ҳар олти ойда Олий Мажлис палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига умумлаштирилган маълумот киритиб борсин;

ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминласин.

Белгилансинки, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва уларнинг таржималарини чоп этиш ва эълон қилиш билан боғлиқ харажатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига (кейинги ўринларда – Марказ) Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. “Йўл харитаси”да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ишчи органи – Марказга тақдим этиб борсин.

5. Олий Мажлис палаталарига Миллий комиссиянинг Миллий таълим дастури ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

6. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилсин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Марказ билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этиладиган профессионал ва олий таълим ташкилотларининг аниқ рўйхатини шакллантирсин ҳамда тегишли ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 июндан бошлаб Марказ томонидан ҳар йили:

“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар” миллий танлови ўтказиб борилади;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида фаолияти мазкур шахслар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкиллаштирилади.

Марказ:

а) уч ой муддатда:

Миллий танловни ўтказиш бўйича Низом ва дастурни ишлаб чиқсин ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиб, тасдиқласин;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида тегишли ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренингларни ўтказиш бўйича режа-графикни тасдиқласин;

б) 2023 йил 1 апрелга қадар:

“Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари” туркум қўлланма ва рисоаларни тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўрсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформани яратиб, ишга туширсин.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган топшириқларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Марказга Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

8. 2023 йил 1 мартдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари доимий равишда ташкил этилсин.

Марказ ва Бош прокуратура:

мазкур ўқув курсларини ташкил этиш учун масъул этиб белгилансин;

икки ҳафта муддатда қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курсларини ўтказиш графигини тасдиқласин.

9. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О.Хасанов) Давлат бошқаруви академияси (А.Бекмуродов) билан биргаликда:

2023 йил 1 майдан бошлаб раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича ўқув курслари (соатлари)ни жорий қилсин. Бунда, мазкур ўқув курсларини Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформа орқали ташкил этишга рухсат этилсин;

2023 йил 1 апрелга қадар Марказ билан биргаликда соҳаларнинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича ўқув курслари модули ва дастурини ишлаб чиқсин.

10. Миллий комиссиянинг:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги адабиётлар йўналишини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказлари фондини Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбалар билан доимий таъминлаб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Марказ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларини:

халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги нусхалари;

инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув, илмий-услубий ва халқаро нашрлар;

инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бўйича юритилаётган хронология материаллари билан тизимли равишда таъминлаб борсин.

12. Марказнинг жорий йилнинг февраль ойида мамлакатимизда “Инсон ҳуқуқлари” ҳафталигини ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ:

а) бир ҳафта муддатда “Инсон ҳуқуқлари” ҳафталигини ўтказиш дастурини тасдиқласин;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда давлат таълим муассасаларида:

“Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги” доирасида ўтказиладиган тадбирларда “Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” мавзусига алоҳида эътибор қаратилиши;

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган кўрик-танловларда аёллар, бола ва ёшлар ҳуқуқлари масалалари қамраб олинишини таъминласин;

в) Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда маҳаллаларда ёшлар иштирокида “Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият” мавзусида турли даражадаги маърифий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувларнинг ўтказилиши, шу жумладан, уларнинг видеоконференцалоқа орқали Марказ ходимлари иштирокида ташкил этиш;

г) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) билан биргаликда “Инсон ҳуқуқлари” ҳафталигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

13. “Эл-юрт умиди” жамғармаси очик стипендия танловлари асосида хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада таълим олиш ҳамда малака ошириш дастурларининг мақсадли кўрсаткичларини тузишда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича буюртмачи вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кучимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Халқаро пресс-клуб (Ш.Қудратхўжаев):

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тушунтирилишини;

Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Марказ директори А.Х.Саидов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 7 февраль
ПҚ-46-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ ДИЁР

Ҳар бир янги йилга қадам қўйилаётганда эришилган натижалар сарҳисоб қилиниб, бўлажак бунёдкорлик режалари белгилаб олинади. Ортда қолган 2022 йилни сарҳисоб қилсак, мамлакатимизни тараққий эттиришда муҳим марраларга эришилганига амин бўламиз. Кенг қўламли ва самарали ислохотлар натижасида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди, иқтисодиётимизга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми бир йилда 8 миллиард долларга ортиди, экспорт эса 19 миллиард долларга етди. Кўплаб уй-жойлар қурилди, ҳар бир оила аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланганини таъкидлаган ҳолда 2023 йилга юртимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**, деб ном беришни таклиф қилди¹.

Бугунги кунда **“Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат”** деган ғоя кундалик ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ўтган йил 2 миллиондан ортиқ оилага кўмак берилди. Уларга ажратилган маблағлар 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди. Охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилди. Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори мунтазам ошириб борилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш сиёсати ихчам ҳамда самарали давлат

бошқаруви тизими орқали амалга оширила бошланди. Марказлашув юқори бўлган давлат аппарати ихчамлаштирилди, вазирлик ва идоралар сони аввалги 61 тадан 28 тагача камайтирилди. Жорий йилда маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислох қилинади.

“Ижтимоий давлат” тамойили асосида барпо этилаётган Янги Ўзбекистонда, энг аввало, ҳар бир инсон ўз салоҳиятини юзага чиқариши учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2023 йилга мўлжалланган давлат дастурида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш, сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун олдинги йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўп маблағ йўналтириш, янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириш вазифалари белгиланган.

Таълим Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция ҳисобланади. Жорий йилда мактаб таълими халқаро таълим дастурлари асосида тубдан ислох қилинади. Янги ўқув йилиданок бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Энг замонавий таълим стандартлари ва услубиётларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил этилади.

Шунингдек, 70 та янги мактаб қуриш, 460 та мактабни эса кенгайтириш режалаштирилган. Хусусий инвестициялар иштирокида яна 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда эса уларнинг сони мингтага етказилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // 20.12.2022 / <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

Ёшларимизнинг замонавий касб-хунар эгаллашлари учун коллеж ва техникумларда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда муҳандислик мактаблари ташкил қилинади.

Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини билиши ва бошқаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлашда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим муҳим аҳамият касб этади. 2020 – 2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда. Ушбу босқич ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш, шунингдек, инклюзив, тинч ва фаровон жамиятни барпо этишга йўналтирилган таълим беришга қаратилган.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги **Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия** ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги ташаббус ва таклифларини амалга ошириш доирасида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида 150 та халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотларнинг вакиллари иштирокида **“Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” Глобал форуми** бўлиб ўтди. Анжуманда “2023-2024 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси” қабул қилинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қа-

рори билан **Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди**².

Миллий таълим дастурининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги хабардорлигини ошириш;
- давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини юксалтириш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида хабардорлигини ошириш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини кучайтириш;
- замонавий технологиялар, бадий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимининг самарадорлигини ошириш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари” бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилади ҳамда уларнинг ўқув дастурлари такомиллаштирилади. Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформа яратилиб, ишга туширилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарвар ислохотлар, давлатимиз томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга кўрсатилаётган юксак эътибор Янги Ўзбекистоннинг инсон кадри улугъ диёрга айланиб бораётганидан далолат беради.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.02.2023 й., 07/23/46/0078-сон / <https://lex.uz/docs/6378537>.

МАКТАБЛАРДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲА ФИДОЙИЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА



Ҳилола УМАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача ва мактаб
таълими вазири

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда изчил ислохотлар ва янгиланиш жараёнлари жадал суръатларда олиб борилиб, **янги уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига** муносиб пойдевор қўйилмоқда. Шу маънода Ўзбекистонда сўнгги йилларда барча соҳаларда бирдек амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон кадри ва унга бўлган эътибор мужассам эканлиги барчамизга аён.

Айниқса, мухтарам Президентимиз бошчилигида мактаб таълимини ислох қилиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этган ҳолда сифат кўрсаткичларини ошириш, фарзандларимизни билимли ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш мақсадида халқчил қадамлар қўйилаётгани таълим фидойилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари бирдек қувонтирмоқда.

Айтиш лозимки, **айни вақтда мактабларда йиллар давомида йиғилиб қолган талай муаммоларни ҳал этиш, таълим сифатини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш** мақсадида давлатимиз томонидан муҳим чоралар ҳаётга жорий этилиб, мактаблар инфратузилмасини янада яхшилаш учун давлат бюджетининг катта қисми мазкур мақсадларга йўналтирилмоқда.

Аммо тан олиш керакки, ушбу қўрилган чоралар ва ҳаракатларга қарамай, соҳадаги мавжуд муаммолар бутунлай ҳал этилгани йўқ. Бунда, айниқса, раҳбарларнинг масъулияти ва ўқитувчи-

ларнинг малакасини ошириш бўйича олдимизда қилиниши лозим бўлган талай ишлар бор. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг мақоми ва жамиятдаги ўрнини ошириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурати бугунги куннинг муҳим талабига айланиб бормоқда.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таълим жараёнлари ва ўқувчиларнинг замонавий талаблар асосида таҳсил олиш шартлари хусусида фикр юритилар экан, **ўқитувчиларнинг мақоми, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, ушбу мезонни Конституцияда алоҳида белгилаш** зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Албатта, бугунги кунда таълим муассасалари ўқитувчиларини ўз вазифасига алоқадор бўлмаган турли ишларга жалб этиш, улар зиммасига ортиқча вазифалар юкланаётгани хусусида кенг жамоатчилик томонидан билдирилаётган эътирозлар асосли.

Мазкур жиҳатларни инобатга олган ҳолда, айна вақтда соҳа раҳбарлари, ҳудудий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқитувчиларнинг турли ортиқча вазифаларга жалб қилинишининг олдини олиш бўйича кескин чоралар қўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 29 декабрь куни бир гуруҳ ўқитувчилар билан ўтказган учрашуви-

да ҳам таълим сифатини ошириш ва бунда ўқитувчиларнинг ўрни ҳақида қатор муҳим фикрларни билдириб ўтган эди.

Президентимиз таълим сифатини ошириш ва бунинг жамият ривожига ўрни хусусида фикр юритар экан, **болаларни ўқишга қизиқтиришнинг муҳим омили, биринчи навбатда, яхши дарслик эканлиги, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбия эканлигига** алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, юртбошимиз сўнгги йилларда куриб фойдаланишга топширилаётган юзлаб мактаблардаги соғлом муҳит ва ўқувчиларнинг маънавиятини ошириш фидойи устозлар қўлида эканлигини таъкидлаб, ўқитувчиларни янада фаол бўлишга, ўқувчиларга бор меҳри ва қалб кўри билан билим беришга ундади.

Қайд этиш лозимки, ўтган 2022 йилда тегишли давлат дастурлари асосида 787 та ва “Очиқ бюджет” платформаси орқали 873 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 120 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди. Жорий йилда ҳам янги мактаб биноларини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича бошланган ишлар янада кенгайтирилади.

Хусусан, 2023 йилда юртимизнинг белгиланган ҳудудларида 24 та янги мактаб бинолари қуриш ва 205 тасини реконструкция қилиш натижасида 76 минг ўқувчи ўрни яратилади, ўқув бинолари замонавий ўқув жиҳозлари ва қўшимча мебеллар билан таъминланади.

Халқаро молия институтлари ҳамда хусусий инвесторлар ҳамкорлигида 100 та мактаб қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Давлат, маҳаллий бюджет ҳамда халқаро молия институти маблағлари доирасида мактабларда жами 1 274 та замонавий компьютер синфлари ташкил этилади.

Таълим сифати ва мазмунини ошириш тизим масъуллари олдида турган энг муҳим вазифа бўлиб, фарзандларимизнинг эртанги кунни янада фаровон бўлишини таъминлаш учун, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг сифатли ва замонавий билим олишларига катта эътибор қаратиш зарур.

Албатта, бу борада олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар турибди. Жумладан, **ўқитувчилар мақомини ва уларнинг**

касбий маҳоратини ошириш, мактаб таълимни халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш, таълим муассасаларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тубдан такомиллаштириш, уларни халқаро стандартлар асосида тайёрлашга доир катта мақсадлар борки, уларни амалиётга жорий этиш соҳа олдида турган муҳим қадамлардан биридир.

Шу билан бирга мактаб дарсларига илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш, мактабларда бошланғич синф ўқувчиларини соғлом ва сифатли бепул овқат билан таъминлаш, таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш борасидаги ишлар ҳам бугунги кунда жадал олиб борилмоқда. Энг муҳими, мазкур вазифаларни юртимизда умумтаълим тизимида етакчи роль ўйнаётган Президент мактаблари тажрибаси асосида амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Қайд этиш лозимки, кунни кеча давлатимиз раҳбари бошчилигида мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда мактабда 11 йил ўқиган ўқувчи чет тилини мукаммал билмаслиги, битирувчиларнинг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мазкур вазиятдан келиб чиққан ҳолда, жорий йилдан бошлаб умумтаълим муассасалари битирувчиларига иккинчи чет тилини ўргатиш ва касбий таълимни жорий этиш бўйича янги тизим жорий этилади. Бунда **чет тилларини сифатли ўргатиш учун мактабларга “тил эгаси” бўлган педагоглар жалб қилиниб, Президент мактабларининг тил ўргатиш тажрибаси, дарслик ва дастурлари умумтаълим муассасаларига тўлиқ татбиқ этилади.**

Жорий йилдан бошлаб мактабларда сифатли таълимни жорий этиш мақсадида яна бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бунда энг аввало мактаб дарсликларини янада такомиллаштириш масаласи устувор аҳамиятга эга. Бунда аниқ ва табиий фанлар дарсликлари Президент мактаблари учун яратилган дарсликлар асосида босқичма-босқич ишлаб чиқилади. Ушбу йўналишда айна вақтда соҳа мутахассислари билан зарур ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга мактаб ўқитувчиларининг замонавий дарс кўникмаларини янада ошириш, уларга янги методикаларни ўргатиш мақсадида хорижий мутахассислар жалб этилади. “Хаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида 500 минг нафардан зиёд халқ таълими ходимлари ва 8 мингга яқин мактабгача таълим тизимидаги тарбиячиларнинг узлуксиз малакаси ошириб борилади.

Мактаб ўқувчиларининг баркамол ва юксак маънавий шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси асосида ишлар янада жадаллаштирилади. Ҳар бир мактабда “Ватан таянчи” отрядлари ташкил этилиб, мунтазам равишда “Ватанпарварлик дарслари” ўтказиб борилади.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш тизими жорий қилинган. 2022 йил давомида Қорақалпоғистон Республикасидаги 726 та умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 139 374 нафар ҳамда Хоразм вилоятидаги 549 та умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 134 315 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши ташкил этилди.

Қувонарлиси, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳри ва юртимиздаги барча вилоятларда ҳам мазкур тизим тўлиқ жорий этилади. Бунинг учун давлат бюджетидан 2,3 триллион сўм ажратилади.

Албатта, мактаб таълимини бутунлай ислоҳ қилиш, сифатли таълимни таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп ҳамда уларни сифатли ва тизимли ташкил этишда соҳа ходимлари ва мутахассислари билан доимий узвий ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Шунингдек, мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш ҳамда тизимда шаффофликни янада кучайтириш мақсадида “Таълимга мурожаат” электрон платформасини жорий этиш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Бевосита ўқитувчилар фаолиятига оид муаммолар ва таълим жараёнларини чуқур ўрганишни янада жадаллаштириш учун вазирликнинг жорий йил иш режаларини янада пухта ва самарали тузиш бўйича аниқ ва қатъий ишлар давом этмоқда.

Аниқроқ айтганда, халқ таълими тизимидаги **рахбарлар ва масъулларнинг иш фаолияти эндиликда қуйи бўғинларда, мактаб ва ўқитувчилар орасида, ўқувчиларнинг дарс жараёнларида олиб борилади.** Жамиятнинг муҳим асосларини ташкил этувчи маҳалла ва оила билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик ишларини фаол давом эттирган ҳолда, ҳар бир ўқувчининг қизиқиш ва дунёқараши, келажак мақсадларини рўёбга чиқаришда барча жамоатчилик вакиллари билан мавжуд алоқалар янада мустаҳкамланади.

Бизнинг асосий мақсадимиз – мактабга келаётган ҳар бир ўқувчи бу ерда янги билим эгаллаш баробарида ўқитувчи ва мураббийлардан мотивация олсин. Муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, камида иккита хорижий тилда сўзлашадиган, замонавий ахборот технологиялари билан бемалол тиллаша оладиган билимдон авлод бўлиб вояга етсин.

Албатта, ушбу юксак мақсадларга эришишда ва таълим тизимидаги ислохотларни амалга оширишда тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходимдан янада фидойилик, журъат ва кучли ирода талаб этилади. Шу боис сифатли таълимни таъминлаш мактаб таълими мутасаддилари ва педагоглариининг муҳим ҳаётий мақсадига айланиб бормоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ



Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазири маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган Мурожаатномада ўтган йил якунлари сарҳисоб қилиниши билан бир қаторда жорий йил учун ривожланишнинг асосий 6 йўналиши ҳам белгилаб берилди. Жумладан, иккинчи устувор йўналиш сифатида Янги Ўзбекистонни “ижтимоий кафолатланган давлат” тамойили асосида барпо этиш мақсади таъкидланди. **“Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”¹**, дея фикр билдирди давлатимиз раҳбари.

Ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган ушбу устувор йўналиш бўйича самарали натижаларга эришиш учун ихчам ва тезкор бошқарув тизимини шакллантириш, жамиятимизда мавжуд камбағалликни кескин тарзда қисқартириш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари бевосита маҳаллабай принципада фаол ишлашини таъминлаш ҳамда фуқароларни тадбиркорлик соҳаларига жалб қилишда комплекс ёндашиш тақозо этилмоқда. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги² фармони билан 2023 йил 1 январдан давлатимиз бошқарув тизимида **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** ташкил этилди.

Бу орқали камбағалликни қисқартиришга бевосита масъул бўлган бешта давлат ва жамоат идоралари илк бор ягона тизимга бирлаштирилди. Янги ташкил этилган вазирликка барча ташкилий, ҳуқуқий, молиявий имкониятлар ҳамда малакали мутахассис кадр ресурслари тақдим этилди.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, камбағалликни қисқартиришнинг энг таъсирчан иқтисодий механизми – аҳолини самарали ва юқори даромадли меҳнатга жалб қилиш бўйича шу пайтгача тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиб келаётган ҳудудлардаги **махалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар ва ёшлар фаоли, бандлик ва ижтимоий хизмат ходимлари** эндиликда бир тизимда фаолият олиб бориши шакллантирилмоқда.

Шу ўринда, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирларга эътибор қаратсак.

Биринчидан, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда қисқа муддат ичида мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган ва ҳозирги даврда Президентимиз талабларига мос янги ташкилий ва меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди, жумладан 2022 йилдан бошлаб давлатимизда аҳолининг минимал ижтимоий стандартлари ва камбағаллик чегараси белгиланди.

Соҳа мутахассислари ва халқаро жамғармалар ҳисоб-китобларига кўра 2022 йил мобайнида мамлакатимизда аҳоли жон бошига минимал истеъмол харажатлари қиймати 498 минг сўмни ташкил этди. Ушбу шаклланган молиявий мезондан келиб чиққан ҳолда республикада илк бор камбағаллик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // 20.12.2022 / <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // 21.12.2022 / <https://lex.uz/docs/6324756>.

даражаси 17 фоизни ташкил этди деб, ошкора эълон қилинди.

Иккинчидан, 2022 йилдан бошлаб мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришнинг мутлақо янги тизими – маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини юқори профессионал даражадаги касб-хунарга ўқитиш ва унинг иш билан бандлигига қўмаклашиш ҳамда жойларда камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди.

2022 йилнинг дастлабки чорагида 9 мингдан ортиқ маҳаллада тажрибали, ташаббускор ва кенг дунёқарашга эга ҳоким ёрдамчилари тайинланди ҳамда уларга Президентимизнинг ҳозирги талабларидан ва ўша ҳудуднинг демографик ва иқтисодий-ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб, аниқ амалий топшириқ ва вазифалар белгиланди. Жумладан, ўзларига бириктирилган маҳаллада уйма-уй юриш орқали камбағал ва даромади паст ижтимоий муҳтож бўлган аҳолини касб-хунарга ўқитиш, уларни мавжуд бўш иш ўринларига жалб қилиш, тадбиркорликнинг янги анъанавий йўналишларига йўл очиш ҳамда керакли миқдорда субсидия ва кредитлар ажратиш бўйича қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифалар ҳоким ёрдамчилари зиммасига юкланди.

Ўтган йилда ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 425 мингта лойиҳага жами 10 трлн сўмга яқин имтиёзли кредит ва 53 мингдан ортиқ ишсизларга 174 млрд сўм субсидиялар ажратилди. 220 минг нафардан ортиқ ёш йигит-қизлар касб-хунарга ўқитилди, шу жумладан уларнинг 76 минг нафарига тадбиркорлик кўникмалари ўргатилди.

Учинчидан, кўмакка муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий кафолатланган қўллаб-қувватлаш тадбирларини қонуний ва тизимли асосда олиб бориш ҳамда ижтимоий ёрдам давлат сиёсатини янада кучайтириш ва ушбу тоифадагиларга сифатли тиббий реабилитация хизматларини кўрсатиш бўйича самарали тизимни барпо этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 2022 йилда **Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси** тасдиқланди.

Шунингдек, ижтимоий муҳтож қатламларга мақсадли кафолатланган ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнини тезкор, тўлақонли ва ҳаққоний амалга ошириш учун давлатимизда **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”** ахборот тизими жорий

этилди. Барча оилаларга болалари учун бериладиган нафақа тўловлари ва моддий ёрдамни тайинлаш учун жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатлари қийматига, яъни камбағаллик чегарасига тенглаштирилди. Натижада, мавжуд ижтимоий муҳтож ва давлат томонидан ижтимоий ёрдам оладиган оилалар сони 2019 йил 1 январ ҳолатидаги 595 минг нафардан 2023 йил 1 январ ҳолатига келиб 2,3 млн нафарга етди, яъни охириги уч йил давомида 4 баробарга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”³ги фармони мувофиқ 2022 йил 1 майдан пенсия ва ижтимоий нафақалар минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорларда белгиланди ва бунинг учун етарли миқдорда бюджет маблағлари ажратилди.

Тўртинчидан, ўтган даврда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтарига” киритилган 360,6 минг оилага 300 млрд сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

2021-2022 йилларда аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини, шу жумладан чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш бўйича чора-тадбирларга мувофиқ, 264,7 минг ижтимоий муҳтож тоифадаги оилага такрорий экин учун 88,5 минг гектар ер ҳамда 154,4 минг оилага 28,6 минг тонна бугдой кластер ва фермер хўжаликлари томонидан бепул тарқатилди.

Бешинчидан, 2022 йилнинг 26-27 май кунлари Бухоро шаҳрида Ўзбекистон тарихида илк марта камбағалликни қисқартириш муаммоларига бағишланган Халқаро форум бўлиб ўтди. Форумда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо, кузатувчи ва ҳамкор давлатлар, халқаро молия институтлари, академик доиралар ва хорижий мамлакатлар вакиллари, жамиятимизнинг жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимлик органларининг 300 га яқин вакиллари иштирок этди. Форумда иштирок этган мартабали меҳмонлар томонидан давлатимизнинг инсонпарвар ижтимоий сиёсати ва бу боладаги амалий ишлар юқори баҳоланди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // 29.04.2022 / <https://lex.uz/docs/5989603>.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида⁴ 2026 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражасини 2 бараварга қисқартиришга эришиш вазифаси белгилангани вазирлигимиз мутахассисларига ниҳоятда мураккаб, шу билан бирга шарафли масъулият юкламоқда.

Бу борада истиқболда ўз ечимини кутиб турган долзарб мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, **биринчидан**, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кирган ҳар бир камбағал оила билан индивидуал дастур асосида фаолият юритишни режалаштирган.

Бу йўналишда биргина мисол, оилавий тадбиркорлик учун давлат томонидан ҳудудий идораларга давлат бюджети ҳисобидан ажратиб берилаётган 12 трлн сўм маблағ ҳисобига 500 мингдан ортиқ кичик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Иккинчидан, яқин икки йил давомида барча ҳудудлардаги ижтимоий муҳтож оила аъзоларини қўллаб-қувватлашга қаратилган молиявий манбалар ва молиявий хизматлар илк бор электрон шаклда тизимлаштирилади. Бунда аҳолини камбағалликдан чиқариб, кишилар бандлигига кўмаклашувчи жамғармалар негизида ягона жамғарма ташкил этилади. Жамғарма томонидан йўналтирилган барча харажатларнинг ҳаққонийлиги ва мақсадлилиги мунтазам равишда маҳаллий ҳокимликлар томонидан таҳлил этилади ва танқидий муҳокама қилиб борилади.

Вазирлик қошидаги жамғармаларнинг 2023 йилдаги фаолияти учун ажратилган 1,5 трлн сўм маблағ барча туманларнинг мавжуд эҳтиёжлари асосида тақсимланмоқда.

Жорий йилда барча ишсиз фуқаролар тадбиркорлик билан шуғулланиши ёки ўзини ўзи банд қилиши учун 550 млрд сўм субсидия ажратилиши мўлжалланган.

Шунингдек, янги шаклланган электрон реестрда ҳисобга олинган ижтимоий муҳтож оила аъзоларининг талаблари кам бўлган ҳамда самарадорлиги паст бўлган субсидиялар миқдори ва муддатлари жорий йил давомида ҳоким ёрдамчилари томонидан мақбуллаштириб борилади.

Иш излаётган ёки тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга мақбул ҳисобланган

ёки самараси юқори бўлган субсидия турлари ажратилиши бироз соддалаштирилади.

Учинчидан, аҳолига 2023 йилдан деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун **узоқ муддатли ижара асосида ер майдонларининг ажратилиши** янада кенгайтирилади. Бу ишсиз фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш ва хонадонларнинг даромадини оширишда муҳим омиллардан бири экани амалиётда ўз тасдиғини топди.

Шу мақсадда 2023 йилда қўшимча 100 минг гектар ер майдони 500 мингга яқин хонадонларга бўлиб берилиши кўзда тутилган. Бу муҳим тадбир ижтимоий муҳтож оилалар қўшимча даромадга эга бўлишига имкон беради.

Тўртинчидан, жорий йилнинг иккинчи чорайдан маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларда аҳолини иш билан банд қилиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишсиз ёш йигит-қизларни профессионал касб-ҳунарларга ўқитиш тизими шартнома асосида, меҳнат ресурсларига ҳудудий эҳтиёж миқдоридан келиб чиқиб, буюртма бўйича амалга оширилади.

2023 йил давомида 160 минг нафар ишсиз касб-ҳунарга, 80 минг нафари тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади. Ушбу кўрсаткич ўтган йилда мос равишда 120 минг ва 35 минг нафардан иборат эди. Бу борада барча мавжуд мономарказларнинг қувватларидан келиб чиқиб, янги юқори даромадли касб ва профессионал ишчиларни тайёрлаш ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилади ҳамда қўшимча касблар билан тўлдирилади (Масалан, куёш панеллари электриги, шамол электр мосламаларини эксплуатация қилиш техниги, электрон автомобилларни таъмирлаш бўйича техник, лифтсоз ва ҳоказо).

Шунингдек, ҳудудларда қўшимча 25 та туман даражасидаги мономарказларни ишга тушириш ҳам режалаштирилган.

Ўқув жараёнларига Германия, Россия, Туркия, Япония, Корея ва Финляндия каби ривожланган хорижий давлатларнинг юқори малакали мутахассисларини Халқаро меҳнат ташкилоти ёрдамида мономарказларга таклиф этиш борасида вазирлигимиз мутахассислари музокаралар олиб боришмоқда.

Шунингдек, илғор халқаро тажриба билан танишиш мақсадида маҳаллий мономарказ ўқитувчиларини юқорида қайд этилган давлатларда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // 28.01.2022 / <https://lex.uz/docs/5841063>.

малака ошириш ва тажриба алмашишга жўнатиш ҳам кўзда тутилган.

Туман ҳокимликлари ва ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда тоғли ва узоқ чўл ҳудудларидаги маҳаллаларда ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш масканларидан яна 280 тасини ташкил этиш тадбирлари олиб борилмоқда.

Барча ҳудудларда ишсиз фуқароларни қўшимча 25 та нодавлат касб-хунар таълим муассасаларида ўқитиш бўйича давлат-хусусий ҳамкорлик принципида ташкилий тадбирлар олиб борилмоқда.

Вазирлик тасарруфидаги 79 та касб-хунарга ўқитиш марказларининг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари тендер асосида нодавлат таълим муассасаларига қулай шартлар билан фойдаланишга ижарага берилиши мўлжалланган.

Жорий йил охирига қадар касб-хунар эгаллаш бўйича таълим олиб, сертификат соҳиби бўлганларни меҳнатга янада кенг жалб қилиш мақсадида ҳудудий мономарказлар қошида кичик хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бу орқали ишсиз фуқаролар меҳнат фаолиятига жалб қилинади ҳамда “Ишга марҳамат” мономарказларининг молия-хўжалик салоҳияти мустаҳкамланади.

Бешинчидан, айрим ҳудудларда маҳалла бюджети шакллантирилади. Бу борада республикада имкон даражасида танлаб олинган 14 та туманда мол-мулк ва ер солиғининг бир қисмини маҳалла ихтиёрида қолдиришни “Маҳалла бюджети” тизимини самарали ташкил этиш йўналишидаги биринчи қадам деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги даврда маҳалла бюджетини шакллантириш бўйича Боғот тумани ҳокимлиги билан “Қалажиққалъа” маҳалласи тажрибаси танқидий таҳлил қилиниб ўрганилмоқда. Ўрганиш натижасида ушбу янги тизим “Қалажиққалъа” миқёсида қандай самара бериши мониторинг қилинади. Келгусида мавжуд маблағлардан тўлақонли фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз бўйича тарғиб этиш мўлжалланмоқда.

Маҳалла бюджетида шаклланган маблағларни маҳалла кенгаши қарори билан мақсадли сарфлаш тажрибаси кенг қамровли ўрганилиши кутилмоқда. Молиявий фаолият бўйича билим ва тажрибага эга бўлган ҳоким ёрдамчилари “маҳалла менежери” вазифасини бажариши, маблағларнинг ҳаққоний ҳисоб-китоби ҳамда тўғри сарфланишига масъул бўлиши кўзда тутилган.

Олтинчидан, “Аёллар дафтари”га ёрдамга муҳтож хотин-қизларни киритишнинг 4 босқичи

амалга оширилади. Дафтарга кирган хотин-қизларга 6 та тоифа бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш ташкил этилади, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 1 500 нафар хотин-қизларга жарроҳлик операциялари учун молиявий қўмак берилади. Оғир турмуш шароитида яшаётган 7 500 нафар хотин-қизларнинг хонадонларини таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Еттинчидан, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами 19,3 минг нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ёки ёлғиз яшовчи кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд бўлиб, уларга жами 2,3 минг нафар ижтимоий ходималар уйида сифатли ва тўлақонли ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиб ишламоқда.

Жорий йил якунигача ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида 25 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан болалар бепул тиббий-ижтимоий реабилитация қилинади. Ушбу тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар рўйхати, навбатда турганлар ўрни ва уларга кўрсатиладиган тиббий реабилитация ҳамда протез қўйиш тадбирлари муддатлари шаффоф ва ошкора бўлиб, кенг омма эътиборига ҳавола қилинган.

26 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларга замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари ўз вақтида етказиб берилади.

45 минг нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон ҳудудидаги санаторияларда бепул соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича белгилаб берган талабларини қондириш ваколатларига эга бўлган Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги юқори савиядаги мутахассислар томонидан сидқидилдан шижоат билан амалда қўлланилаётган “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили асосида мунтазам равишда аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш, муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, инсонларнинг меҳнатига яраша юқори даромад олишига эришиш, бир сўз билан айтганда, халқимизни рози қилиш йўлида бундан буён ҳам изчил фаолият олиб боришни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

ИНСОНГА ЭЪТИБОР, СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ*



Сарваржон ҒАФУРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳоҳ давлат корхонаси бўлсин, ҳоҳ маҳалла гузари, чойхона, бозор, кўча-кўйда Президентимизнинг Мурожаатномасида билдирилган фикрлар, таклифлар, қўйилган вазифалар, устувор йўналишлар муҳокама қилинмоқда. Бу йилги Мурожаатнома ҳам Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати параметрларини белгилайдиган, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар дастуриламали бўлди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йиллардаги устувор вазифалар, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти мезонларини, долзарб йўналишларини кўрсатди. Янги Ўзбекистон келажagini қуриш, обод ва барқарор жамият барпо этишнинг стратегик йўналишлари, баркамол авлодни тарбиялашнинг маънавий аҳамияти, аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Мурожаатномани тинглаган, кузатган, танишиб чиққан кенг жамоатчилик вакиллари унда санаб ўтилган барча соҳаларда жиддий ислохотларни амалга ошириш заруратини тўлиқ англаб етди. Маърузада мазкур ислохотлар, ижтимоий ўзгаришларда, Тараққиёт стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш босқичларида фаол иштирок этиш, давлат тузилмалари, аҳоли қатламлари

– барчага фикр-мулоҳаза, таклиф билдириш учун жамоат платформаси яратилгани кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз Мурожаатномада келгуси йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар моҳиятини шарҳлар экан, асосий эътиборни халқимиз фаровонлиги, юрт тинчлиги, инсон қадрлари, манфаатлари каби тамойилларга қаратди. 2023 йилда давлат сиёсатининг устувор вазифаларини ўз ичига олган, концептуал ечимларни талаб қиладиган механизмлар, мувофиқлаштирилган фаолият динамикасига эга олти йўналиш тақдим этилди.

Биринчи йўналиш – ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш. Бугунги кундаги давлат ва жамият бошқаруви ходимлари сонини 30-35 фоиз қисқартириш энг мақбул таклифлардан. Ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви аппарати минимал даражада, компакт тарзда шакллантирилган. Масалан, Германияда 84 миллион аҳолига 15 та федерал вазирлик, Японияда 126 миллион аҳолига 14 та вазирлик, Малайзияда 33 миллион аҳолига 10 та вазирлик бор. Давлатимиз раҳбари ана шу тизимни оптималлаштириш вақти келганини таъкидлади. Бир-бирининг функциясини такрорлайдиган давлат идоралари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, ислох қилиш ҳақида сўз бормоқда. Энг муҳими, иқтисод

* Ғафуров С. Инсонга эътибор, сифатли таълим – Учинчи Ренессанс пойдевори // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2023 йил 6 январь, 3-сон. – 5-бет.

қилинадиган маблағлар ижтимоий соҳа ривожига йўналтирилади.

Иккинчи йўналиш – Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуриш. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий ҳимояга катта эътибор қаратадиган санокли давлатлардан бири. Бугунги кунда юртимизда ижтимоий ҳимояни кучайтириш, одамларнинг муносиб ҳаёт тарзи учун шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб улгурган. Шу боис, Президентимиз Мурожаатномада кўп бора инсон қадр, манфаатлари, инсонга эътибор тамойилларига тўхталиб ўтиши бежиз эмас.

Мазкур йўналишда таълим тизимини кучайтириш ҳақида ҳам сўз бормоқда. Бу масала бугунги кунда жамиятимиз олдида турган энг долзарб вазифаларни ўз ичига олади. Бу тизимда таълим сифатини ошириш, тарбия жараёнларини ривожлантириш билан бирга, ўқитувчилар мақомини кўтариш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мурожаатномада 2023 йилдан мактаб таълими халқаро таълим дастурлари асосида ислоҳ қилиниши айtilди. Ёшларга таълим ва тарбия бериш билан бирга, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, Ватанни севиш, ҳимоя қилиш, миллати билан ғурурланиш туйғуларини ҳам сингдириб боришнинг муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар яратилади. Айниқса, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш борасида иқтидорли ёшлар билан ишлашда янгича методлар қўлланилади. Шу мақсадларда 2023 йилда илм-фанга 1,8 триллион сўм ажратилиши эълон қилинди.

Учинчи йўналиш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланиб, тадбиркорлар ҳуқуқи, шахсий мулк дахлсизлигига жиддий эътибор қаратилади. **“Қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият”** шиорига қатъий амал қилиниши белгилаб қўйилмоқда.

Тўртинчи йўналиш – экология, сув масаласи, глобал муаммолар. Ўзбекистон узоқ йиллардан буён Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик муаммо оқибатларини бартараф этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу борада охириги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни яхшилаш борасидаги халқаро ва минтақавий доирадаги ҳаракатларини изчил давом эттириши билдирилди. Маърузада ана шу фаолият натижаси ўлароқ, халқаро мегалойиҳа бўлиши кутилаётган Амударё ўзанида янги канал қурилиши айtilди. Ушбу лойиҳа халқаро меъёрлар асосида, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда ва минтақанинг барча давлатлари манфаатлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши режалаштирилган.

Бешинчи йўналиш – эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Бу йўналишда **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”** тамойилига асосланган иқтисодий тараққиёт стратегияси белгиланмоқда. Республикамизда фаолият кўрсатаётган катта ва кичик бизнес тузилмалари, тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқаришга асосланган хусусий мулк вакиллари ҳуқуқлари таъминланиши, манфаатлари ҳимоя қилиниши, киритилаётган инвестициялар дахлсизлиги кафолатланмоқда.

Олтинчи йўналиш – иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитни яхшилаш. Ўзбекистонда келгуси йилларда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга инвестицияларни жалб қилишга катта аҳамият берилади. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида келтирилганидек, 2023 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилмоқда, шундан 25 миллиард доллари хусусий инвестиция бўлади. Ўзбекистон иқтисоди ва саноати соҳалари ривожига фаол иштирок этаётган хорижий ва маҳаллий бизнес тузилмалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилиши белгилаб қўйилмоқда.

Жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, зиёлилар фаолиятини

қўллаб-қувватлаш келгуси йил давлат ва жамият сиёсий фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлишда давом этади. Қадимий ва бой тарихимизни, аждодларимиз меросини, жадидлар фаолияти ва ижодини янада чуқур ўрганишимиз, етишиб келаётган авлодга ўргатишимиз лозим.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан топилган тарихий артефактлар мазкур ўлканинг ибтидоий даврдан бошлаб тараққиёт бешиги бўлиб келганини тасдиқлайди. Мазкур минтақа инсоният жамияти шаклланиш босқичларининг илк вақтларидан бугунги кунга қадар эволюцион ривожланиш жараёнлари генезисини ўз ичига олган улкан даврни бошидан кечирган.

Марказий Осиёда инсоният жамияти тарихини, эволюцион босқичларини, жамиятлар, қабилавий тузум, давлатчиликнинг шаклланишини таҳлил этадиган, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, хунармандлик, шаҳарсозлик тамойиллари юзага келиши, ушбу ўлкада яшаган халқлар ва элатлар маънавий дунёси тараққиёти тарихига оид тадқиқот ишларига жуда катта эҳтиёж мавжуд. Ана шу тарихий жараёнларни илмий ўрганиш, мавжуд қўлёзма асарларни атрофлича таҳлил қилиш, келажак авлодга тарихнинг ҳолисона манзарасини намоён эта билиш Янги Ўзбекистонни қуришда барчага, хусусан, ёшларга чинакам ибрат, тарбия маҳсули бўлиши керак.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда ҳам кўп векторли сиёсий ёндашувларни давом эттириб, минтақавий ва глобал ташкилотлардаги иштирокини фаоллаштириб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг янги дипломатияси самарасини бермоқда. Республика-мизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби халқаро ташкилотлардаги фаол иштироки, концептуал характердаги таклифлари замонавий халқаро муносабатлар мазмунига мос тушади. Ўзбекистон раҳбари халқаро минбарлардан туриб, Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий ва экологик муаммолар хусусида кўп бора чиқишлар қилди.

Мурожаатда ана шу масалаларга яна бир бор тўхталиб, ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурсларнинг камайиб бориши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланиб бораётгани таъкидланди. Шу турдаги муаммоларни бир давлат имкониятлари билан ҳал этиш

имконсизлиги нуктаи назаридан минтақавий, жаҳон ҳамжамяти давлатлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самарали натижалар бериши аён. Президентимиз ана шу ҳақиқатни илгари суриб, минтақа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарорлик сиёсатини юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг **“Энг бебаҳо олий неъмат – тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улугъ бойликни асраб-авайлайлик”**, деган чақириғида нечоғлиқ теран маъно мужассам. Бу ўринда гап мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, халқлар дўстлиги, миллатлараро бирдамлик, бағрикенглик ҳақида кетмоқда. Мана шу тинчликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш, келажак авлодга обод ва тараққий этган барқарор турмуш тарзига эга жамият қолдиришимиз кераклиги ҳақида сўзламоқда Президентимиз. Бунинг энг асосий воситаларидан бири эса, шубҳасиз, сифатли таълим-тарбиядир. Ёшларни маънавий баркамол, маърифий билимдон, заковатли, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият бериш керак.

Бу борадаги фикрлар халқимиз учун энг ҳассос туйғу – **Ватан, оила, тинчликка** йўналтирилгани билан аҳамиятли. Шарқ халқларида оила масаласи муқаддас ҳисобланади. Оила, унинг қадриятлари, фарзанд тарбиясида халқимиз томонидан асрлар давомида амал қилиниб келинадиган урф-одатлар, анъаналар мавжуд. Намунали оилада тарбия топган фарзанд соғлом фикрлайдиган, Ватани, халқи, миллати ҳурматини жойига қўядиган, ҳимоя қиладиган бўлади. **“Оила тинчлиги – Ватан тинчлиги”**, деган ҳикмат бор халқимизда.

Президентимиз ана шу улугъ мақсад – Ватан тинчлиги, осойишталикка эришиш, уни сақлаб қолиш, келажак авлодлар учун тараққий этган Ўзбекистонни мерос қилиб қолдириш ҳақида жон қуйдириб гапирмоқда. Бу гапларнинг тагида теран мазмун мужассам.

Мурожаатномада асосий йўналишлардан бири – келажак авлод, унинг бахту камоли, тинчлиги, барқарор тараққиётини таъминлаш учун бугундан пойдевор қўйиш зарурлиги айtilмоқда. Етишиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларга Ватан,

оила, тинчлик, осойишталик буюк неъмат эканини англатиш, ушбу неъматларни қадрлаш, ҳимоя қилиш туйғуларини сингдириш – жамиятимиз олдида турган улкан вазифалардан. Бу ўринда маънавий-маърифий соҳа, таълим-тарбия жараёнларини ислоҳ қилишимиз, аввало, ислохотларни ўзимиздан бошлашимиз зарур.

“Маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўргонидир”, деди Президентимиз Мурожаатида. Ўзини ўзи бошқаришга ўтиш тизимини янада такомиллаштириш вақти келди, жараён бошланди.

Маҳалла жамиятнинг бош бўғини, тарбия маскани бўлиши керак. Ҳар бир маҳалла ўз муаммоларини мустақил ечишга интилиши керак. Мурожаатномада маҳаллага йирик маблағлар ажратилиши хусусида сўз борди. “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилиб, маҳаллалар ижтимоий тузилмаларига – кутубхона, спорт майдонлари, тиббиёт ва савдо марказларига эга бўлади.

Таълим-тарбия барқарор тараққиёт йўлини танлаган давлатнинг пойдевори мустаҳкамлигини таъминлайдиган омиллардан. Шундай экан, ана шу пойдеворни асрлар давомида шаклланиб келган миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, улуғ аجدодларимизнинг ўғитлари, бебаҳо илмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, ўргатиш, теран аңлаш билан мустаҳкамлашимиз керак.

“Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз”, дея таъкидланди Мурожаатномада. Бугунги глобализация шароитида минтақаларда юз бераётган сиёсий-ижтимоий муаммолар бир ҳудуддан бошқасига тез фурсатларда кўчиши кузатилмоқда.

Минтақавий ва глобал таҳдидлар ҳамон сақланиб қолаётган бугунги таҳликали замонда уларнинг ғоявий-мафкуравий таъсирини тўсиб қолувчи моддий чегараларни куриш имконсиз. Бу иллатга қарши фақатгина маънавият, маърифат ва таълим билан самарали курашиш мумкин. Аҳоли, хусусан, ёшларимиз онгини, дунёқарашини радикализм, экстремизм ва терроризм каби ёт иллатлардан сақлашда, соғлом маънавий дунёқарашини

бойитишда, мафкуравий иммунитетини шакллантиришда таълим-тарбия ва маънавий-маърифий соҳани янада кучайтириш аҳамиятлидир.

Бу борада миллий дастур ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ҳам шу ҳаракатнинг мазмун-моҳиятини белгилаб, амалга ошириладиган ишларнинг тизимли ва концептуал ечимларга эга механизмлари асосини яратади.

Ёшлар – келажагимиз. Келажагимиз порлоқ бўлиши учун бугундан ҳаракатларни давом эттириб, жиддий ислохотларни амалга ошириб, тарбиявий жиҳатларга янада қўпроқ аҳамият беришимиз мақсадга мувофиқ. Бу ўринда бир қатор мулоҳазалар борки, уларни ўртоклашиш вақти келди.

“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда”, деди Президентимиз. Тарих зарварақларига ёзиладиган гаплар. Йиллар давомида ўз мазмун-моҳияти, долзарблигини йўқотмайдиган шиор. Аждодлар илмий мероси бўлган бекиёс асарларни, халқимизнинг азалий қадриятлари, ислом тафаккури билан зийнатланган маънавиятини чуқур ўрганиш, ўргатиш, маърифатли жамият куриш бугунги кун маънавий-маърифий, таълим-тарбия соҳаларининг устувор вазифасига айланиб улгурганини аңлашимиз лозим.

Юртимизда олий ўқув юртлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Ёшларни таълим жараёнига қамраб олиш салмоғи ошмоқда. Етишиб келаётган ёш авлодни саводли, маърифатли, билимдон қилиб тарбиялаш давлатнинг, жамиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мазкур ишларни тизимли давом эттириш, таълим жараёни узвийлигини таъминлаш борасида мақсадли вазифаларни белгилаб олиш ва уларни амалга ошириш муҳим. Бу масалада жамоатчилик фикри, таклиф ва тавсиялари, ўрни келганда, танқидий мулоҳазаларига ҳам эътибор қаратиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ечимларини ишлаб чиқиш керак. Бу ҳақда Президентимиз Мурожаатномада **“...халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритиш, ушбу жараёнларга депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тadbirkorлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишни, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришини”** таъкидлаб ўтди.

Шу ўринда республикамизда олий таълим соҳасини жиддий ва тизимли ислоҳ қилиш зарурати юзага келгани сезилиб қолди. Буйруқбозлик, қоғозбозлик, ҳисоботбозлик, марказий бошқарув тизимининг эскирган усуллари, турли мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларига умумий таълим стандартларининг ҳануз қўлланилиши каби номутаносиб ёндашув тўлиқ барҳам топганича йўқ.

Гуманитар йўналишларда мутахассис тайёрлайдиган олий ўқув юртлари билан техник соҳаларда кадрлар етиштирадиган олий таълим муассасаларига бир хил таълим стандартларини қўллашдан воз кечиш даври келди. Аниқ таълим йўналишларига эга олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашнинг замонавий, прогрессив услубларидан фойдаланиш, ўрни келганда, илгор хорижий тажрибаларни интеграция қилиш, талабалар билимини оширишнинг замонавий ва самарали усуллари ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш зарур.

Олий ўқув юртларида таълим сифатини оширишга, етишиб чиқаётган кадрларнинг соҳалар бўйича малакали мутахассис сифатида талабга жавоб беришига жиддий эътибор қаратиш муҳим. Шу мақсадда олий таълим муассасаларида таълим бераётган профессор-ўқитувчилар, педагоглар, илмий тадқиқотчи ва изланувчилар малакасини доимий ошириб бориш, замонавий таълим методикаларини ўқув жараёнида қўллаш кўникмаларини янада кенгайтириш, етакчи хорижий ўқув юртларида қисқа муддатли бўлса-да тажриба орттиришини тизимли ташкил қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Президентимиз **“Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир”**, деганида мутлақо ҳақ эди.

Олий ўқув юртларида, ҳоҳ давлат муассасаси бўлсин, ҳоҳ хусусий таълим маскани, ўқув жараёнини амалиёт билан узвий боғлаб олиб боришни янада кенгайтириш зарур. Таълим жараёнида малакали профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчиларни жалб қилишдан ташқари, олий ўқув юртлари бошқарув аппаратида профессионал кадрларни, хорижда малака оширган, илмий даражага эга, ташкилотчилик қобилияти шаклланган, бошқарадиган олий ўқув муассасаси бўйича соҳа мутахассиси бўлган, яхши менежер сифатини ўзида мужассамлаштира олган кадрларни қўйиш таълим сифати ошиши, ўқув даргоҳлари ўқув ва ил-

мий рейтинги кўтарилишига хизмат қилади. Таълим даргоҳлари бошқарувига ёш, ташаббускор, замонавий таълим жараёнларидан яхши хабардор, хорижий тажрибаларни самарали қўллаш олиш имкониятига эга, чет эл олий ўқув юртлари билан манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрната олишга қодир, яна бир аҳамиятли жиҳати – таълим жараёнига инвестициялар жалб қилиш салоҳиятига эга кадрларни олиб келиш муҳим.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг халқаро нуфузини ошириш, юртимизда дунё стандартларига жавоб бера оладиган иқтисод, молия, ахборот технологиялари, ирригация, фармацевтика, хорижий тиллар каби қўшлаб мутахассисликлар бўйича чет эллик талабаларни ҳам тайёрлаш вақти келди. Олий ўқув юртлари имкониятларидан келиб чиқиб халқаро алоқаларни фаоллаштириш, жаҳоннинг етакчи хорижий университетлари билан талабалар алмашинуви, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик доираларини кенгайтириш муҳим. Шу билан бирга, хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма ўқув дастурлари, қўшма факультетлар, қўшма кафедралар, ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш ҳам малакали мутахассислар, кадрлар тайёрлашда салмоқли натижаларга эришилишига сабаб бўладиган омиллардан. Бу, ўз навбатида, хорижий олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг Ўзбекистон олий ўқув юртларига келиши, таълим ва илмий йўналишларда инвестициялар оқими ортишига олиб келади.

Яна бир мулоҳаза. “Устоз-шогирд” тизимини изчил давом эттириш ёш авлодни тарбиялашда, маънавий дунёқарашини, устозларга ҳурмат, эътибор, одоб каби хислатларни шакллантиришда яхши натижалар беради. Хорижий университетларда таниқли фан арбоблари, олимлар, кашфиётчилар учун алоҳида, ихтисослашган кабинетлар ташкил этилган. Уларда олимларга иқтидорли талабалар, мустақил изланувчилар бириктирилади. Университетда олимларнинг маърузалари, илмий чиқишлари, давра суҳбатлари уюштирилади. Айнан шундай амалиётни юртимиз олий таълим муассасаларида ҳам тизимли йўлга қўйиш зарур.

Зеро, азалдан халқимиз таълим-тарбияда элга танилган аҳли илмларга мурожаат қилган.

Жаҳонга машҳур буюк аждодларимиз ҳақида гап кетганида ҳам, энг аввало, уларга сабоқ берган устозлари зикр қилиниши устоз-шогирд тамойили нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Жамиятимизнинг доимий назоратида бўлган яна бир жиҳат – ижтимоий кам таъминланган оила фарзандларини олий ўқув юртиларида, ихтисослашган коллеж ва техникумларда, махсус мактабларда ўқитишни ташкил этишнинг янгича механизмини ишлаб чиқиш керак.

Бугунги кунда олий ўқув юртига шартнома асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга паст фоизда узоқ муддатли банк кредитлари ажратилаётгани қувончли ҳодиса. Бироқ ўзи кам таъминланган оиладан чиққан ёшларнинг ўқишини ташкил этиш мақсадида банк кредитлари билан қарздорлиги ошиб, уларнинг молиявий ҳолати янада мураккаб вазиятга тушиб қолмаяптими?

2023 йилнинг **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб номланиши чуқур рамзий маънога эга. Ўзбекистонда охириги йилларда инсон кадри, шахс камолоти, ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг марказий ва устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбари халқни рози қилиш, қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш тизимига жиддий эътибор қаратмоқда ва барчадан шуни талаб қилмоқда.

Шу жиҳатдан таълим соҳасида кам таъминланган оила фарзандларига алоҳида ёндашув принципини ишлаб чиқиш таклиф этилади. Президентимизнинг **“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”** ғояси ҳам доимо ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилишини англатади.

Маҳалла бошқаруви тизими, ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан олий ўқув юртига қабул қилинадиган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим даргоҳларининг ички имкониятлари, давлат корхо-

на ва ташкилотлари, ҳомийлар, катта ва кичик бизнес тузилмалари, саховатпеша инсонлар молиявий ёрдамини ташкил қилишнинг амалий механизмини яратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, етишиб чиқаётган мутахассис кадрларни иш билан таъминлаш мумкин бўлган потенциал иш берувчи корхоналар билан ҳам узоқ муддатли шартномалар тузиш шартларини кўриб чиқиш мумкин.

Иқтидорли ёшларнинг билим даражасидан ташқари салоҳият, ўқув, заковат каби хислатларини ҳам алоҳида эътиборга олиш, уларга ўзи қизикқан соҳа йўналишида таълим олишига шароит яратиш муҳим бўлиб, бу борада алоҳида ёндашув принципларини ишлаб чиқиш зарур. Ана шундай ёшларни аниқлаб, таълим тизимига, ишлаб чиқариш, саноат соҳаларига жалб этиш, уларнинг табиатан туғма иқтидоридан самарали фойдаланиш ва рўёбга чиқишида давлат даражасида кўмак, туртки бўлиши керак.

Бунинг учун улар билан ишлашга масъул ташкилотлар тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллалар билан ҳамкорликда ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигига эришишда таълим-тарбия жараёни, тарғибот ишларининг аҳамияти чексиз. Бу ишлар фақат ҳисобот учун ёки давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, **“ўйин бўлиб кетмаслиги”** муҳим ва бунга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ислохотлар доимо қатор мураккабликлар билан амалга ошадиган жараён. Дарҳақиқат, бу осон иш эмас. Унда жамиятимизнинг барча аъзоси – давлат ва жамоат вакиллари, зиёлилар, тадбиркорлар, ёшлардан тортиб, нурунийлар, юртимиз тараққиётига бефарқ бўлмаган барча қатнашиши лозим. Президентимизнинг **“Тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади”**, деган фикрида теран маъно ва мазмун борлигини барча англаб етди.

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Doi: 10.54952/DHR.2022.30.73.056



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси миллий маркази
директори, академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегментида сўзлаган нутқида БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусини ҳамда 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилишини қўллаб-қувватлагани бежиз эмас. Чунки ушбу умумбашарий ташаббуслар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга ошириладиган изчил, тизимли ва кенг қўламли ислохотлар билан уйғун ҳамда ҳамоҳангдир.

Шу йил 27 февраль куни Женева шаҳрида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 52-сессияси очилди. Сессиянинг Юқори даражадаги сегменти ишида иштирок этар эканман, давлатимиз раҳбарининг ушбу халқаро тузилма минбаридан илк марта сўзлаган нутқида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар нақадар ҳаётий эканлиги ҳақидаги фикрлар яна ҳаёлимни банд этди.

Инсон ҳуқуқлари – инсониятнинг умумий тили

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг жорий йил 4 апрелига қадар давом этадиган сессиясида дунёнинг қарийб 150 та давлатидан юқори даражали вакиллар қатнашмоқда. Очилиш маросимида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси В.Балек, БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг раиси Ч.Керёши, БМТ Бош котиби А.Гутерриш, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк иштирок этди ва сўзга чиқди.

В.Балек ушбу сессияга “Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг асосий мажлиси” дея таъриф берди. Шу нуктаи назардан, у “Кенгашнинг самарали фаолият олиб бориши учун ишчанлик муҳити ва ўзаро ҳамкорлик руҳи”ни қўллаб-қувватлаш жуда муҳимлигини қайд этди.

Ч.Керёши бу йил Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллиги нишонланишини таъкидлади. Аммо шундай қутлуғ санани байрам қилиш масаласи, унинг таассуф билан айтишича, “турли тартибсизликлар, мисли қўрилмаган қўлампарда, кетма-кет ва ўзаро боғлиқликда давом этаётган бўҳронлар домида қолган бугунги дунёмиз учун иккинчи даражали юмушга айланди”, яъни зарур аҳамиятини йўқотди.

Чунки коронавирус пандемиясидан сўнг дунё ҳали ҳам ўзини ўнглай олмапти: 70 дан зиёд мамлакат қашшоқлик ҳолатида қолмоқда. Инсоният 2030 йилгача эришиши мўлжалланган Барқарор тараққиёт мақсадлари йўлидан чалғиб кетди.

Қуролли низолар кўпайгандан-кўпаймоқда. Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ фожеалар инсон ҳуқуқлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли соғлиги, тураржой билан таъминлаш имконияти ва баъзан ҳатто халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига тааллуқли муҳим ҳуқуқларга нисбатан тажовузлар билан бирлашиб, бугунги авлод келажагига таҳдид солмоқда.

А.Гутерриш XX аср давомида ва XXI аср бошида инсоният тараққиёти йўлида эришилган натижалар энди ортга кетаётганини афсус билан қайд этиб, илк бор ўн йилликлар давомида ўта қашшоқлик ва очлик ҳолатлари тўхтовсиз ортаётганидан ташвиш билдирди. Бугунги кунда иқлим нуктаи назаридан “қайноқ нукта-

лар” ҳисобланадиган ҳудудларда 3,5 миллиард аҳоли яшамокда. А.Гутерришнинг қайд этишича, ана шу улкан қўламдаги хавотирли ҳудудлар тез орада инсон ҳуқуқлари учун ўта серкулфат жойларга айланади.

Айни вақтда ер юзида зўравонлик, низолар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши каби офатлардан қочишга мажбур бўлган инсонлар сони мисли кўрилмаган даражада ошиб, 100 миллион кишига етди. БМТ маълумотларига қараганда, 2023 йилда бутун дунёда инсонпарварлик ёрдамига муҳтожлар сони 339 миллион нафарга етган. Бу ракам 2022 йилдаги кўрсаткичдан 25 фоизга кўпдир.

Бош котиб айни вақтда ер юзида зўравонлик, низолар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши каби офатлардан қочишга мажбур бўлган инсонлар сони мисли кўрилмаган даражада ошиб, 100 миллион кишига етганини маълум қилди. Шу муносабат билан у қочқинлар ва мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳеч бир “камситишларсиз” таъминлашга чақирди. Бинобарин, “Бизга қочқинлар ва мигрантларга ёрдам бериш учун хавфсиз, тартибли ва қонуний чоралар ниҳоятда зарур”, деди А.Гутерриш.

Ф.Тюрк инсон ҳуқуқларига – инсониятнинг умумий тили, дея таъриф берди. Унинг фикрича, кейинги 75 йил давомида инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида бир қатор аҳамиятли натижаларга эришилди. Аммо қашшоқлик, иқлим ўзгариши ва тенгсизлик каби йирик муаммолар асорати туфайли айни вақтда ана шу ютуқлар йўли тўсилиб қолмокда ва баъзан ортга қайтиш ҳолатлари ҳам кузатилмокда.

Шу муносабат билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бундан 75 йил илгари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилишга олиб келган ижобий муҳитни қайта тиклашга чақирди. Бинобарин, мазкур декларация, бир томондан, турли хил маданиятларнинг азалий донишмандлигини ўзида мужассам этган бўлса, иккинчи томондан, ўтган давр мобайнида сайёраимизда тинч ҳаётни таъминлаб келмокда.

Юқори даражадаги сегмент мажлиси тафсилотлари

Бу мавзуда сўз юритишдан олдин, албатта, бир табиий саволга жавоб бериш тақозо этилади. Яъни, “Юқори даражадаги сегмент мажлиси” деган иборанимани англатади ўзи?

Бу саволга мухтасар жавоб шундай:

биринчидан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясининг Юқори даражадаги сегментида давлат ва ҳукумат бошлиқлари ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқади;

иккинчидан, ҳар қайси давлат раҳбари нуткида иккита асосий масалага – ўз мамлакатининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тажрибасига ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташаббус билан чиқишга эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, **“Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият”**. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 52-сессиясининг очилиш маросимидан кейин бўлиб ўтган Юқори даражадаги сегмент мажлисида ҳам айни тартиб-таомилга амал қилинди.

Унда Конго, Черногория, Колумбия президентлари, Чехия ва Яман бош вазирлари, Қозоғистон, Сербия, Таиланд, Вьетнам, Нидерландия бош вазирларининг ўринбосарлари, Хитой, Ирландия, Парагвай, Чили, Грузия, Финляндия, Малайзия, Буюк Британия, Германия, Франция, Индонезия, Норвегия ташқи ишлар вазирлари, бошқа бир қатор давлатларнинг инсон ҳуқуқлари, барқарор тараққиёт, атроф-муҳит ҳимояси масалаларига масъул вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида тўғридан-тўғри ёки видеоконференцалоқа тарзида сўзга чиққанлар халқаро ҳуқуққа ва БМТ Низомига содиқлик, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан кўп томонлама ва фаол ҳамкорлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш истиқболлари ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, тараққиёт, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларнинг муҳимлиги таъкидланди.

Шу ўринда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида фаоллик ва ташаббускорлик асосида иш олиб бораётганини қайд этиш лозим. Бинобарин, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида мамлакатимиз Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга аъзолиги даврида инсон ҳуқуқлари соҳасида энг юксак стандартларга содиқлигини намоён қилишга астойдил интиломда.

БМТ Ёшлар стратегияси – 2030 йилгача мўлжалланган глобал дастур

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 52-сессияси Юқори даражадаги сегменти доирасида инсон ҳуқуқларининг барча соҳаларини қамраган “Юқори даражадаги Йиллик ялпи мунозара” ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз делегацияси раҳбари, шунингдек, Словакия, Ҳиндистон, Боливия, Корея Республикаси, Гондурас давлатларининг ташқи ишлар вазирлари, Тожикистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, Эфиопия, Чад, Намибия каби мамлакатлар адлия вазирлари тўғридан-тўғри ёки видеоконференцалоқа орқали сўзга чиқдилар.

Мунозараларда 2030 йилгача мўлжалланган БМТ Ёшлар стратегиясини амалга ошириш масаласи кўриб чиқилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш олий минбарида Ўзбекистон делегацияси номидан БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” резолюцияларининг қабул қилиниши борасидаги мамлакатимиз ташаббусини қўллаб-қувватлаганлари учун БМТга аъзо давлатларга чуқур миннатдорчилик изҳори янгради.

Тадбир давомида Ўзбекистон делегацияси, бир томондан, Туркий давлатлар ташкилотига раислик қилувчи мамлакат, иккинчи томондан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг ёшлар мавзусини дадил илгари сураётган фаол аъзолари сифатида Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари номидан баёнот билан чиқди.

Хусусан, ёшлар сиёсатининг самарадорлиги таъкидланди. Айниқса, таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотлар барчамиз учун муҳим бўлган тинчлик, хавфсизлик, адолат ва барқарор тараққиётга эришишга хизмат қилади.

Форум иштирокчиларининг эътибори БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 ва 2022 йилларда Ўзбекистон таклифига кўра қабул қилинган ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги резолюцияларига қаратилди. Шу ҳақда мухтасар сўз юритамиз.

Аввало, 2021 йил 8 октябрда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 48-сессияси доирасида Ўзбекистон ташаббуси асосида Ёшларнинг инсон ҳуқуқларига COVID-19 пандемияси таъсирининг оқибатлари тўғрисидаги резолюция қабул қилинганини қайд этиш ўринлидир. Резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилган.

Давлатимиз раҳбари ўша нутқда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Ўзбекистон киритган Резолюция матни БМТ Кенгашига аъзо барча, яъни 47 та давлат томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон илгари сурган ушбу халқаро ҳужжат лойиҳасига дунёнинг 37 мамлакати ҳаммуаллифлик қилди. Бундай ҳамжиҳатлик, бир томондан, давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамият эътиборини қаратган мазкур умуминсоний муаммо нечоғлик долзарблигини яна бир бор яққол намоён этган бўлса, иккинчи томондан, бу – Ўзбекистон Президентининг халқаро ташаббуслари ва мамлакатимизда амалга

оширилаётган ислохотлар дастурини жаҳон жамоатчилиги кенг қўллаб-қувватлаётганининг ёрқин даллати ҳам бўлганди.

Резолюциянинг мақсади – пандемия шароитларида бутун дунёда ёшларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, улар дуч келаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Бу борада, шубҳасиз, навқирон авлоднинг жамики эзгу манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини, шунингдек, ёшлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган халқаро, минтақавий ва миллий кўламлардаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш масалалари тўлиқ кўзда тутилган.

Модомики, дунё тобора глобаллашиб, жадал суръатларда ўзгариб ва мураккаблашиб бораётган XXI асрда яшаётган эканмиз, ҳозирги замоннинг ғоят муҳим бир воқелигига эътибор қаратмаслигимиз мумкин эмас. Яъни, салмоқли инсон капиталига эга бўлган ва бу сармоя таркибида ёшлар жуда катта ўрин тутадиган мамлакатлар изчил ривожланиш, инновация салоҳиятини муваффақиятли жамғариш ва ўз ютуқларини самарали тасарруф этиш борасида устувор имкониятларга эгадир.

Қолаверса, 2021 йилнинг августида Тошкентда “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ташкил этилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2022 йил февралда бўлиб ўтган 49-сессиясида сўзга чиққан Ўзбекистон вакили ушбу форумни ўтказишда кўрсатган ёрдами учун БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарига миннатдорчилик изҳор қилди.

Ўз навбатида, ёшлар ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий ташаббусларини амалга ошириш мақсадида қатор халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар, маслаҳатлашувлар ташкил қилинди. Хусусан, 2022 йил 4 октябрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 51-сессиясида “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” резолюцияси қабул қилинди.

Бу Резолюция ҳам 41 та давлат, жумладан, Ўзбекистон ташаббусининг маҳсулидир. Унда ёшларнинг ўз мамлакатлари ривожланишидаги иштирокини кенгайтириш, навқирон авлод учун тенг имкониятлар яратиш, ёшларни рақамли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича ташаббусларни илгари суриш, ёшларнинг ўз ҳаёт тарзига таъсир ўтказадиган қарорларни қабул қилишда қатнашиши каби масалалар ифода этилди.

Бугунги воқеликка қайтсак, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши жорий сессияси Юқори даражадаги сегменти иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаб-

буси билан 2022 йил – “Туркий дунёда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган ҳақида ҳам батафсил ахборот тақдим этдик.

Бундан ташқари, 2023 йилда Ўзбекистонда Туркий дунё ёшларининг илм-фан ва инновациялар халқаро конгресси ўтказилишига оид маълумот халқаро форум иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Туркий давлатлар ташкилотининг ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантиришга асосланган ёндашувни илгари суриш борасидаги халқаро сиёсатга содиқлиги жаҳон ҳамжамияти эътиборига етказилди. Бу йўлда истиқболда қўйлажақ қадамлар туркий тилли мамлакатлар ёшларининг фаол иштирокида аниқлаштирилаётгани диққатга молик экани БМТ Кенгаши сессияси делегатлари томонидан алоҳида таъкидланди.

Халқаро ҳамжамият эътиборига Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни истиқболда янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор йўналишлар ҳақида зарур маълумотлар тақдим этилди. Юқори даражадаги сегмент мажлиси иштирокчиларига юртимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан батафсил ахборот берилди.

Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослашган институтлари билан ўзаро манфаатли ҳаморлик алоқаларини янада кенгайтириш истагида экани эътироф этилди. Шу маънода, БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Э.Эдвардснинг жорий йилда юртимизга ташрифини ташкил этиш, шунингдек, келгусида Осиё қитъасида инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизм яратишга қўмаклашишга оид режаларни рўёбга чиқариш учун изчил саъй-ҳаракатлар давом эттирилиши маълум қилинди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз делегацияси БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси лавозимини таъсис этиш юзасидан илгари сурилган Тошкент ташаббуси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирди.

“Марказий Осиё – ўлим жазосидан холи минтақа”

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 52-сессияси доирасида Ўзбекистон делегацияси ўлим жазосини бекор қилиш масаласига оид юқори даражадаги тадбирда ҳам иштирок этди. Унда Марказий Осиё давлатлари ва Монголия делегациялари раҳбарлари, “Ўлим жазосига қарши халқаро комиссия” ноҳукумат ташкилоти вакиллари билан мулоқотлар бўлиб ўтди.

Учрашув томонларидан бири, яъни “Ўлим жазосига қарши халқаро комиссия” Испания ташаббуси

билан 2010 йилнинг октябрида Мадридда ташкил этилган. У ўлим жазоси қўлланаётган мамлакатларда ушбу шафқатсиз жазо турининг тақиқланиши йўлида иш олиб бораётган мустақил ташкилотдир.

Тадбирда “Ўлим жазосига қарши халқаро комиссия” президенти, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ Олий комиссари Н.Пиллэй, Комиссия вице-президенти, Швейцариянинг собиқ Президенти ва Ташқи ишлар вазири Р.Дрейфус, Монголия собиқ Президенти, мазкур Комиссиянинг комиссари Ц.Элбэгдорж ва бошқалар сўзга чиқди.

Ўзаро мулоқотлар асносида Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголияни ўлим жазосидан холи минтақага айлантириш масаласи юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Учрашувда Ўзбекистон делегацияси раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

Бу бежиз эмас. Чунки Асосий қонунимизда ўлим жазосини тақиқлашга оид норма белгиланиши кўзда тутилмоқда ва бундай оқилона қадам, шубҳасиз, инсоннинг яшаш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади. Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, **“Яшаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганининг ўзи ато этган”**.

Энг муҳими, Ўзбекистон бутун дунё мамлакатларининг қонунчилигидан ўлим жазосига ҳукм этишга оид нормаларни босқичма-босқич чиқариб ташлаш ташаббусини ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон делегациясининг Женевага ташрифи доирасида, шунингдек, АҚШ Давлат котибининг Демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат ҳуқуқи масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Э.Барклай ҳамда Исландия Ташқи ишлар вазири Т.Гильфадоттир билан икки томонлама учрашувлар ташкил этилди.

Юқори даражадаги сегмент доирасида Ислон мамлакатлари ташкилотига аъзо давлатлар делегациялари раҳбарлари ва мазкур халқаро ташкилот Бош котиби Х.Таха билан ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувлар якунида томонлар БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессияси доирасида муҳокама қилинаётган долзарб мавзулар юзасидан ягона нуқтаи назарга эга бўлиш муҳимлигини таъкидладилар.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг аъзоси сифатида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини қатъий ҳимоя қилмоқда. Чунки инсон ҳуқуқлари универсал қадрият бўлиб, Президентимиз таъкидлаганидек, **“Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди”**.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ — 2022 ЙИЛДА

Фаолиятнинг асосий йўналишлари

2022 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилди. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмларнинг татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар муаммоларини ҳал этиш, қийноқларнинг олдини олиш, очиқлик ва шаффофликка эришиш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирлар амалга оширилди.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда янада ривожлантириш билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини таъминлашда “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили ҳам ўз ифодасини топган.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига кўра, “инсон – жамият – давлат”, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилларни конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган. Конституциянинг 60 дан ортиқ моддасига, жумладан инсон ҳуқуқларига тааллуқли 34 моддасига ўзгартириш киритиш, 6 та янги моддани, шу жумладан инсон ҳуқуқларига тааллуқли 5 та янги моддани киритиш назарда тутилган.

Конституцияда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари мустаҳкамлаб қўйилиши юзасидан, жумладан қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

– инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ривожланиш дастурларини кенгайтириш;

– ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати ва ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, улар ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқариши учун яратилган шарт-шароитларни кенгайтириш;

– жамиятда сўз ва фикр эркинлиги учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш;

– фуқаролик жамияти институтларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

– давлатларнинг ва минтақаларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи минтақавий механизмларни яратиш, мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш;

– референдумда фуқаролик жамияти институтлари, халқаро кузатувчилар, сайловчиларнинг инклюзив иштирокини рағбатлантириш таклиф этилди.

Янги Ўзбекистонни инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили ҳукмрон бўлган кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига айлантириш ғояси асосида фуқаролик жамияти институтларининг мақомини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида илк бор “фуқаролик жамияти институтлари” ибораси киритилмоқда. Маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ халқаро рейтинглар ва индексларда мамлакатимиз мавқеини оширишга устувор аҳамият берилмоқда. Натижада халқаро 24 та рейтингнинг 15 тасида, шу жумладан демократия, ҳуқуқ устуворлиги, иқтисодий эркинлик, суд фаолиятининг самарадорлиги индексларида Ўзбекистоннинг ўрни кўтарилди, 3 та рейтингда давлатимиз илк марта баътироф этилди. Ўзбекистон вакили БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича тадбирлар давом этмоқда. 2022 йилда миллий стратегия доирасида 1 та кодекс, 1 та қонун, 5 та Президент фармон ва қарорлари, 1 та Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди, 1 та халқаро шартнома ратификация қилинди.

Янги Меҳнат кодекси қабул қилиниб, унда меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асослари инсоннинг меҳнат ҳуқуқларига оид халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш янада такомиллаштирилди. Жумладан, ижтимоий хизматлар аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиладиган бўлди, шунингдек, Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар тизимли давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2022 – 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур тасдиқланди. Шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” резолюциясини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режаси ва 2022 – 2025 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” тасдиқланди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Президент фармони билан ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари белгиланди.

Ўзбекистонда болалар меҳнатига батамом барҳам берилди, мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари кескин қисқарди, одам савдоси қурбонлари учун бошпана ташкил қилишга маблағ ажратиш масаласи ҳал этилди.

Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоралари кенгайтирилди. Ўзбекистонга қайтган меҳнат мигрантларига кўмак бериш ва уларнинг қайта интеграциялашувини таъминлаш тизими шакллантирилди.

Тошкент шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорлиги” мавзусида миллий форум ташкил этилди. Миллий форумда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилиниб, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази – “Инсон ҳуқуқлари уйи” ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши

2022 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 3 та миллий маърузаси – БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси бажарилиши бўйича олтинчи, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни бажариш бўйича учинчи, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича бешинчи миллий маърузалари БМТнинг шартномавий қўмиталарида эшитилди.

Миллий маърузалар муҳокамасида илк бор Марказ томонидан 10 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларнинг онлайн иштироки таъминланди. Миллий маърузалар бўйича якуний мулоҳазаларда ўз ифодасини топган тавсияларни амалга ошириш учун миллий ҳаракатлар режасининг лойиҳалари манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқил-

ди ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясига тақдим қилинди.

Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг ўн учинчи – ўн тўртинчи миллий маърузаси 2022 йил 27 октябрда БМТнинг Ирқий камситишни тугатиш қўмитасига топширилди. Миллий маърузани тайёрлашда 30 та давлат органи ҳамда 10 дан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари иштирок этди.

Жорий йилда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида қабул қилинган қонунларнинг ҳудудлардаги ижроси мониторинги амалга оширилди. Мониторинг ҳулосаларига асосан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича тавсиялар берилди.

Тошкент ва Фарғона вилоятларида Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижроси ўрганилди. Ушбу вилоятларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида 22 та қонун лойиҳалари ҳамда Жазони ижро этиш кодекси лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадларини кўзлайди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидалари ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вази-

фаларни самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2022 йилнинг 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурган ташаббусларини амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми ташкил этилди.

Глобал форумда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон таълим дастурини амалга оширишнинг оралиқ натижалари сарҳисоб қилинди, бу соҳадаги илғор тажриба, амалиёт ва инновацион ёндашувларнинг тақдимоти ташкил этилди, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тизимини халқаро, минтақавий ва миллий даражада такомиллаштириш бўйича фикр алмашилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Глобал форумда 120 дан ортиқ халқаро экспертлар ва 2000 дан ортиқ миллий ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимга оид адабиётлар кўргазмасида қарийб 250 номдаги китоб ва илмий журналлар намойиш этилди.

Форум доирасида жаҳоннинг турли университетлари етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларидаги олий таълим муассасалари педагоглари, талабалари, давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари – жами 7000 дан ортиқ тингловчилар учун инсон ҳуқуқлари бўйича маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Глобал форумда якуний ҳужжат – “2023–2025 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси” қабул қилинди.

2022 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этиш масалаларига бағишланган 40 га яқин амалий қўлланма, шарҳ ва услубий адабиётлар нашр этилди ҳамда 80 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотларга тарқатилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик

Халқаро ҳамкорлик турли шаклларда: инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга қўшилиш ва уларни ратификация қилиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда икки томонлама тадбирларни ташкил этиш, меморандумлар имзолаш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалаларини ўрганиш бўйича мониторинглар ўтказиш шаклида амалга оширилмоқда.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий ташаббусларини амалга ошириш мақсадида қатор халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар, маслаҳатлашувлар ташкил этилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 51-сессиясида “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюция 41 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилиниб, унда ёшларнинг ўз мамлакатлари ривожланишидаги иштирокини кенгайтириш, улар учун тенг имкониятлар яратиш, ёшларни виртуал оламдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича ташаббусларни илгари суриш, ёшларнинг ўз ҳаёт тарзига таъсир ўтказадиган қарорларни қабул қилишда қатнашиши каби масалалар ифодаланган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида хорижий давлатларнинг миллий институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Уларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш йўналишидаги фаолиятни биргаликда қўллаб-қувватлаш, мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма ўқувлар ва семинарлар, илмий тадқиқотлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида халқаро ҳамда минтақавий механизмларда ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси, Фридрих Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Италиянинг Минтақалар ва мухтор провинциялар омбудсманларини мувофиқлашти-

риш миллий кенгаши, Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва омбудсманлари ассоциацияси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзолади.

БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан вақтинчалик чора-тадбирларни белгилаш ва йўналтириш амалиётини жорий этиш масалалари” мавзусида давр суҳбати ўтказди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга муурожаатлари

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга фуқаролар қабул қилинади, уларнинг ёзма муурожаатлари кўриб чиқиладиган ва қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади.

2022 йилда фуқаролардан жами 1301 та ёзма муурожаат қабул қилинди. Ушбу муурожаатларнинг 35 таси аноним бўлганлиги сабабли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ кўриб чиқилмади.

Ўтган йилда 500 нафардан ортиқ фуқаролар тўғридан-тўғри қабул қилинди, шундан 140 нафарига ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

Фуқароларнинг 1266 та муурожаати тааллуқлилиги бўйича тегишли идораларга кўриб чиқиш учун юборилди ҳамда 142 та муурожаат бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Муурожаатларнинг 307 таси (24,2%) фуқаролардан тўғридан-тўғри қабул жараёнида, 959 таси (75,8%) алоқа воситалари (асосан почта алоқа тармоғи орқали) қабул қилинди. 32 та муурожаат Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали, 65 та муурожаат Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушди.

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидан фуқаролар муурожаатларининг камайиши, Бухоро, Навоий,

Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келиб тушаётган мурожаатларнинг эса кўпайиши кузатилди. Энг кўп мурожаатлар қабул қилинган вилоятлар:

- Тошкент шаҳри – 356 (27,4%);
- Қашқадарё вилояти – 189 (14,5%);
- Тошкент вилояти – 181 (13,9%);
- Сурхондарё вилояти – 94 (7,2%);
- Самарқанд вилояти – 89 (6,8%).

Жами мурожаатларнинг 641 таси (50,6%) шахсий, 492 таси (38,9%) ижтимоий-иқтисодий, 105 таси (8,3%) сиёсий ва 28 таси (2,2%) маданий ҳуқуқларга доир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан турли давлат идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 2022 йил давомида 350 дан ортиқ мурожаатлар киритилди. Шундан 29 та мурожаат юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди, 69 та ҳолатда фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишида амалий ёрдам кўрсатилди, 142 та ҳолатда фуқароларга қонун ҳужжатлари талаблари бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва Тошкент туманида фуқаролар билан учрашув ҳамда очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборий-маърифий ва ноширлик фаолияти

2022 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан “Инсон қадрини улуғлаш ва

фаол маҳалла йили” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари таълими, маҳаллалар фаолияти, шунингдек, конституциявий ислохотлар бўйича кенг ахборий-маърифий ва ноширлик фаолияти олиб борилди.

Жаҳон конституциялари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг конституциялари, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Асосий Низоми, конституциявий ислохотларда жамоатчиликнинг иштироки, бу борада мавжуд миллий ва халқаро тажриба, конституциявий назоратнинг тарихий ривожланиши, мамлакатимиз Асосий қонунини такомиллаштириш каби мавзуларга доир китоб, қўлланма ва рисоалар нашр этилди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий ҳужжатлар тўпламларини давлат тилида нашр этиш давом эттирилди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий ҳужжатлар, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар, халқаро илмий-амалий конференциялар якунлари бўйича мақолалар тўпламлари нашр этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ нашри – “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг 2022 йилдаги сонларида “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, конституциявий ислохотлар, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форумига доир илмий-таҳлилий материаллар эълон қилинди.

Шунингдек, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг веб-сайтида инсон ҳуқуқларига оид мақолалар бериб борилди.

ГЛОБАЛ ФОРУМ

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ” ГЛОБАЛ ФОРУМИ

Самарқандда 2022 йил 5-6 декабрь кунлари “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказиш бўйича илгари сурган ташаббуси асосида ташкил этилди.



Глобал форум БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг мамлакатимиздаги жамоаси, БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, ЮНИСЕФ, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси идораси, Европа Кенгаши, Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Анжуманда 150 та халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотларнинг вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича етакчи хорижий экспертлар, мамлакатимиз ҳукуматининг аъзолари, Олий Мажлис палаталари ва қўмиталари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ёшлар ташкилотларининг 2 минг нафардан зиёд вакиллари оффлайн ва онлайн тарзда иштирок этди.

Глобал форумда БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинди.

Тадбирнинг очилиш маросимида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарувчи Мунир Мамедзаде, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси, элчи Федерико Вильегас, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи, Европа Кенгаши Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги бошқармаси бош директори Христос Гиякумпулос, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, МДХ Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари – Ижрочи котиби Бекетжан Жумахановнинг табриклари ва мурожаатлари ўқиб эшиттирилди.

Глобал форумнинг биринчи кунги ялпи мажлисида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳа-

сида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг амалга оширилиши жараёнлари ҳақида сўз борди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов анжуманда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ ислохотлар шароитида “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадрлари – энг муҳим қадрият” деган тамойил эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлади. Йиллар давомида амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойили Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартирилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Парламент томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури қабул қилинган ва мазкур дастур ижроси бўйича “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси доирасида олий ўқув юртлари талабалари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этилган. Президентимиз фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ташкил этилиб, Миллий таълим дастури ишлаб чиқилган.

Биринчи кунги ялпи мажлисда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва ўқитиш бўлими мувофиқлаштирувчиси Елена Ипполити, Ҳиндистон Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиясининг бош котиби Девендра Кумар Сингх, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия бўлими ходими Паулина Тандионо, Халқаро таълим бўйича Америка кенгашлари президенти ва ижрочи директори Дэвид Паттон, Европа Кенгашининг Одил судлов ва

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича таълим бўлими раҳбари Эва Пастрана, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия раиси Ҳожи Али Ачикгюль, Осиё-Тинч океани Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот марказининг етакчи тадқиқотчиси Жефферсон Плантिला, Россия Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси Валерий Фадеев, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг раиси Ваҳобжон Ражапов ва бошқалар сўзга чиқиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича илғор тажрибалар, бу йўналишда инновацион, гендер ҳамда инклюзив ёндашувлар бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Глобал форумда, шунингдек, қуйидаги мавзулардаги 4 параллель сессияда кун тартибидagi масалалар муҳокама этилди:

◆ **биринчи сессия:** “Мактаб ёшидаги болалар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим: тамойиллар, ёндашувлар ва замонавий муаммолар”;

◆ **иккинчи сессия:** “Олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим: тамойиллар, ёндашувлар ва замонавий муаммолар (COVID-19, технологияларни ривожлантириш, интернет ресурслари, геосиёсат ва бошқалар)”;

◆ **учинчи сессия:** “Касбий институтлар (судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура) орқали инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълимни таъминлаш: тамойиллар, ёндашувлар ва замонавий муаммолар”;

◆ **тўртинчи сессия:** “Фуқаролик жамияти учун инсон ҳуқуқлари бўйича норасмий таълим: тамойиллар, ёндашувлар ва замонавий муаммолар”.

Глобал форумнинг иккинчи кунги ялпи мажлисида ЮНЕСКО Бош директорининг Таълим масалалари бўйича ўринбосари Стефания Жаннини ҳамда Парламентлараро Иттифоқ Президенти Дуарте Пачеконинг видеоурожаатлари тингланди. Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ёш педагогларнинг

илғор тажрибасини оммалаштиришга қаратилган анжуманнинг якуний ҳужжати лойиҳаси муҳокамасида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва ўқитиш бўлими мувофиқлаштирувчиси Елена Ипполити ва ушбу бўлим ходими Паулина Тандионо, АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси мувофиқлаштирувчиси, “The Bukharian Times” газетаси бош муҳаррири Рафаэл Некталов инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тизимини халқаро, минтақавий ва миллий даражада такомиллаштириш юзасидан таклифларини баён этдилар.

Анжуман иштирокчиларининг таклиф ва тавсиялари асосида **“2023 – 2025 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси”** қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни самарали амалга ошириш бўйича халқаро ҳамжамият, миллий ҳукуматлар, ўқув ва илмий муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари олдида турган вазифа, таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топди. Улар қуйидаги йўналишларни қамраб олган:

◆ **биринчи йўналиш** – инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва тарбияга халқаро, минтақавий ва миллий даражадаги инновацияларни жорий қилиш, мустақам ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, илғор тажрибалар алмашинуви ва молиялаштиришни кенгайтириш;

◆ **иккинчи йўналиш** – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий тилларга таржима қилиш ва тарқатишга қўмаклашиш;

◆ **учинчи йўналиш** – ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари, ўқув курслари ҳамда амалий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

◆ **тўртинчи йўналиш** – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий ва ўқув адабиётлари билан тизимли таъминлаш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-ресурс марказлари, шунинг-



дек, тегишли нашриётлар фаолиятини ташкил қилиш;

◆ **бешинчи йўналиш** – ёшлар ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга эътиборни кучайтириш, инсон ҳуқуқлари ўқув курсларини таълим, малака ошириш муассасаларининг режасига киритиш;

◆ **олтинчи йўналиш** – инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий тадқиқот, таълим ва тарбия, тарғибот фаолиятини амалга оширадиган ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, ўқитувчи-педагогларни рағбатлантириш;

◆ **еттинчи йўналиш** – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига қўмаклашиш.

Глобал форум доирасида **“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони** совриндорларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди. Кўкрак нишони инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга салмоқли ҳисса қўшган фуқаролар, ташкилотларни моддий-маънавий рағбатлантириш, амалга оширилган ишлар намунасини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти ташаб-

буси билан 2020 йилда таъсис этилган. 2022 йилда ушбу мукофотга 6 нафар ҳамюртимиз, 2 нафар чет эл фуқароси ва 2 та нодавлат но-тижорат ташкилот сазовор бўлди.

Глобал форум тадбирлари доирасида Самарқанд давлат университетида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича “маҳорат дарслари” ўтказилди.

Оффлайн ва онлайн усулларда олиб борилган “маҳорат дарслари” жаҳоннинг нуфузли университетларидан таклиф этилган кўзга кўринган профессор-ўқитувчилар иштирокида ташкил этилди. Қизиқарли маърузалар, ўз навбатида, баҳс-мунозаралар, жонли мулоқот ва амалий савол-жавоблар учун қулай майдон яратди.

“Маҳорат дарслари”да мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юридик йўналишда фаолият олиб боровчи 20 дан зиёд олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларидан 6500 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар, прокуратура ходимлари, бакалаврият ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар, илмий фаолият билан шуғулланаётган ёш олимлар иштирок этди. Шунингдек, Адлия вазирлиги тизимидаги 14 та юридик коллеж ўқувчилари ушбу маърифий-ҳуқуқий тадбирда фаол қатнашди.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ УЧУН” КЎКРАК НИШОНИ СОВРИНДОРЛАРИ

Самарқанддаги “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми доирасида қуйидагилар “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони билан тақдирланди:

- “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази директорининг биринчи ўринбосари **Марат Хаджимухамедов** – инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги ҳимояси соҳасидаги замонавий тадқиқот амалиётини шакллантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун;
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи **Жамшидjon Чориев** – ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги самарали фаолияти учун;
- Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг юридик бўлими мудири **Ҳамидулла Премкулов** – аҳолининг меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоя қилишдаги фаоллиги учун;
- “Барқарор ҳаёт” ижтимоий-маърифат маркази директори **Олия Ильмурадова** – аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги кўп йиллик самарали фаолияти учун;
- “UMNICHKA” нодавлат таълим муассасаси раҳбари **Шаҳноза Икратова** – болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги фаоллиги учун;
- Тошкент давлат юридик университети Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси профессори **Говхержан Юлдашева** – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ўқув ва илмий фаолияти учун;
- Таллин университети Бошқарув, ҳуқуқ ва жамият академияси фахрий профессори **Рейн Мюллерсон** – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, илмий ва ўқув ишлари учун;
- БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари **Ришард Коменда** – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги учун;
- Ўзбекистон Ногиронлар жамияти – ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги фаоллиги учун;
- Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси – журналистлар ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматини, қонуний ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси учун.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ” ГЛОБАЛ ФОРУМИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ

(САМАРҚАНД, 2022 ЙИЛ 5-6 ДЕКАБРЬ)

2023-2024 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси

Биз – Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд шаҳрида 2022 йил 5-6 декабрда бўлиб ўтган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми иштирокчилари, шу жумладан давлат органлари, таълим муассасалари, академик ҳамжамият, фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Жаноби Олийлари Шавкат Мирзиёевга БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида¹ ушбу Форумни ўтказиш бўйича илгари сурган ташаббуси ҳамда **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига** БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Ўзбекистондаги жамоаси, ЕХХТ, Европа Кенгаши, Фридрих Эберт жамғармаси ҳамда бошқа халқаро ва миллий ҳамкорлар билан ушбу Форумни ташкил этганлиги учун **миннатдорчилигимизни изҳор этамиз;**

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси” ҳамда “ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши таъминланишига ...

интилишлари зарур” сўзларидан руҳланган ҳолда;

Глобал форум 2022 йилда Халқаро инсон ҳуқуқлари куни арафасида ўтказилганлиги, у “ҳамма учун кадр-қиммат, эркинлик ва адолат” шиори остида **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига** бағишланганлигининг маъноси ва қимматини **тасдиқлаб**²;

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия барча шахсларнинг универсаллик, бўлинмаслик ва ўзаро боғлиқлик тамойилларига мувофиқ инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини умумий ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишни рағбатлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, шунингдек, одамларнинг ҳаётига таъсир қиладиган фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик, рақамли қарорлар қабул қилиш бўйича барча жараёнларда одамларнинг тўлиқ иштирок этиши, камситиш ва инсоннинг бошқа ҳуқуқлари бузилиши, шунингдек, зўравонлик ва низоларнинг олди олинишини **ўринли ҳисоблаган ҳолда;**

Инсон ҳуқуқларини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича дастурда зўравонлик ва нафратни кучайтиришни тарғиб қилишга йўл қўймаслик муҳимлигини **тан олиб** ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим манбалари универсал, ажралмас, бўлинмас, ўзаро боғлиқ бўлган инсон ҳуқуқлари асосидалигини **тасдиқлаб;**

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/4632>; <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

² <https://www.ohchr.org/ru/get-involved/campaign/human-rights-day>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича илгари сурилган икки глобал ташаббус доирасида барча мамлакатлар зиммасига олган мажбуриятлари, улар амалга оширилишининг Форумдаги натижасини – **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарихий ҳужжати ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия декларацияси** кўламли ва принципларини таъкидлайдиган ҳамда барча тегишли субъектлар роли ва мажбурияти, шунингдек, **Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим умумжаҳон дастури** (2005 йилдан ҳозирги вақтгача) – бу изчил босқичлар сифатида ташкил этилган ва ҳозирги пайтда ёшларга бағишланган (2020 – 2024 йиллар) миллий даражадаги инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни амалга оширишга ёрдамлашишга йўналтирилган ҳаракатлар учун қўшимча асос бўлганлигига **таъянган ҳолда**;

Барча мамлакатларнинг **2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида кун тартиби** доирасида қашшоқликнинг барча шакллариغا барҳам бериш, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши билан курашиш, бунда ҳеч ким ёддан кўтарилмаслигини таъминлаш, жумладан барқарор ривожланиш соҳасидаги тўртинчи мақсаднинг асосий таркибий қисми сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни қамраб олган инклюзив ва адолатли сифатли таълим бўйича мажбуриятларини **таъкидлаб**;

2022 йилда Таълимни ўзгартириш бўйича саммитда барча мамлакатлар томонидан қабул қилинган, тез ўзгараётган дунёда ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун таълим тизимини ўзгартириш даъват этилган, шу жумладан ўз ҳамжамиятлари ҳамда жаҳонда фаол ва масъул фуқароларни шакллантирадиган ўқувчиларни тайёрлаш, уларнинг инсон ҳуқуқларини ва ижтимоий адолатни, турли ва глобал бирдамликни ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлашлари бўйича мажбуриятларига **таъйиниб**;

Яқинда бўлиб ўтган инсон ҳуқуқлари соҳасида **таълимни ривожлантиришни баҳолаш учун минтақавий йўналишга бағишланган халқаро учрашувларни**,

илғор тажриба ва муаммолар муҳокама қилинганлигини, шунингдек, бир мақсадга уюшган – нетворкинг ўқитувчилар, жумладан “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича халқаро конференция: бизнинг тафовутларимизни бирлаштирган ҳолда” (Монреаль, Канада, 2017 йил 30 ноябрь – 3 декабрь) Эквигас – инсон ҳуқуқларини ўқитиш халқаро маркази ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ҳамда “Таълимда тенглик, қадр-қиммат ва демократия санъати – фуқаролик тарбиялаш ва ёшлар иштирок этадиган Европада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” (Турин, Италия, 2022 йил 11 – 13 апрель), Италия ҳукумати ва Европа Кенгаши билан биргаликда ташкил этилганини **маълумот учун қабул қилиб**;

Ҳозирги босқичда **инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим** умумжаҳон дастурида БМТнинг ёшларни жалб этиш учун дастуриламали умумий асоси ҳисобланганлиги ҳамда уларнинг қарашларидан фойдаланиш ва 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд вебфорумида қабул қилинган “Ёшлар – 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” БМТ Бош котибининг “Ёшлар – 2030: БМТнинг Ёшлар стратегияси”, бу ёшларнинг инсон ҳуқуқларини амалга оширишда ҳамда тинчликсеварлик маданиятини шакллантиришда муҳим ва ижобий ролини таъкидлаш учун, шунингдек, ёшларнинг таълимни такомиллаштиришга нисбатан умумий қарашлари сифатида 2022 йилда Таълимдаги ўзгаришлар бўйича саммитда қабул қилинган “Таълимни ўзгартириш ёшлар декларацияси”га эътибор ортиб бораётганини **тан олиб**;

Одамлар бугунги кунда дунёда дуч келётган жуда кўп ўзаро боғлиқликлар, шу жумладан ёшлар, аёллар ва қизлар, мигрантлар ва қочоқлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар каби аҳолида мавжуд можаро ва зўравонлик, камситиш ва алдаш, билдиришлар, тирикчилик ўтказиш қийматининг ортиши, соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан COVID-19 пандемияси соҳасидаги фавқулодда ҳодисалар, рақамли тенгсизлик, ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликнинг ортиши, камбағаллик ва очарчилик, иқлим ўзгариши

билан боғлиқ муаммолар ва бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларини амалга оширишдаги тўсиқлардан бизнинг ташвишланишимизни **ифода этиб;**

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим инсон ҳуқуқлари стандартларига мос бўлган ҳамда ҳар бир инсон тенг равишда ҳурмат ва кадр-қимматга моликлигини тушунишига асосланиб, ушбу **муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга** ёрдам беришига **этибор қаратиб;**

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Вена конференциясидан (1993 йил) сўнг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия соҳасида сиёсат, дастурлар ва материалларни ишлаб чиқиш, шунингдек, бундан буён амалга ошириш имкониятларини, шунингдек, мавжуд муаммоларни этиборга олган ҳолда барча даражаларда институционал ва шохобчалар ташкил этиш маъносида эришилган **ютуқларни тан олади.**

Юқорида қайд этилганлар асосида биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларациясининг 10 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим умумжаҳон дастури маъносида эришилган ютуқларни муҳокама қилиш, тажриба, инновацион ёндашувлар ва сабоқлар билан баҳам кўришиш, фикр алмашиш ва айниқса, Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни самарали жорий этиш мақсадларида режаларни муҳокама қилиш учун тўпландик.

Биз қуйидагиларни тавсия этамиз:

А. Умумий тавсиялар

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия қуйидагиларни қамраб олиши керак:

а) инсон ҳуқуқларини билиш ва тушунишни қамраб оладиган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълим;

б) ўқитувчиларни, шунингдек, ўқувчиларни ҳурмат қилишни таъминлаш тарзида ўқитиш ва дарс беришни қамраб оладиган инсон ҳуқуқлари бўйича таълим;

в) инсонларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш маъносида одамларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш-

ни қамраб олишни илгари сурадиган инсон ҳуқуқлари бўйича таълим.

2. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳуқуқ таълими доирасидан ташқарига чиқади. Бунда гап таълим олувчилар ўз ҳуқуқларини ва бошқаларнинг ҳуқуқларини бирдамлик руҳида ҳимоя қилиш учун чоралар кўра олиши мумкин бўлган таълим, кўникмалар ва қарашларни шакллантириш тўғрисида кетмоқда.

3. Бир ёқлама маърузалар қилишга этиборни қаратиш ўрнига инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия услубиёти инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича шахсий ва жамоавий амалларни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган билимлар ва кўникмаларни танқидий таҳлил этишни қамраб оладиган иштирок этиш услубларидан фойдаланган ҳолда уларни таълим жараёни марказига қўйиш керак.

4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия таълим олувчиларнинг турли маданий қарашларини англаштириш, мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари тамойилларига асосланиши ҳамда таълим олувчиларнинг ёши, маданий хусусиятлари ва англашларини ҳисобга олиши керак.

5. Халқаро даражада қабул қилинган мажбуриятларни самарали бажариш учун ҳукуматлар Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим умумжаҳон дастурининг Ҳаракатлар режаси ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларациясига амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг кенг қамровли ва мақсадли миллий дастурлари ҳамда стратегияларини ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишлари керак.

6. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни имконияти бўлган ҳар қандай, масалан, 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш кун тартибини ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан илгари сурилган бошқа турли тегишли ташаббуслар (ёшлар масалалари, куч ишлатиладиган экстремизмнинг олдини олиш, нафратли фикрлар, гендер зўравонлиги билан курашиш бўйича), айниқса, таълим соҳасини (глобал фуқаро таълими, таълимни ўзгартириш, ЮНЕСКОнинг “Таъ-

лим – 2030” дастури ва ҳоказолар) рағбатлантириш лозим.

7. Ҳукуматлар фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва бошқа тегишли манфаатдорларни инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияга жалб этиш учун хавфсиз ва қулай муҳитни яратишлари лозим, унинг доирасида барчанинг, шу жумладан жараёнга жалб этилганларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни тегишли саъй-ҳаракатларда узоқ муддатли шериклар сифатида жалб этиш керак.

8. Ҳукуматлар барча таълим муассасаларининг, шу жумладан давлат олий таълим муассасалари, касбӣ ривожлантириш ва қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган ташкилотлар (университетлар, институтлар, марказлар, факультетлар, курслар), шунингдек умумий, ўрта махсус ва касбӣ таълим муассасаларининг ўқув дастурларига инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни институциялашни таъминлаш учун инсон ҳуқуқларига доир фанларни киритишлари лозим.

9. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари ва материаллари оммабоп бўлиши, барча тушунадиган тилда ҳамда камситиш ва бир қолипликка қарши турадиган турли нуқтаи назарларни қамраб олиши керак.

10. Барча манфаатдор томонлар янги ахборот технологияларига, шу жумладан фикр алмашиш, тегишли ахборотни айирбошлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича ҳамжамиятларни бирлаштирадиган ва миллий даражада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни амалга ошириш учун материаллар мавжуд бўлган, ҳамма фойдалана оладиган онлайн ва офлайн тармоқлардаги амалиётчи ҳамжамиятларнинг янги таълим порталлари ва локал/онлайн дастурлардан фойдаланишга кўмаклашишлари керак.

11. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим дастурларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида кенг жамоатчилик ва аниқ гуруҳлар ўртасида инсон ҳуқуқларидан хабардорлик даражалари бўйича мунтазам равишда тадқиқотлар ўтказилиши керак.

12. Бундан буён ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва инсон ҳуқуқла-

ри соҳасида таълим бўйича илмий муассасалар ролини мустаҳкамлаш лозим.

13. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг турли жабҳаларида илғор тажрибани аниқлаш, умумлаштириш ва тарқатиш миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда амалга оширилиши керак.

14. Барча манфаатдор томонлар Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим умумжаҳон дастурининг бешинчи босқичига (2025 – 2029 йиллар) бағишланган глобал маслаҳатлашувларда иштирок этишлари лозим.

Б. Миллий даража

а. Бошланғич ва ўрта таълим доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим:

1. Маҳаллий таълим органлари инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни рағбатлантириш учун инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг ўқувчилар, ўқитувчилар, таълим тизими ва жамиятга ижобий таъсирини тан олган ҳолда мукамал ва янгиланадиган қарорлар қабул қилишлари керак. Бу махсус ва қисқа муддатли лойиҳалардан умумжаҳон дастурининг биринчи босқичи режасида белгиланган беш таркибий қисм бўйича янада барқарор ташаббусларни қабул қилишга ўтишни талаб қилади, яъни бевосита:

(1) қонунчилик сиёсати;

(2) сиёсатни амалга ошириш бўйича чоралар;

(3) дарс бериш ва ўқитиш жараёнлари ҳамда воситалари;

(4) ўқитувчилар ва бошқа педагогик ходимларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш; ва

(5) таълим бериш муҳити.

2. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни қўлаб-қувватлаш сиёсати расмий таълим тизимига интеграциялаш учун белгилаб қўйилган мажбуриятларнинг ҳаракатлар режаси, мувофиқлаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ва ресурсларни тақсимлашни қамраб оладиган чораларни ўз ичига олади.

3. Болалар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим давлатларнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бўйича мажбуриятларига мувофиқ бўлган бола ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни қамраб олиши керак. Миллий таълим муассасалари болаларга мўлжаллан-

ган дастурларни қабул қилган ҳолда инсон ҳуқуқларини тушунишни чуқурлаштириш мақсадида болалар, педагоглар ва ота-оналар билан бола ҳуқуқларини ҳурмат қилиш соҳасидаги ишларни давом эттиришлари керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини янада рағбатлантиришга йўналтирилган мактаб тадбирлари, миллий таълим дастурлари ҳамда дарс бериш ва ўқитиш амалиётига инсон ҳуқуқларини интеграциялаш бўйича муваффақиятли амалиётни таъминлаш учун самарали бошланғич нукта бўлади.

4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим иш бошлашдан олдин ва ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчиларни тайёрлаш, шунингдек, сертификациялаш талабларининг таркибий қисми бўлиши керак. Бундай ўқитиш фақат инсон ҳуқуқлари мазмунинигина эмас, балки ўқитишнинг услубиёти, ижтимоий кўникмалар ва етакчилик хусусиятларини қамраб олиши, ўқувчиларга мўлжалланган ҳамда ўқитиш услубиёти тажрибасига асосланган ҳолда фойдаланилиши, тармоқ дастурлари ва тажриба алмашиш дастурлари билан қўллаб-қувватланиши керак.

5. Дарсликлар ва материаллар ўқувчиларнинг амалиёти ва улар шароитларининг ўзгаришларига мувофиқ бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун дарслик ва материаллар мунтазам таҳлил қилиниши керак.

6. Олий таълим тизимида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим:

1. Олий таълим тизимида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни таъминлаш учун таълим муассасалари маъруза ўқишга асосланган шахсий услубидан қочган ҳолда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича шахсий ва жамоавий ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган танқидий таҳлил, билим ва кўникмаларни қамраб оладиган услубидан фойдаланишлари лозим.

2. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тажрибаси ва илғор услубий амалиёт ҳамда стратегиялар билан тажриба алмашиш мақсадида (шу жумладан таълим суд суриштируви, мавзули тадқиқотлар ва ҳоказоларни қамраб олган ҳолда) таълим ҳамжамиятида мулоқотни рағбатлантириш лозим.

3. Инсон ҳуқуқлари соҳасида барқарор таълим дастурларини яратиш ёки такомиллаштириш ва уларнинг сифатини таъминлашга кўмаклашиш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ёки мавжуд таълим, ресурс ва бошқа таълим марказларини мустаҳкамлаш керак.

4. Таълим муассасалари мавжуд амалиётни таҳлил этиш ва баҳолаш, дарслар ва баҳоладиган машғулотларни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим учун инновацион ва самарали услубиётлар ва воситаларни ишлаб чиқишга ёрдам берадиган тадқиқотлар ўтказишлари ҳамда унинг натижаларини кенг тарқатишлари керак.

5. Таълим муассасалари ўқитувчилар ва бошқа таълим муассасалари ходимларини инсон ҳуқуқлари бўйича тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан услубиёт тажрибасига асосланган, шунингдек маданий мулоҳазаларни ҳисобга олган ва назарияни амалиёт билан боғлайдиган тажриба ва услубий амалиётга асосланган биргаликдаги интерфаол кооперативдан фойланишлари керак.

6. Таълим муассасаларида ўқувчилар инсон ҳуқуқлари соҳасида тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништирилиши лозим.

7. Таълим муассасаларида талабаларни инсон ҳуқуқлари соҳасида ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги мутахассислар сифатида тайёрлашнинг махсус дастурлари ишлаб чиқилиши лозим.

8. Ҳукуматлар инсон ҳуқуқлари соҳасида материалларни тайёрлаш (ҳам қоғозда, ҳам электрон шаклда) ва эълон қилиш, шунингдек, уларни миллий ва маҳаллий тилларга таржима қилиш учун мунтазам равишда давлат бюджетидан маблағ ажратишлари лозим.

в. Болалар ва ёшлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида норасмий таълим:

1. Педагоглар жамиятнинг барча қатламларидан бўлган ўқувчиларни биргаликда ишлашга жалб қилиши мумкин бўлган спорт, кино, санъат, маданият, ўйинлар, тарихларни ҳикоя қилиш, драматургия каби турли қизиқарли таълим усулларида фойдаланишлари керак.

2. Ёшлар орасидан иштирокчиларни жалб қилган ва ёшлар фикрларини ҳисобга олган ҳолда, ёшлар жамоатчилик ҳаракатлари, ёшларни ҳимоя қилувчилар ва бошқа етакчиларни жалб қилган ҳолда хавфсиз биноларда “тенгларга тенг” тамойили бўйича ўзаро таълим беришни рағбатлантириш, бунда ёшлар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш лозим, чунки улар яккалаб қўйиш ёки ночорлик вазиятларида ўз тенгдошлари билан бирлашиш ҳамда ёшлар тажрибасига таянишга, айниқса, қодир.

3. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим болалар ва ёшлар дуч келадиган аниқ муаммолар (фуқаролик ҳудудининг қисқариши, зўравонлик, можаролар, камситиш) ҳал этилишига йўналтирилган ҳамда уларни ўқитиш қулай ва хавфсиз шароитларда амалга оширилиши керак.

4. Ота-оналар ва жамият ҳам ёшлар ўртасида инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича маърифий фаолиятда иштирок этиши керак. Педагоглар улар билан ишончга асосланган муносабатларни ўрнатишлари ҳамда инсон ҳуқуқларини ўқитиш бўйича фаолиятларни қўллаб-қувватлашни таъминлашлари керак.

5. Ёшлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг миллий стратегияси ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бунинг амалга оширишни кучайтириш бўйича чоралар билан биргаликда амалга оширилиши керак.

6. “Биз учун ҳеч нарса – бизсиз” – яъни, болалар ва ёшлар инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ишлаб чиқиш ва дастурлашда ҳал қилувчи субъектлар сифатида иштирок этишлари керак.

г. Ҳуқуқшунослар ва одил судлов органларининг мансабдор шахсларини инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш:

1. Ҳуқуқшунослар ва одил судлов органлари мансабдор шахсларини инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш мажбурий бўлиши керак. Масалан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни муваффақиятли тугаллаб, тегишли сертификатни олиш адвокат лицензиясини олиш учун имтиҳон жараёнининг бир қисми, шунингдек судьялар, прокурорлар ва ҳуқуқ тартибот органларидаги лавозимларга номзодлар учун дастлабки шартлардан бири бўлиши кераклиги кўриб чиқилиши зарур.

2. Тегишли муассасалар суд ва маъмурий текшириш давомида инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи ва суд амалиётини қўллашга нисбатан одил судловни амалга ошириш билан шуғулланаётган ҳуқуқшунослар ва мансабдор шахсларнинг малакасини оширишлари керак; ҳукуматлар ихтисослаштирилган ўқув дастурлари ва бошқа тегишли дастурларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлашлари лозим.

3. Ҳукуматлар ҳуқуқшунослар ва одил судлов органларининг мансабдор шахслари ўз вазифаларини бажаришларида патриархал муносабатлар ва гендер камситишга барҳам бериш ишлари учун уларни аёлларнинг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглигига ўқитишга қўмаклашишлари лозим.

4. Миллий таълим муассасаларида бошқа мамлакатларда ва/ёки халқаро ташкилотларда қўлланиладиган муваффақиятли услубий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари бўйича мураббийларни тайёрлаш тизимини ташкил этиш ёки қўллаб-қувватлаш лозим.

5. Ҳукуматлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини илғор амалиёт ва халқаро стандартларга мувофиқ инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича тайёрлашни баҳолаш учун услубий дастуриламал тамойилларни ишлаб чиқаришлари ва улардан фойдаланишлари лозим.

6. Ҳукуматлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартлар белгиланган халқаро ҳужжатларни миллий тилларга таржима қилишни ва уларни ҳуқуқшунослар ўртасида, жумладан миллий таълим муассасалари ва адвокатларнинг уюшмалари орқали кенг тарқатишни таъминлашлари лозим.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари мақбул бўлган ҳолатларда ўқув тadbирларини фуқаролик жамияти, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, амалиётчи ҳуқуқшунослар, судьялар ва прокурорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокида биргаликда ўтказишни кўзда тутиш керак.

8. Ҳукуматлар тегишли ҳолатларда ўзаро тажриба алмашиш ҳамда илғор амалиёт билан танишиш имкониятларини таъмин-

лаш учун парламент аъзолари ва ходимлари, судьялар, прокурорлар, полициянинг юқори даражадаги мансабдорлари, пенитенциар муассасалар ходимлари, давлат органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва ҳуқуқшуносларнинг уюшмалари вакиллари инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотларга ва бошқа мамлакатлар идораларига танишув учрашувларига боришларини рағбатлантиришлари ва қўллаб-қувватлашлари лозим.

9. Миллий таълим муассасалари ёки ҳуқуқшунослар учун академиялар ва одил судловни амалга оширадиган органлар ходимлари халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган департаментлар ҳамда ўқитувчиларга эга бўлишлари, халқаро ташкилотлар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими билан ҳамкорлик қилишлари, суд органларининг мустақиллиги, инсон ҳуқуқларини, гендер тенглиги, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли халқаро стандартларни жорий қилишлари ҳамда суд амалиётида халқаро стандартларни қўллашда ҳамкорлик қилишлари керак.

10. Ҳуқуқшунослар ва одил судловни амалга ошириш органлари ходимлари учун миллий таълим муассасалари ёки академияларнинг ўқув дастурлари, ўқув материаллари ва дарсликлари инсон ҳуқуқлари бўйича жорий шахсий ишларни ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмларини (шартномавий органлар, махсус маърузачилар ва универсал даврий таҳлил) ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгиланиб бориши керак.

11. Ҳуқуқшунослар ва одил судловни амалга ошириш органларининг ходимлари инсон ҳуқуқлари бўйича аниқ долзарб масалаларга алоҳида эътибор берган ҳолда тингловчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ҳамда таълимнинг тегишли амалиёти, интерфаол ва эгилувчан услубиётларга мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича курсларни ишлаб чиқиш ва ўтказишга ҳам амалиётчи мутахассисларни, шунингдек, илмий доираларни жалб этишлари лозим.

12. Ҳуқуқшунослар ва одил судловни амалга оширадиган органлар ходимлари учун

уларнинг таълим олишдаги ўз тажрибаларини мунтазам муҳокама қилиш ва айирбошлашни таъминлаш учун халқаро стандартларни, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тушунтириш ва ўрганиш учун ҳам рақамли, ҳам офлайн платформалар ва касбий тузилмалар яратилиши керак.

13. Ҳамкорликни таъминлаш, барча манфаатдор томонлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда барча таълим муассасалари учун амалий, аниқ ишларга асосланган тайёрлов ҳамда мавзули ўқув материалларига оқилона ёндашишни қўллаш учун ҳуқуқий масалалар бўйича мутахассислар ва одил судловни амалга оширадиган ходимлар ўртасида мунтазам мулоқотни ўтказишга ёрдам кўрсатиш лозим.

д. Жамиятнинг бошқа гуруҳлари учун инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимдан барча, шу жумладан мазкур гуруҳларга мансуб бўлган ўқитувчиларга устунлик берган ҳолда ночор аҳволда бўлган гуруҳларни ҳам ҳисобга олиб фойдаланиши мумкин.

2. Биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим берилиши керак бўлган гуруҳларга қуйидагилар мансуб:

- аёллар ва қизлар, шу жумладан қишлоқ жойларида яшовчилар;
- дин етакчилари ва жамоат арбоблари, маҳаллий ҳамжамиятларнинг етакчилари;
- ногиронлиги бўлган шахслар;
- мигрантлар;
- қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- озчиликни ташкил қилувчи миллатлар;
- кексалар.

3. Давлат муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ва кўп даражали шерикликни мустаҳкамлаш лозим.

4. Ҳукуматлар ҳар йилги танловлар орқали фуқаролик жамияти ташкилотларига уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш фаолиятлари учун грантлар тақдим этишлари керак.

5. Фуқаролик жамияти субъектлари, ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамда фаоллар инсон ҳуқуқлари соҳасида онлайн тарзда ва бепул фойда-

ланса бўладиган таълим дастурлари ва курслари, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Европа Кенгашининг ёрдам дастури, ЕХХТ ва ҳоказо) ресурслари тўғрисида хабардор қилинишлари керак.

6. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим янада кенг қамровли ва самарали бўлиши учун маҳаллий даражадаги илмий-тадқиқот марказлари ва таҳлил марказлари салоҳияти ошириб борилиши лозим.

7. Фуқаролик жамиятининг турли гуруҳлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича курслар маҳаллий шароитга мослаштирилган, ўзгартирилган, инклюзив ва мазмуни бўйича мослаштирилган бўлиши керак.

8. Ногиронлиги бўлган шахслар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим курсларини ишлаб чиқишда уларнинг алоҳида эҳтиёжларини (сурдо таржима, Брайль алифбосидан фойдаланган материаллар, замонавий воситалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун воситаларнинг мавжудлиги) ҳисобга олиниши зарур.

9. Ногиронлиги бўлган шахслар инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг фақатгина асосий эмас, балки илғор дастурларидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак.

В. Минтақавий ва халқаро даража:

1. Минтақавий ва халқаро ташкилотлар инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий саъй-ҳаракатларга ёрдам беришлари

керак. Шу муносабат билан тавсия этилади: давлатларни инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбиянинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашда қўллаб-қувватлаш;

2. Бошқа жалб этилган миллий ва маҳаллий субъектлар, хусусан ноҳукумат ташкилотлар, касб-хунар уюшмалари, олий таълим муассасалари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги маърифий ишларини тан олиш ва қўллаб-қувватлаш;

3. Барча даражаларда илғор тажриба тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва тарқатишда, масалан, маълумотлар базаси ва мукофотлар беришда, шунингдек, тегишли муассасаларнинг мавжуд материаллари ва дастурларини алмашишда қўмаклашиш;

4. Турли тингловчилар салоҳиятини кучайтириш учун дастурларни қўллаб-қувватлаш ва/ёки ишлаб чиқишни, жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш, шунингдек илғор тажрибага асосланган таълим материалларини ишлаб чиқишни ҳамда турли миллий тилларга таржима қилишни қўллаб-қувватлаш;

5. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия субъектларининг тегишли тармоқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни барча даражаларда ташкил этишга қўмаклашиш.

6. Молиявий қўллаб-қувватлаш ва ресурслар ажратиш.

Биз, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми иштирокчилари давлатларнинг мажбуриятлари ва фуқаролик жамияти, минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг ролини тан олган ҳолда Глобал форумнинг тавсияларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ва бошқа халқаро ташкилотларга тақдим этамиз.

2022 йил 6 декабрда
Самарқандда қабул қилинган

МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ МАСАЛАСИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.72.17.057



Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Коррупцияга
қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси

Аннотация. Мақолада қонунчиликда фуқаролик жамияти институтлари тушунчасидан фойдаланилиши ҳолати, нодавлат нотижорат ташкилотларини “ноҳукумат ташкилотлар” деб номламасликнинг сабаблари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамияти институтлари таркибининг очиб берилиши, жамоат бирлашмаларига берилган таърифнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан баҳсли жиҳатлари чуқур таҳлил этилган ҳамда муаллиф томонидан мавзуга оид таклифлар берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти институтлари, оила, ноҳукумат ташкилотлар, Конституция, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Фуқаролик кодекси, жамоат бирлашмалари, қонун, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат рўйхати.

Abstract. The article provides an in-depth analysis of the use of the concept of civil society institutions in the legislation and the reasons for refusing to name non-governmental non-profit organizations as "non-governmental organizations", disclosing the structure of civil society institutions in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, theoretical and legal aspects of defining a public association, and author's suggestions on the subject.

Key words: civil society institutions, family, non-governmental organizations, Constitution, non-governmental non-profit organizations, Civil Code, public associations, law, citizens' self-government bodies, registration.

Аннотация. В статье проводится углубленный анализ использования в законодательстве понятия институтов гражданского общества, причин отказа от наименования негосударственных некоммерческих организаций в качестве «неправительственных организаций», раскрытия структуры институтов гражданского общества в Конституции Республики Узбекистан, теоретических и правовых аспектов определения общественного объединения, а также излагаются авторские предложения по теме.

Ключевые слова: институты гражданского общества, семья, неправительственные организации, Конституция, негосударственные некоммерческие организации, Гражданский кодекс, общественные объединения, закон, органы самоуправления граждан, государственная регистрация.

Фуқаролик жамияти ғояси давлат ва жамиятдаги адолатли тузум ҳақидаги тасаввурлар мажмуи сифатида ғарб ва шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган.

Масалан, Абу Наср Форобийнинг **“Фозил одамлар шахри”** номли асарида шундай дейилган: “Инсон барча зарур нарсаларни бир ўзи ҳосил қила олмайди, буларни топиш учун у турли касбдаги одамларнинг хизматида муҳтожлик сезади. Бошқа инсонлар ҳам худди шундай ҳолатда бўладилар. Инсонлар ўз эҳтиёжларини қондириш ва камол топиш учун жамоага ва жамиятга бирлашишлари зарур бўлади. Бу жамоада ҳар бир шахс ўз табиатида, истеъдоди ва қобилиятига яраша касб-ҳунарларни ўрганиб, ҳар кун ўз санъатида (ҳунарида) камолотга етишга ҳаракат қилади. Шу сабабли (турли миллат ва динга мансуб) турли жойларда яшовчи одамлар ҳар хил жамиятларга бирлашадилар”¹.

Фуқаролик жамияти бўйича замонавий олимларнинг фикрлари ҳам диққатга сазовор. Жумладан, профессор В.Е.Чиркин давлат бошқарувида “фуқаролик жамияти” атамаси ишлатилишини қўллаб-қувватламайди. У бу борадаги фикрини замонавий конституцияларда фуқаролик жамияти тушунчасидан фойдаланилмагани билан изоҳлайди². В.В. Бойцова ва Л.В. Бойцовалар эса бу фикрга қўшилмаган ҳолда “замонавий конституцияларнинг яратувчилари кўпинча анъанавий юридик (конституциявий-ҳуқуқий) атамаларга асосланишларини” таъкидлайдилар³.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “фуқаролик жамияти” деган атама ишлатилмаган бўлсада, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамланган⁴.

Айрим олимлар оилани ҳам фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири деб ҳисоблайди. Масалан, Л.Ю. Грудцынанинг фикрига кўра: “Оила – фуқаролик жамияти ижтимоий тизимининг муҳим институтларидан бири бўлиб,

инсон унда ўз ҳаётининг асосий қисмини ўтказди. Оиланинг мақсади, моддий аҳволи, аъзоларининг диний қарашлари инсоннинг ҳаёт даражасини, унинг ижтимоий фаоллигини белгилаб беради, натижада у фуқаролик жамияти муваффақиятига ижобий таъсир қилади”.

Таъкидлаш керакки, шахс (индивид) фуқаролик жамиятининг бирламчи бўғини саналади. Фикримизча, оилани ҳам фуқаролик жамиятининг бўғини деб ҳисоблаш лозим. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида, “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”, деб қайд этилган⁵. Лекин оилани фуқаролик жамиятининг институти деб ҳисоблашдан олдин куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида оилага ҳуқуқий таъриф берилмаган бўлиб, қонун оиланинг икки ва ундан ортиқ шахсдан иборат бўлиши мажбуриятини белгиламайди. Бинобарин, оиланинг бўлиниб кетиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Иккинчидан, тижорат ташкилотлари сингари ҳар бир оила ҳам фақат ўз манфаати йўлида ҳаракат қилиши мумкин.

Шунга мувофиқ, ижтимоий соҳадаги фуқаролик жамияти институтлари сирасига бевосита оиланинг ўзини эмас, балки оила масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларини (оила марказлари, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқалар) киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бинобарин, ўзини ўзи бошқариш органи маҳаллий аҳамиятдаги масалаларни ўзининг ихтиёри билан ҳал этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига асосан, “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни (оқсоқолни) сайлайди”⁶.

¹ Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри / таржимонлар: А. Ирисов, М. Маҳмудов, О. Отажон. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2018. – 320 б.

² Қаранг: Чиркин В.Е. Конституционное право: Россия и зарубежный опыт. – М., 1999. – С. 135.

³ Қаранг: Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Конституционное право в российской правовой системе // Общественные науки и современность. – М.: “Наука”, 1993.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 80 б.

⁵ Ўша манбаа. – 21-б.

⁶ Ўша манбаа. – 60-б.

Шу сабабли, **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институтлари сирасига киритишга етарли асослар мавжуд**, назаримизда.

Маънавий соҳада фуқаролик жамияти ҳар бир шахсга фикрлаш, сўз, эътиқод ва ижод эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг маънавияти, маданияти, ижодий ва руҳий ҳаёт тарзи билан бевосита боғлиқ. Ушбу соҳада қатор жамоат бирлашмалари, шу жумладан маданий-маърифий марказлар, ижодий уюшмалар, диний ташкилотлар ва бошқалар фаолият кўрсатади.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мазкур масалаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра, “Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади”, 61-моддасига асосан, “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”⁷.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида нодавлат нотижорат ташкилотлари “жамоат ташкилотлари” деб аталган бўлса, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида “жамоат бирлашмалари” номини олди. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “нодавлат нотижорат ташкилоти” эмас, балки айнан “жамоат бирлашмаси” атамасидан фойдаланилган.

Халқаро шартномалар нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчасини назарда тутмайди⁸. Ғарб мамлакатлари ва Россия Федерациясида нодавлат нотижорат ташкилотлари “ноҳукумат ташкилотлари” деб номланади. Олима М. Моховикованинг таъкидлашича, Ўзбекистонда “ноҳукумат” деган сўздан атайлаб воз кечилган, чунончи олиманинг фикрига кўра, бундай сўзнинг ишлатилиши “ҳукуматга қарши” деган маънони келтириб чиқаради⁹.

Бироқ бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

ва қонунларига мувофиқ ҳукумат деганда – Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи орган тушунилади. Шунга мувофиқ, **нодавлат нотижорат ташкилотларини “ноҳукумат ташкилот” деб номлаш, уларнинг фақатгина ижро этувчи ҳокимиятдан холи эканлигини англатади. Ваҳоланки, нодавлат нотижорат ташкилотлари нафақат ижро этувчи ҳокимиятдан, балки бошқа ҳокимият органлари (қонун чиқарувчи ва суд)дан ҳам мустақилдирлар.**

Айтиш жоизки, жамоатчилик ўртасида социологик сўров ўтказилганда 59 фоиз респондентлар Ўзбекистонда “ноҳукумат ташкилоти” сўзини ишлатмасликни, чунки бундай ташкилотлар нафақат Ҳукуматдан, балки ҳокимиятнинг бошқа тармоғидан ҳам холи эканлигини маълум қилишган¹⁰.

Бундан ташқари, “нодавлат нотижорат ташкилоти” деган сўзларнинг ўзида, унинг ҳар иккала зарурий элементи, яъни “давлатдан” ҳам ва “тижоратдан” ҳам холи эканлиги аниқ акс этган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда қонун ижодкорлари томонидан “ноҳукумат” деган сўзнинг ишлатилмаслиги жуда ҳам тўғри қарор бўлган деб ҳисоблаймиз.

Айтиш жоизки, жамоат бирлашмалари Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг конституциявий шаклига мансуб. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида: “Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради”, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясида нодавлат нотижорат ташкилоти сўзи бирор маротаба ҳам ишлатилмаган бўлсада, жамоат бирлашмаси сўзидан 19 маротаба фойдаланилган.

Ҳатто жамоат бирлашмаларига бағишлаб Конституцияда алоҳида боб (XIII) ажратилган¹¹.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 4-модда.

⁸ Асьянов Ш.М., Куликова М.Ш., Исаева А. Нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир қўлланма. – Тошкент, 2008. – 54 б.

⁹ Моховикова М.Н. Взаимодействие государства и негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане / Автореф. дис. на соиск. канд. полит. наук. – Москва, 2016. – С.20.

¹⁰ Ширинов Дж. Диссертация тадқиқоти доирасида ижтимоий тармоқларда жамоатчилик ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 19 – 21-б.

Бунинг асосий сабаби, мамлакат Конституцияси қабул қилинган вақтда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни мавжуд эмас эди. Аксинча, Конституция қабул қилинишидан олдинроқ, яъни 1991 йилда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги¹² қонун қабул қилинган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлар доирасида Конституциямиздаги юқорида қайд этилган ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш борасида иш олиб борилмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 25 июнда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси билан Асосий қонунимизнинг 56-моддасида, **“Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан маҳаллалар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари, жамоат фондлари ва шахсларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади, унинг мазмунини белгилайди”**, деган норма таклиф этилмоқда. Яъни бундай таҳрирдан кўринадики, Конституция фуқаролик жамияти институтлари тизимига 3 та тузилма (нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари) киришини кўзда тутмоқда.

Бироқ берилган таҳрир мазмуни диққат билан ўқилса, ушбу юқоридаги тузилмалар “шу жумладан” фуқаролик жамияти институтлари таркибига кириши кўрсатилган бўлиб, яъни улардан ташқари яна бошқа субъектлар ҳам кириши мумкинлигини инкор этмайди. Чунончи, юқоридагилардан ташқари асосий мақсади даромад (фойда) олишга қаратилмаган бошқа нодавлат тузилмалар ҳам борки (масалан, юридик шахсларнинг нотижорат бирлашмалари, беғараз хизмат кўрсатувчи ҳуқуқий маслаҳатхоналар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ҳоказо), уларни фуқаролик жамияти институтлари сирасига киритиш учун етарлича назарий ва ҳуқуқий асослар мавжуд. Шу сабабли,

муаллифларнинг Конституциявий қонун лойиҳасида фуқаролик жамияти институтлари таркибини чекламаганликлари оқилона йўл бўлган деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, Конституциявий қонун лойиҳаси билан Конституциямизнинг XIII бобида биринчи маротаба “нодавлат нотижорат ташкилотлари” сўзларидан фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, Конституциямизда жамоат бирлашмалари тушунчаси ва таркиби сақланиб қолмоқда.

Умуман олганда, жамоат бирлашмаларига таъриф 4 та қонун ҳужжатида, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (56-модда), “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун (1-модда), Фуқаролик кодекси (74-модда) ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунда (11-модда) берилган.

Бироқ ушбу таърифлар бир-биридан фарқ қилади. Улар орасида Фуқаролик кодекси ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунда келтирилган таърифлар деярли ўзаро бир хил бўлиб, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда берилган таърифдан кескин фарқ қилади.

Жумладан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, “Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади”¹³.

Ушбу таърифда асосий урғу “фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда ихтиёрий бирлашуви”га қаратилган.

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида эса жамоат бирлашмасига қуйидаги таъриф келтирилган, “Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги Қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1991. – № 4. – 76-модда.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни // 14.04.1999 / <https://lex.uz/docs/11360>.

вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир”¹⁴.

Яъни мазкур таърифда асосий урғу “фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда бирлашуви”га эмас, балки “ўзаро бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари”га қаратилган.

Аслида, юқорида келтирилган ҳар иккала жиҳат ҳам жамоат бирлашмаларига хос.

Д. Холманованинг фикрича, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда эътироф этилган “жамоат бирлашмаси” тушунчаси мазмун ва моҳияти жиҳатидан “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида берилган “нодавлат нотижорат ташкилоти” тушунчасидан кенгрок маъно касб этади¹⁵.

Бироқ “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда келтирилган таърифда фуқароларнинг ўзаро бирлашуви тартиби қонун билан боғлаб қўйилмаган. Айтиш жоизки, фуқароларнинг ҳар қандай ўзаро бирлашувини жамоат бирлашмаси деб бўлмайди.

Масалан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни, республика суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилишни, шунингдек ҳарбийлаштирилган, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларни тузишни мақсад қилган ҳолда ўзаро бирлашган фуқароларни жамоат бирлашмаси деб тан олиб бўлмайди.

Бинобарин, бундай бирлашмаларни тузиш Конституция ва қонунлар билан тақиқланган.

Шундай экан, жамоат бирлашмасини тузиш учун фуқароларнинг ўзаро бирлашувлари қонунда белгиланган қоидаларга мувофиқ келиши лозим.

Бундай қоидалар жамоат бирлашмасини таъсис этиш жараёнини тартибга солишга қаратилган.

Бу масалада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янада аниқ қондани ўрнатган. Хусусан, Конституцияда жамоат бирлашмасига берилган таърифда “қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган” деган жумла ишлатилган бўлиб, бу қоида юқорида биз таъкидлаган салбий ҳолатлардан “суғурталовчи” норма ҳисобланади.

Бироқ Конституцияда жамоат бирлашмаларига бағишланган ушбу қондани жамоат бирлашмаларига берилган ҳуқуқий таъриф деб баҳолаб бўлмайди. Чунончи, унда жамоат бирлашмалари тушунчаси очиб берилмаган, балки уларнинг турлари санаб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”¹⁶.

Конституция ва қонунларда “қонунда белгиланган тартибда” жумласини ҳаволаки норма сифатида қараш керак эмас, деб ўйлаймиз. Чунки жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қонунларда аниқ белгиланган.

Шунга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси биринчи қисмидаги ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси 1-қисмидаги жамоат бирлашмаларига келтирилган таърифларни қайта кўриб чиқиш, уларни ўзаро мувофиқлаштириш керак.

Бунда жамоат бирлашмасига берилган таърифда фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда бирлашганликлари акс этиб туриши лозим.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1991. – № 4. – 76-модда.

¹⁵ Холманова Д. “Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни / Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. – Т., 2012. – 46-б.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 19-б.

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ МАХСУС СУД ПЛАТФОРМАЛАРИДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.76.15.058



Отабек ПИРМАТОВ,
Тошкент давлат юридик университети
доценти, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мазкур мақолада фуқаролик суд ишларини юритишда суд платформаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Суд платформаси суд-хуқуқ тизими янгиликларидан хабардор бўлиш, суд мажлислари ҳақидаги маълумотларни топиш, электрон ҳужжатларни кўриш ва уларни телефонга юклаб олиш, тақдим этилган ҳужжатлар ҳолатини кузатиш, матнли хабарлар алмашиш, суд жараёнида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини беради.

Калит сўзлар: электрон суд, автоматлаштирилган ахборот тизими, суд платформаси, онлайн суд мажлиси.

Abstract. This article discusses the features of the use of judicial platforms in civil proceedings. The judicial platform allows you to keep abreast of the news of the judicial system, find information about court hearings, view electronic documents and download them to your phone, monitor the status of submitted documents, exchange text messages, and participate in the trial remotely.

Key words: electronic court, automated information system, judicial platform, online court session.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности использования судебных платформ в гражданском судопроизводстве. Судебная платформа позволяет быть в курсе новостей судебной системы, находить информацию о судебных заседаниях, просматривать и скачивать электронные документы, следить за состоянием представленных документов, обмениваться текстовыми сообщениями, участвовать в судебном процессе дистанционно.

Ключевые слова: электронный суд, автоматизированная информационная система, судебная платформа, судебное заседание в режиме онлайн.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида фуқаролик ишлари бўйича судларда турли хил суд платформалари фаолият юритмоқда. Буюк Британияда *HMTCS* платформаси, Канаданинг Британия Колумбияси штатида *CRT* платформаси, Австралияда *"NWS Online Registry"*, Эстонияда *"E-File*

system", Сингапурда *"e-Litigation"* платформасидан фойдаланилмоқда.

Буюк Британияда *HMTCS* (*"Her Majesty's Courts and Tribunals Service"*) платформасида ниҳоддан ажратиш, ёзма битимга асосланган пул суммасини ундириш тўғрисидаги даъволар, шу-

нингдек, бошқа кам аҳамиятли даъволар кўриб чиқилади. Ушбу платформа ишга туширилган дастлабки йилда никоҳдан ажратиш бўйича 41 мингдан ортиқ онлайн ишлар кўриб чиқилган¹.

Беларусь Республикасида умумюрисдикция судлари учун ягона “*E-court*” автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда иктисодий ишлар бўйича электрон суд жараёни учун “*Суд қарорлари маълумотлар банки*” фаолият кўрсатмоқда. “*E-court*” тизими орқали ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этиш, суд мажлислари жадвалини билиш, ишлар картотекаси билан танишиш имконияти ҳам мавжуд. Ундан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Электрон одил судловни амалга оширишда суд мажлисининг аудио ва видео ёзувидан, шунингдек, видеоконференция алоқасидан фойдаланилади. Суд жараёни иштирокчилари суд ҳақида электрон почта ва СМС орқали хабардор қилинади.

Россиянинг арбитраж судларида “*Мой арбитраж*” электрон суд тизими фаолият юритади. Ушбу тизим орқали электрон имзо билан имзоланган электрон ҳужжатлар арбитраж судларига тақдим этилади. Тизимдан фойдаланиш учун эса давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш керак.

Тизимда “*Суд мажлислари жадвали*”, “*Ишларнинг картотекаси*”, “*Арбитраж судлари қарорлари банки*” хизматлари мавжуд. “*Электрон қўриқлаш*” хизмати орқали арбитраж суди муҳокамаси бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳисоби юритилади.

Россия Федерациясида ҳам суд хабарномалари электрон почта ёки СМС орқали юборилади. Суд мажлисларининг бориши аудио ва видео ёзувлар ёрдамида қайд этилади.

Шунингдек, судьяларнинг электрон имзоси билан имзоланган суд ҳужжатлари расмий веб-сайтга жойлаштирилади, суд қарорларини суд иштирокчилари чекланган тартибда кўришлари мумкин.

Россия Федерацияси судларида интернет орқали фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш хизматлари мавжуд. Фуқаролар “*Онлайн-қабул*” да бўлишлари, “*Раиснинг қабул дафтари*” га мурожаатлар, савол ва таклифлар йўллашлари мумкин.

Судьяларнинг иш юки ва ихтисослигини ҳисобга олган автоматлаштирилган тизим ишларни тақсимлашга ёрдам беради.

Украина Республикасида “*Электрон суд*” тизими мавжуд бўлиб, унга фойдаланувчи электрон кабинет орқали кириш имкониятига эга. Рўйхатдан ўтиш учун электрон рақамли имзо тасдиқланадиган калит керак бўлади. “*Электрон суд*” тизими орқали процессуал ҳужжатларни топшириш ва суд ҳужжатларини қабул қилиш мумкин.

Электрон хизматлар идорасида суд ишини кўриб чиқиш босқичи ҳақида ахборот олиш, СМС кўринишида чакирув қоғозларини юбориш, суд қарорларининг ягона давлат реестридан маълумотларни олиш мумкин.

Суд мажлисларида аудио ва видео ёзиб олишга, видеоконференцалоқа ўтказишга рухсат берилади. Бироқ иш материаллари электрон шаклда сақланмайди.

Судьяларнинг иш юкини ҳисобга олган ҳолда ишларни тақсимлаш тизими мавжуд².

Қозоғистон Республикасида “*Суд кабинети*” хизмати мавжуд бўлиб, у процессуал ҳужжатларни тақдим этиш ва қабул қилиш, адлия органларига хатлар юбориш, суд-ҳуқуқ тизими янгиликларидан хабардор бўлиш, суд мажлислари ҳақидаги маълумотларни топиш, электрон ҳужжатларни кўриш ва уларни телефонга юклаб олиш, тақдим этилган ҳужжатлар ҳолатини кузатиш, матнли хабарлар алмашиш, суд жараёнида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини беради. Мазкур хизматдан фойдаланиш учун махсус мобил илова ҳам ишлаб чиқилган.

Литва Республикасида эса судларнинг ягона ахборот тизими мавжуд. Тарафлар рўйхатдан ўтган бўлса, электрон суд хизматлари портали орқали процессуал ҳужжатларни юбориши ва суд ҳужжатларини қабул қилиши мумкин. Электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳужжатлар фақат фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича судларда қўлланилади. Электрон суд хизматлари портали орқали суд ҳужжати юборилганда давлат божи учун 25 фоизгача чегирмалар назарда тутилган³.

Судлар бу жараёнда видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланади, лекин видеоёзувлар архиви сақланмайди.

¹ Қаранг: <https://www.gov.uk/guidance/small-claims-mediation-service>.

² Қаранг: Ходосок М. Электронное правосудие в странах мира // <https://ilex.by/news/elektronnoe-pravosudie-v-stranah-mira>.

³ Ўша жойда.

АҚШда “Public Access to Electronic Records” (PACER) тизими орқали электрон суд хизматларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу хизмат орқали суд мажлислари жадвали, қабул қилинган аризалар реестри, суд ишининг бориши кабиларни кузатиш имконияти мавжуд.

Тарафлар низонинг моҳияти, суднинг номи бўйича суд ҳужжатларини излаши мумкин. Маълумотлардан фойдаланиш ҳар бир саҳифа учун 10 цент туради. Бу борада чеклов мавжуд бўлиб, фойдаланилаётган ҳар бир ҳужжат 30 саҳифадан ошмаслиги лозим. Фойдаланувчилар олинган маълумотларни нусхалаши, чоп этиши ёки ташқи курилмага юклаб олиши мумкин.

PACER тизими вояга етмаганларнинг туғилган санаси ва исмлари, молиявий ҳисоб рақамлари ҳамда ижтимоий хавфсизликка оид нозик маълумотларни таҳрирлайди.

Тизимдан фойдаланиш учун шахсий кабинет яратиш талаб этилади.

Сингапурда “e-Litigation” электрон суд тизимидан фақат адвокатлик фирмалари ва давлат идоралари фойдаланиши мумкин. Тизимга кириш учун “SingPass” электрон идентификатори керак бўлади. Тизим орқали электрон ҳужжатларни судларга топшириш, иш материалларини сақлаш, олиш ва янгилаш, “e-Service” ёрдамида суд ҳужжатларини юридик фирмаларга юбориш, иш ҳолатларига оид билдиришномалар ва огоҳлантиришларни олиш, ҳисоботларни яратиш, тезкор кириш ёрдамида тугалланган суд ишларини қидириш мумкин⁴.

Индонезия Республикасида 2018 йилда “e-Court” платформаси ишга туширилди. Мазкур платформа Индонезия бўйлаб 910 та судни электрон суд тизими билан ўзаро боғлайди. Электрон суд иловаси орқали электрон шаклда даъво аризаларини тўлдириш, давлат божини тўлаш, тарафларга чақирув қоғозларини юбориш мумкин⁵.

Австралияда “eCourtroom” — мамлакатнинг федерал суди, округ судлари ва оила судларида

ишларни кўриб чиқишда ёрдам бериш учун фойдаланиладиган онлайн суд залидир⁶. Шунингдек, Австралияда “Online Registry” ва “Online Court” платформалари ишга туширилган бўлиб, мазкур платформалар Янги жанубий Уэлс штатидаги 80 дан ортиқ турли хил кўринишдаги фуқаролик ишларини кўриб чиқади⁷.

“Civil Resolution Tribunal” (CRT) Канададаги низоларни кўриб чиқувчи биринчи онлайн платформа ҳисобланади. Мазур платформада суд ишлари судьялар томонидан кўриб чиқилмайди, балки сайланган ҳакамлар томонидан кўрилади. Унда беш минг доллардан юқори суммадаги низолар, автотототранспорт воситаларидаги бахтсиз ҳодисалар натижасида вужудга келадиган фуқаролик низолари кабилар кўриб чиқилади. Автотототранспорт воситаларидаги бахтсиз ҳодисалар натижасида вужудга келадиган фуқаролик низоларини кўриб чиқишда вакилликка йўл қўйилмайди. Платформа узлуксиз ишлайди⁸.

Дунёнинг турли мамлакатларида фуқаролик суд ишларини юритишда турли хил суд палатформалари мавжуд.

“Robo Call” системаси АҚШнинг Санта-Клара шаҳар судида тарафларга электрон чақирув қоғози юборувчи платформа ҳисобланади. Мазкур платформа тарафларга инглиз ва испан тилида СМС хабарлар юбориши мумкин⁹.

“Online Automated Traffic Case Assistant” Лос-Анжелес судларида онлайн ёрдамчи бўлиб, тарафларга олти тилда давлат божи, суд мажлислари вақтини ўзгартириш кабиларга доир саволлар бўйича жавоб қайтаради¹⁰.

Яна бир платформа — “eJuror” АҚШ судларига мурожаат қилишга ёрдам берувчи платформа саналади. У орқали тарафлар даъво аризаси бериш, ўзининг шахсий маълумотларини ўзгартириш, ишни кейинга қолдириш ёки суд таркибига раддия бериш тўғрисида илтимоснома киритиш имконига эга¹¹.

⁴ Қаранг: Ходосок М. Электронное правосудие в странах мира // <https://ilex.by/news/elektronnoe-pravosudie-v-stranah-mira>.

⁵ Қаранг: Ifa Atur Kurniati. Mengembalikan Citra Peradilan melalui E-Court // In Conference on Communication and News Media Studies (Vol.1) / 2019, March. — P. 176-185 / <http://proceeding.umn.ac.id/index.php/COMNEWS/article/view/1093>.

⁶ Қаранг: <https://www.fedcourt.gov.au/online-services/ecourtroom>.

⁷ Қаранг: <https://onlineregistry.lawlink.nsw.gov.au/content/available-forms>.

⁸ Қаранг: <https://civilresolutionbc.ca>.

⁹ Қаранг: Robo Call — Santa Clara Superior Court // California courts / <https://www.courts.ca.gov/27659.htm>.

¹⁰ Қаранг: Online Automated Traffic Case Assistant — Los Angeles Superior Court // California courts / <https://www.courts.ca.gov/35076.htm>.

¹¹ Қаранг: <https://www.uscourts.gov/services-forms/jury-service/national-ejuror-program>.

Санта-Клара судида суд мажлислари вақти жавалини бошқарувчи дастур — “e-Courtroom Resource Status Program” деб номланади¹².

“Online Copy Request” — Риверсайд судида суд материалларидан нусха олишни буюртма беришга имкон берадиган дастур. Фойдаланувчи дастур орқали иш рақами ва ишга оид ҳужжат номини киритади. Хизмат нархи ва почта харажатлари тўлангандан сўнг, фойдаланувчига у сўраган суд ҳужжатларининг нусхаси электрон ва қоғоз шаклда юборилади¹³.

“Archival Court Reporter Notes” (ACORN) платформаси — Ориндж ва Сан-Диего шаҳарлари судида суд мажлиси баённомасининг электрон нусхасини олиш имконини берувчи дастур саналади¹⁴.

“Web Civil Local” платформасидан эса Нью-Йорк штатининг фуқаролик ишлари бўйича 61 та шаҳар судида фойдаланилади. У орқали керакли маълумотни фуқаролик суд ишларинининг рақами, тарафларнинг исм-шарифи бўйича қидириб топиш мумкин¹⁵.

Жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларни махсус электрон платформалар орқали тартибга солиш бўйича мамлакатимизда ҳам муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022 йил 28 январда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида** тадбиркорлар ва аҳоли, айниқса, унинг кам таъминланган қатламлари учун ҳуқуқий ҳужжатларни юрист иштирокисиз тайёрлаш имконини берувчи “Legal Tech” платформасини ишга тушириш ҳамда адвокатлар, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида ҳужжатлар алмашинувини таъминловчи “Юридик ёрдам” электрон тизимини яратиш, шунингдек, адвокатнинг процессда иштирокини таъминлашни содда-

лаштирувчи “Электрон адвокат ордери”ни жорий этиш белгилаб берилган¹⁶.

Тошкент давлат юридик университетининг “AdLex” платформасида адвокатлик тузилмалари, нотариал идоралар ҳамда юридик консалтинг хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги маълумотлар, яъни уларнинг манзили, қабул кунлари, иш кунлари ва алоқа маълумотлари тақдим этилган. Бундан ташқари, ушбу платформада соҳа вакиллари рейтинги тузилиши ва мазкур рейтинг ҳар 6 ойда янгиланиб борилиши режалаштирилган¹⁷.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг назаримизда, **фуқаролик ишлари бўйича суд платформаси — бу даъво аризасини иш юритувига қабул қилишдан бошлаб, суд қарори қабул қилинишигача бўлган барча ҳаракатларни рақамлаштирилган шаклда олиб борувчи дастурдир.**

Онлайн суд жараёни тарафларнинг ўзаро розилиги асосида амалга оширилади. Суд эса уларни онлайн суд жараёнининг аниқ тартиби, асосий шакллари, ҳуқуқий оқибатлари, операцион амалиёти, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилади.

Онлайн суд жараёнида тарафлар суд платформасида далил алмашишлари, синхрон ёки носинхрон суд мажлисларида иштирок этишлари мумкин. Агар тарафлар далилларни онлайн алмашишга рози бўлсалару, лекин суд мажлиси бўйича келиша олмасалар, суд платформасида далилларни алмашишлари мумкин бўлади.

Мамлакатимизда фуқаролик суд ишларини кўриб чиқишга мўлжалланган махсус платформани, мисол учун “civilcases.uz” номли дастурни ишга тушириш ҳам самарали натижа беради, назаримизда. Ушбу платформада соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган ишларни ҳал қилиш, бу борада тегишли тартибни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

¹² Қаранг: <https://www.courts.ca.gov/27755.htm>.

¹³ Қаранг: <https://www.courts.ca.gov/27708.htm>.

¹⁴ Қаранг: <https://www.courts.ca.gov/27736.htm>.

¹⁵ Қаранг: <https://iapps.courts.state.ny.us/webcivil/ecourtsMain>.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон / <https://lex.uz/docs/5841063>.

¹⁷ Қаранг: “AdLex” платформаси тақдимоти бўлиб ўтди / https://teletype.in/@tsulofficial/Mx_vte7a7AV.

ИСЛОМ ДАВЛАТЛАРИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.91.18.059



Жўрабой ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг Назарий-тари-
хий, давлат-ҳуқуқий, конституциявий-ҳуқуқий
фанлар бўлими бошлиғи, юридик фанлар
доктори, профессор

Аннотация. Мақолада ислом давлатларида инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий асослари, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлик-лари, инсон ҳаётининг дахлсизлиги, соғ-саломат ҳаёт кечириш ҳуқуқи, фикр, сўз ва мат-буот эркинлиги, турар жой дахлсизлиги, диний эътиқод эркинлиги, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши ислом давлатларининг амалдаги кон-ституциявий нормалари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фуқаро, давлат, шахсий ҳуқуқ, ислом давлатлари, шахсий дахлсизлик, конституция, сўз эркинлиги, қадр-қиммат, эркинлик, инсон шаъни.

Abstract. In the article, the constitutional foundations of the personal rights and freedoms of people and citizens in Islamic countries, the personal rights and freedoms of citizens, the inviolability of human life, the right to live a healthy life, the freedom of thought, speech and the press, the inviolability of residence, the freedom of religious belief, the state of the rights of personal inviolability are analyzed based on the current constitutional norms of Islamic countries.

Key words: citizen, state, individual right, Islamic states, privacy, constitution, freedom of speech, dignity, freedom, human dignity.

Аннотация. В статье рассматриваются конституционные основы личных прав и свобод человека и гражданина в исламских странах, личные права и свободы граждан, неприкосновенность человеческой жизни, право на здоровый образ жизни, свободу мысли, сло-ва и массовой информации, неприкосновенность жилища, свободу вероисповедания, а также право на личную неприкосновенность проанализированы на основе действующих конституционных норм исламских государств.

Ключевые слова: гражданин, государство, права личности, исламские государства, неприкосновенность частной жизни, конституция, свобода слова, человеческое достоин-ство.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамла-качилик тузумининг емирилиши туфайли деяр-ли барча мусулмон мамлакатлари ўзларининг

давлат мустақиллигига эришди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан ҳозирги кунгача улар ўз консти-туцияларини қабул қилдилар. Қўпчилик ислом

давлатлари конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари алоҳида боб ёки бўлимда ўз ифодасини топди. Мазкур давлатлар конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми бўйича унинг мақсад ва вазифалари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактлар, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва бошқа тоифадаги шахсларга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатларининг нормалари, инсон ҳуқуқлари бўйича шарият қоидалари, ислом оламида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумислом декларацияси (1981), Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Қоҳира декларацияси (1990), Исломда бола ҳуқуқлари ҳақидаги пактда (2005) ўз аксини топган нормалар, хорижий давлатларнинг конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва унинг ички тузилиши ҳамда юридик техника соҳаларида тўпланган тажрибасини ҳисобга олдилар.

Булар ҳозирги замон ислом давлатлари конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормаларда яққол кўзга ташланади. Мазкур давлатлар кўпчилигининг конституциясида **фуқароларнинг ирқи, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенглиги** кафолатланган. Хусусан, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Конституциясига биноан, Иордания фуқаролари қонун олдида тенгдирлар. Улар ирқи, тили ёки динига кўра ҳуқуқ ва бурчларда камситилмайдилар¹. Уммон Султонлигининг Конституциясига кўра, барча фуқаролар қонун олдида, умумий ҳуқуқлар ва мажбуриятларда тенгдирлар². Қувайт Конституциясида қайд этилишича, барча инсонлар исломий кадр-қимматда,

ирқи, келиб чиқиши, тили ва динидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар³. Покистон Конституцияси бўйича, барча фуқаролар қонун олдида ва унинг ҳимояси остида бўлишда тенгдирлар⁴. Эрон Конституциясида ёзилишича, эронликлар этник ёки қабилавий келиб чиқишидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга. Уларнинг тана (тери) ранги, ирқи, тили ёки бошқа белгилари имтиёзга эга бўлишга ёки камситилишга асос бўлмайди⁵. Миср Конституциясида таъкидланишича, барча фуқаролар, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, ҳеч қандай камситишларсиз қонун олдида тенгдирлар⁶. Шунингдек, Марокаш Конституциясига биноан, фуқаролар қонун олдида тенг⁷. Баҳрайн Конституцияси бўйича, инсоний кадр-қимматда кишилар тенг ҳамда фуқаролар ижтимоий ҳуқуқлар ва мажбуриятларда қонун олдида тенгдирлар⁸.

Ислом давлатлари конституцияларида **фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг давлат томонидан кафолатланиши** қайд этилган. Одатда, шахсий ҳуқуқлар деганда, яшаш ҳуқуқи, эркин бўлиш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ор-номусини ва шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, суд ҳимояси ва одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва виждон эркинлиги, ўз миллий мансублигини эркин белгилаш ва она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи, кийноққа ва бошқа шафқатсиз ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомалага дучор бўлмаслик ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, ахборот эркинлиги ва бошқалар тушунилади. Ушбу нормалар кўпчилик ислом давлатлари конституцияларида ўз аксини топган бўлиб, мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни давлат ўз зиммасига олган.

Айрим ислом давлатларининг конституциясида **инсон ҳаётининг дахлсизлиги ва соғ-са-**

¹ Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Конституцияси: 6-модда // Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир, сўзбоши ва Конституцияларга кириш сўзи муаллифи А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2022. – 252-б.

² Қаранг: Уммон Султонлиги Конституцияси: 17-модда // <https://mjla.gov.om>.

³ Қаранг: Қувайт Конституцияси: 29-модда // <https://www.kna.kw>.

⁴ Қаранг: Покистон Конституцияси: 25-модда // <https://worldconstitutions.ru/?p=34>.

⁵ Қаранг: Эрон Конституцияси: 19-модда // <https://www.shora-gc.ir/en/news/87/constitution-of-the-islamic-republic-of-iran-full-text>.

⁶ Қаранг: Миср Конституцияси: 21-модда // <https://www.sis.gov.eg/newvtr/theconstitution.pdf>.

⁷ Қаранг: Марокаш Қироллиги Конституцияси: 5-модда // <https://www.maroc.ma/en/content/constitution>.

⁸ Қаранг: Баҳрайн Қироллиги Конституцияси: 18-модда // <https://www.bahrain.bh/wps/wcm/connect/9c9c117d-5a16-4855-a38b-c3bf15ee2c7f/Constitution+Kingdom+of+Bahrain.pdf?MOD=AJPERES>.

ломат ҳаёт кечириш ҳуқуқи давлат томонидан кўриладиган чора-тадбирлар билан кафолатланиши алоҳида таъкидланган. Хусусан, Иордания Конституциясининг 7-моддасига биноан, Иордания фуқароларининг шахсий ҳаёти дахлсизлигининг ҳар қандай бузилиши қонун билан жазоланадиган жиноятдир. Саудия Арабистонининг Асосий Низоми бўйича, давлат фуқароларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга ғамхўрлик қилади ва ҳар бир фуқаронинг саломатлигини муҳофаза қилади. Давлат ўзининг ҳудудида фуқаролар ва чет элликларнинг хавфсизлигини таъминлайди⁹.

Қувайт Конституциясининг 15-моддасига кўра, давлат фуқароларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилади, касалликларни ва эпидемияларни даволаш ҳамда уларнинг олдини олиш воситалари билан таъминлайди. Эрон Конституциясининг 22-моддасида таъкидланишича, шахснинг ҳаёти унинг дахлсиз ҳуқуқларидан биридир. Яшаш ҳуқуқидан шахсни фақат қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина маҳрум қилиш мумкин. Покистон Конституциясининг 9-моддасида қайд этилишича, қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳеч ким ҳаётдан маҳрум қилинмайди. Тунис Конституциясига мувофиқ, яшаш ҳуқуқи муқаддасдир, уни бузиш мумкин эмас, бундан қонун билан белгиланган ҳолатлар мустаснодир¹⁰. Миср Конституциясининг 59-моддасига асосан, ҳар бир инсон хавфсиз яшаш ҳуқуқига эга. Давлат фуқаролар ва ҳудудида яшовчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга мажбурдир.

Қатор ислом давлатлари конституцияларида фуқароларнинг шахсий эркинлиги кафолатланган, у фақат қонунда белгиланган ҳолатлардагина чекланиши мумкинлиги алоҳида қайд этилган. Жумладан, Иордания Конституцияси бўйича, шахсий эркинлик кафолатланади. Ҳеч ким қонун-қоидаларга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, озодликдан маҳрум қилиниши ёки унинг эркинлиги чекланиши мумкин эмас. Шунингдек, ушлаб турилган, ҳибсга олинган, қамоққа олинган ёки эркинлиги чекланган ҳар бир

шахсга кадр-қимматини сақлайдиган тарзда муомала қилиниши, у ҳеч қандай тарзда қийноққа солинмаслиги керак. Жисмоний ёки маънавий зарар етказилиши мумкин эмас ва қонунларда рухсат этилган жойлардан бошқа жойларда ҳибсга олинмаслиги зарур. Ҳар қандай қийноқлар, зарар етказиш ёки таҳдид остида берилган ҳар қандай кўрсатма ҳақиқий эмас¹¹.

Миср Конституциясининг 54-моддасига кўра, шахсий эркинлик – бу ҳимоя қилинадиган ва бузилиши мумкин бўлмаган табиий ҳуқуқдир. Бундан жиноят содир этилган жойда ушланган ҳоллар мустасно. Фуқаролар суднинг асослантирилган қарорига биноан тергов жараёнида ҳибсга олиниши, ҳибсга олиш учун буйруқ берилиши мумкин. Бундай фуқаролар ҳибсга олиниш сабаблари ва ўзининг ҳуқуқлари тўғрисида ҳибсга олинган вақтдан эътиборан, ёзма равишда хабардор қилиниши, унга оиласи ва адвокати билан боғланиш имконияти берилиши керак. Ҳибсга олинган шахсни адвокат иштирокида сўроқ қилиш мумкин. Тунис Конституциясининг 21-моддасида давлат барча фуқароларга эркинлик, шунингдек, шахсий ва жамоавий эркинлик ҳуқуқларини кафолатлаши белгиланган.

Деярли барча ислом давлатларининг конституциясида фуқароларнинг **фикр, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатланиши** алоҳида қайд этилган. Иордания Конституциясининг 15-моддасига кўра, давлат фикр эркинлигини кафолатлайди. Иорданиянинг ҳар бир фуқароси ўз фикрини сўз, тасвирий ва бошқа шакллар орқали эркин ифода этиш ҳуқуқига эга, бироқ қонун доирасидан чиқмаслиги керак. Давлат қонун доирасида матбуот, нашр ва ахборот воситаларининг эркинлигини кафолатлайди. Миср Конституциясида қайд этилишича, фикрлаш ва фикр эркинлиги кафолатланади. Барча фуқаролар ўз фикрларини оғзаки, ёзма, визуал ёки бошқа шаклда ифода этиш ва баён қилиш ҳуқуқига эга. Матбуот эркинлиги, шунингдек ахборотларни қоғоз, визуал, аудио ва рақамли шаклларда тарқатиш кафолатланади. Мисрликлар – жисмоний ёки

⁹ Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Асосий Низоми: 31- ва 36-моддалар // Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир, сўзбоши ва Конституцияларга кириш сўзи муаллифи А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2022. – 451-452-бетлар.

¹⁰ Қаранг: Тунис Конституцияси: 22-модда // <https://legislation-securite.tn/ar/law/105310#>.

¹¹ Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Конституцияси: 7- ва 8-моддалар // Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир, сўзбоши ва Конституцияларга кириш сўзи муаллифи А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2022. – 252-б.

юридик шахслар, давлат ёки хусусий шахслар – газеталарга эгалик қилиш ва нашр этиш, визуал, аудио ва рақамли ахборот воситаларини яратиш ҳуқуқига эгадирлар¹². Тунис Конституциясининг 31-моддасига биноан, фикрлаш ва фикр билдириш, оммавий ахборот воситалари ва нашр эркинлиги кафолатланади. Ливан Конституциясига кўра, қонун билан белгиланган доирада фуқароларнинг ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқи, матбуот эркинлиги кафолатланади¹³. Уммон Конституциясининг 28- ва 30-моддаларида қайд этилишича, қонун доирасида фикрлаш ва ўз фикрини оғзаки, ёзма ва бошқа йўллар билан баён қилиш, қонунда белгиланган шартлар ва қоидаларга мувофиқ матбуот, ноширлик фаолияти ва босма нашрларни тарқатиш кафолатланади. Покистон Конституциясининг 19-моддаси бўйича ҳар бир фуқаро фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқига эга. Индонезия Конституциясига мувофиқ, ҳар бир инсон ўз қарашлари ва фикрларини ифода этиш ҳуқуқига эга¹⁴. Сурия Конституциясида эса ҳар бир фуқаро ўз қарашларини ёзма ёки оғзаки ёхуд бошқа усуллар орқали эркин ва ошқора ифода этиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган¹⁵.

Кўпчилик ислом давлатлари конституцияларида **қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари фуқароларнинг почта жўнатмалари, ёзишмалари ва телефонда сўзлашувлари сирини ошқор қилиш тақиқланиши** қайд этилган. Иордания Конституциясининг 18-моддасида барча турдаги почта ва телеграмма ёзишмалари ҳамда телефон сўзлашувлари махфий ҳисобланиши ва уларни цензура қилишга йўл қўйилмаслиги ёки улар тўхтатиб қолинмаслиги ҳамда қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно эканлиги белгиланган. Саудия Арабистони Асосий Низомининг 40-моддасига кўра, телеграф ва почта ёзишмалари, телефон сўзлашувлари ҳамда бошқа алоқа турлари дахлсиздир. Қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари, уларни мусодара қилиш, ушлаб қолиш, ўқиш, телефонларни эса эшитиш мумкин эмас. Миср Конституциясининг 57-моддасига биноан, телеграф, почта ва электрон ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар ва бошқа алоқа турлари дахлсиздир, уларнинг махфийлиги кафолатланади.

Улар қонунда белгиланган ҳолатларда ва муддатларда суднинг асослантилган қарорига биноан мусодара қилиниши, текширилиши ёки кузатилиши мумкин. Сурия Конституциясининг 37-моддасида таъкидланишича, почта ёзишмалари, телекоммуникация ва радио ҳамда бошқа алоқаларнинг махфийлиги қонунга мувофиқ кафолатланади. Баҳрайн Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ва электрон коммуникациялар эркинлиги муҳофаза қилинади ва уларнинг махфийлиги кафолатланади. Ҳеч бир коммуникация цензура қилиниши мумкин эмас. Унинг махфийлиги қонунга биноан ўта зарурат бўлган ҳоллардагина ошқор этилиши мумкин. Кувайт Конституциясининг 39-моддасида почта, телеграф ва телефон орқали узатиладиган ахборотлар ва уларнинг махфийлиги кафолатланиши ҳамда бундан қонун билан белгиланган қоидаларга биноан амалга ошириладиган текширувлар мустасно эканлиги белгилаб қўйилган. Эрон Конституциясининг 25-моддасига кўра, қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари шахсий мактублар – ёзишмаларни очиш ва уларни олувчига етказиб бермаслик, оммага ошқор қилиш мақсадида телефондаги сўзлашувларни ёзиб олиш, эшитиш, телеграф ёки телефакс ахборотларини ушлаб қолиш, уларни назорат қилиш ва олувчига етказмаслик ҳамда уларни ҳар қандай йўл билан эшитиш тақиқланади. Марокаш Конституциясининг 11-моддасида баён этилишича, шахсий ёзишмалар сирини сақлаш кафолатланади.

Деярли барча ислом давлатлари конституцияларида **фуқароларнинг турар жойлари дахлсизлиги, мамлакат бўйлаб ҳеч қандай тўсиқларсиз кўчиб юриш, мамлакат ҳудудидан чиқиб кетиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқи** кафолатланган. Саудия Арабистони Асосий Низомининг 37-моддасида турар жойлар дахлсизлиги, унга кириш мулк эгасининг рухсати билан амалга оширилиши, бинони тинтув қилиш фақат тегишли қонунда белгиланган ҳолатларда амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Иордания Конституциясининг 9-моддасига асосан, фуқароларга хоҳлаган ерида яшашини ман этиш, шунингдек, уни муайян бир жойда яшашга мажбурлаш мумкин эмас; фақат

¹² Қаранг: Миср Конституцияси: 65- ва 70-моддалар / <https://www.sis.gov.eg/newvr/theconstitution.pdf>.

¹³ Қаранг: Ливан Конституцияси: 13-модда / <http://www.presidency.gov.lb/English/LebaneseSystem/Documents/Lebanese%20Constitution.pdf>.

¹⁴ Қаранг: Индонезия Конституцияси: 28-модда / https://www.constituteproject.org/constitution/Indonesia_2002.pdf.

¹⁵ Қаранг: Сурия Конституцияси: 41-модда / https://sana.sy/en/?page_id=1489.

қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир. Ливан Конституциясининг 14-моддасига мувофиқ турар жой дахлсиздир. Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари ҳеч кимнинг унга кириш ҳуқуқи йўқ. Марокаш Конституциясининг 9-моддасида барча фуқароларга бутун Қироллик ҳудудида эркин ҳаракатланиш ва турар жой танлаш эркинлигининг кафолатланиши кўрсатилган.

Покистон Конституциясининг 14-моддасига мувофиқ, қонун доирасида турар жой дахлсиздир. Эрон Конституциясининг 22-моддаси бўйича турар жой дахлсиз бўлиб, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Миср Конституциясининг 58-моддасига кўра, уй-жойлар дахлсиздир. Таҳдид қилиш ёки фавқулодда ҳолатларда бошқаларни ёрдамга чақириш ҳолатлари бундан мустасно. Зарурат бўлганда уй-жойларга (масалан, жиноят қилган шахс яширингани ҳақида аниқ маълумот бўлганда) суднинг асослантирилган қарорига биноан кириш, уларда тинтув ўтказиш, уй-жойларни назорат остига олиш мумкин.

Тунис Конституциясининг 24-моддасида қайд қилинишича, ҳар бир фуқаро ўз яшаш жойини танлаш, мамлакат ичида эркин ҳаракатланиш ва мамлакатда истиқомат қилиш ҳуқуқига эга. Уни мамлакатдан чиқариб юбориш, экстрадиция қилиш ман этилади. Айрим сабабларга кўра, мамлакатдан чиқиб кетган фуқаронинг унга қайтиб келишига тўсқинлик қилиш мумкин эмас. Уммон Конституциясининг 16-моддасида мамлакатдан фуқароларни сургун, бадарға қилиш, шунингдек, фуқарони Уммон Султонлигига қайтиб келиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тақиқланган.

Бир қатор ислом давлатларининг конституциясида **фуқароларнинг шаъни, обрўси ва кадр-қимматини муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги, бу болада жабрланган фуқаролар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги** қайд этилган. Хусусан, Тунис Конституциясининг 23-моддасида давлат инсон кадр-қимматини ҳимоя қилиши, унга нисбатан руҳий ва жисмоний қийноқларнинг қўлланиши тақиқланиши кўрсатилган. Миср

Конституциясига биноан, кадр-қиммат – бу ҳар қандай инсоннинг бузилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқидир. Давлат уни ҳурмат қилиш, кафолатлаш ва ҳимоя қилишга мажбур. Ҳибсга олинган ёки эркинлиги чекланган шахслар ўз кадр-қимматини сақлайдиган муомала ҳуқуқига эга. Уларни қийнаш, кўрқитиш ёки мажбурлаш мумкин эмас. Уларга жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиш тақиқланади. Улар инсонпарварлик ва тиббий талабларга жавоб берадиган махсус белгиланган жойларда сақланиши керак¹⁶.

Индонезия Конституциясига кўра, ҳар бир инсон ўз шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилишга ҳақли, ғайриоддий ва кадр-қимматини камситувчи муомаладан ҳимояланиш ҳуқуқига эга¹⁷. Саудия Арабистони Асосий Низомининг 39-моддасида таъкидланишича, инсон кадр-қиммати ва ҳуқуқларини камситадиган ҳар қандай ҳаракатлар тақиқланади. Ушбу масалалар тегишли қонун билан тартибга солинади. Баҳрайн Конституциясининг 18-моддасига биноан, инсоний кадр-қиммат бўйича кишилар тенгдир. Ҳеч кимни жинси, ижтимоий келиб чиқиши, тили, диний эътиқоди ва бошқа эътиқодларини ҳисобга олиб камситиш мумкин эмас.

Бир қатор ислом давлатларининг конституциясида **диний эътиқод эркинлиги кафолатланган, фуқароларнинг диний таълим олишлари учун тегишли шароит яратилишига** урғу берилган. Жумладан, Иордания Конституциясида умумий жамоат тартибига қарши қаратилмаган ёки одоб-ахлоққа зид бўлмаган барча шаклдаги диний ва эътиқодий анъаналарни Подшоҳликда риоя қилинадиган одатлар асосида ўтказиш эркинлиги давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгиланган¹⁸. Миср Конституциясига мувофиқ, диний эътиқод эркинлиги бузилиши мумкин бўлмаган эркинликдир. Диний маросимларни ўтказиш, янги ташкил этилган диний жамоалар учун ибодатхоналар ташкил қилиш тартиби қонун билан белгиланади¹⁹.

Индонезия Конституциясига асосан, диний эътиқод эркинлиги ҳар қандай шароитда ҳам чекланмайдиган ҳуқуқдир. Давлат ҳар бир фуқаро

¹⁶ Қаранг: Миср Конституцияси: 51- ва 55-моддалар / <https://www.sis.gov.eg/newvtr/theconstitution.pdf>.

¹⁷ Қаранг: Индонезия Конституцияси: 28 Г-модда / https://www.constituteproject.org/constitution/Indonesia_2002.pdf.

¹⁸ Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Конституцияси: 14-модда // Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир, сўзбоши ва Конституцияларга кириш сўзи муаллифи А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2022. – 253-б.

¹⁹ Қаранг: Миср Конституцияси: 64-модда / <https://www.sis.gov.eg/newvtr/theconstitution.pdf>.

ронинг ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилишини кафолатлайди²⁰. Ливан Конституциясига биноан, виждон эркинлиги фуқароларнинг мутлақ ва бузилмас ҳуқуқидир. Давлат барча динлар ва диний эътиқодларни ҳурмат қилади ҳамда жамоат тартибига риоя қилган ҳолда диний расм-русумларни адо этиш ва маросимларни ўтказишни муҳофаза қилишни кафолатлайди. Шунингдек, давлат барча диний жамоаларнинг хусусий мақомини ва манфаатларини ҳурмат қилишни кафолатлайди²¹. Миср Конституциясига асосан, дин эркинлиги мутлақдир. Диний маросимларни ўтказиш ва янги ташкил этилган динлар ҳамда диний жамоалар аъзолари учун ибодатхоналар қуриш эркинлиги қонун билан руҳсат этиладиган ва ҳимоя қилинадиган ҳуқуқдир²².

Индонезия Конституциясида ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиб, давлат ҳар бир инсоннинг дин ёки эътиқод эркинлигини кафолатлаши²³ қайд этилган. Сурия Конституциясида эътиқод эркинлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилиниши белгиланган²⁴. Марокаш Конституциясига кўра, давлат барчанинг диний эътиқод эркинлигини кафолатлайди²⁵. Кувайт Конституциясига биноан, эътиқод эркинлиги мутлақ бўлиб, давлат динга эътиқод қилиш ҳуқуқини қарор топган анъаналарга мувофиқ ижтимоий сиёсат ва ахлоққа зид бўлмаслик шарти билан беради²⁶.

Кўпчилик ислом давлатлари конституциясида **ҳар бир инсон ва фуқаронинг шахсий дахлсизлиги, ҳеч кимнинг қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жиноят содир этганликда айбланётган ҳар бир шахснинг иши судда қонунда белгиланган тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар яратилиши, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шafқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи жисмоний ва руҳий тазйикка дучор этилиши мумкин эмаслиги** қайд этилган.

Иордания Конституциясининг 7- ва 8-моддаларига асосан, мамлакат фуқароларининг шахсий эркинлиги кафолатланади, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, озодликдан маҳрум қилиниши ёки унинг эркинлиги чекланиши мумкин эмас. Ушлаб турилган, ҳибсга олинган, қамоққа олинган ёки эркинлиги чекланган ҳар бир шахсга инсон қадр-қимматини сақлайдиган тарзда муомала қилиниши керак. Шахс ҳеч қандай тарзда қийноққа солинмаслиги керак, жисмоний ёки маънавий зарар етказилиши мумкин эмас. Ҳар қандай қийноқлар, зарар етказиш ёки таҳдид остида берилган ҳар қандай кўрсатма ҳақиқий эмас.

Саудия Арабистони Асосий Низомининг 36-моддасига кўра, ҳар қандай ҳаракатларни чеклаш, ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш фақат қонунда белгиланган ҳолатлар асосида амалга оширилади.

Тунис Конституциясининг 27-, 29- ва 30-моддалари бўйича, жиноят содир этганликда айбланувчи шахс адолатли суд мажлисида айби исботланмагунча айбсиз ҳисобланади. Ишни судда кўриш жараёнида айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиши учун зарур бўлган барча кафолатлар берилади. Агар шахс жиноят содир этилган жойда ёки суд қарорига биноан ушланса, ҳибсга олинниши мумкин. Унга ҳуқуқлари, ҳибсга олинниши сабаблари тушунтирилиши керак. Жиноят содир этганликда гумонланувчи ҳибсга олинган пайтдан бошлаб адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳибсга олиш тартиби ва ҳибсда сақлаш муддатлари қонун билан белгиланади. Ҳар бир маҳбус ўз қадр-қимматини сақлайдиган инсонпарварлик талабларига жавоб берадиган шароитда ҳибсда (қамоқда) сақланиш ҳуқуқига эга. Озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукми ижро этиш жараёнида давлат оила манфаатларини ҳисобга олиши ва маҳкумнинг реабилитация қилиниши ҳамда жамиятга қўшилиши, тўғри йўлга кириши чораларини кўриши керак.

Миср Конституциясининг 55-моддасига биноан, жиноят содир этилган жойда ушланган фуқа-

²⁰ Қаранг: Индонезия Конституцияси: 28- ва 29-моддалар / https://www.constituteproject.org/constitution/Indonesia_2002.pdf.

²¹ Қаранг: Ливан Конституцияси: 9-модда / <http://www.presidency.gov.lb/English/LebaneseSystem/Documents/Lebanese%20Constitution.pdf>.

²² Қаранг: Миср Конституцияси: 64-модда / <https://www.sis.gov.eg/newvr/theconstitution.pdf>.

²³ Қаранг: Индонезия Конституцияси: 29-модда / https://www.constituteproject.org/constitution/Indonesia_2002.pdf.

²⁴ Қаранг: Сурия Конституцияси: 42-модда / https://sana.sy/en/?page_id=1489.

²⁵ Қаранг: Марокаш Конституцияси: 4-модда / <https://www.maroc.ma/en/content/constitution>.

²⁶ Қаранг: Кувайт Конституцияси: 35-модда / <https://www.kna.kw>.

роларни (шахсларни) ҳибсга олиш тўғрисида буйруқ берилиши, улар ҳибсга олинishi ёки уларнинг эркинлиги чекланиши мумкин. Тергов суднинг асослангирилган қарори асосида амалга оширилади. Эркинлиги чекланган барча шахслар ҳибсга олинishi сабаблари ва ҳуқуқлари тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиниши, уларга дарҳол оиласи ва адвокати билан боғланиш имконияти яратилиши ҳамда 24 соат ичида тергов органига топширилиши керак. Жиноят содир этишда гумонланаётган шахсни сўроқ қилиш фақат адвокат иштирокида амалга оширилиши мумкин. Агар унинг адвокати бўлмаса, уни тайинлаш керак.

Ҳибсга олинган ёки эркинлиги чекланган шахслар ўзларининг кадр-қимматини сақлайдиган муомала қилиниши ҳуқуқига эга. Уларни қийнаш ёки мажбурлаш, уларга жисмоний ёки руҳий зарар етказиш мумкин эмас. Улар инсонпарварлик ва тиббиёт талабларига жавоб берадиган махсус белгиланган ҳибсхоналарда сақланиши керак. Юқоридаги қоидаларнинг бузилиши қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради. Сукут сақлаш айбланувчининг ҳуқуқи. Унга босим ўтказиш мумкин эмас, ҳар қандай босим остида берилган кўрсатма ҳақиқий ҳисобланмайди.

Яман Конституциясининг 47-моддасида давлат фуқароларнинг шахсий эркинлигини кафолатлаши, уларнинг кадр-қиммати ва хавфсизлигини муҳофаза қилиши белгилаб қўйилган.

Ливан Конституциясининг 8-моддасига кўра, шахснинг эркинлиги кафолатланади ва муҳофаза қилинади. Ҳеч ким қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари ҳибсга олинishi ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Баҳрайн Конституциясининг 19-моддасида таъкидланишича, шахсий эркинлик қонун билан кафолатланади. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва назоратисиз ҳибсга олинishi, ушлаб турилиши, қамоқда сақланиши, тинтув қилиниши мумкин эмас. Ҳеч ким суд йўриқномаларида кўрсатилган жойлардан бошқа жойларда ушлаб турилиши ёки қамоқда сақлаб турилиши мумкин эмас. Бу жойлар устидан соғлиқни сақлаш муассасалари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, суд ҳокимияти органлари назорати ўрнатилади. Ҳеч ким қийноққа солинishi, унга зўравонлик ишлатилиши, инсоний кадр-қимматини камситувчи муомалада бўлиши ёки жазоланиши мумкин эмас. Гумонланувчига

(айбланувчига) қийноқ усуллари қўллаш ёки кўрқитиш орқали олинган кўрсатмалар ва унинг иқрор бўлиши ҳеч қандай қонуний қучга эга эмас. Жазо чоралари фақат амалда бўлган қонунлар асосида индивидуал бўлиши шарт. Суд муҳокамасида айби исботланмагунча ҳеч ким айбдор ҳисобланмайди. Айбланувчи суд жараёнининг барча босқичларида ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Айбланувчига жисмоний ёки ахлоқий зарар етказиш тақиқланади. Жиноят содир этганлиги учун ушланган, айбланаётган ҳар бир шахс адвокат ёрдамидан ўз розилиги билан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким иши судда кўрилиши ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Қувайт Конституциясининг 30-моддасига биноан, шахсий эркинлик кафолатланади. Қонунга асосланмасдан ҳеч ким ҳибсга олинishi, ушлаб турилиши мумкин эмас. Айби судда аниқланмаган, исботланмаган шахс айбсиз ҳисобланади. Бундай шахснинг ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Айбланувчининг жисмоний ва ахлоқий ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

Покистон Конституцияси бўйича, ҳеч ким қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳибсга олинган ҳеч бир шахс ҳибсга олинishi сабаблари ҳақида қисқа муддатда хабардор қилинмасдан қамоқда сақланиши мумкин эмас. Ҳибсда сақланаётган шахснинг маслаҳат олиш ва малакали адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини рад этиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир ҳибсга олинган ва қамоқда сақланаётган шахс ҳибсга олинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида судга олиб борилиши керак, бунга йўлга кетган вақт кирмайди. Ҳеч ким тегишли суднинг қарорисиз қонунда белгиланган вақтдан ортиқ ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳар ким ўзининг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини, унга нисбатан қўзғатилган иш бўйича қандай жиноят содир этишда айбланаётганини аниқлаш учун ўз ишининг адолатли суд муҳокамасида ва тегишли ҳуқуқий қоидалар асосида кўриб чиқишларини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким гувоҳлик кўрсатмаларини олиш учун қийноққа солинishi мумкин эмас²⁷.

Уммон Конституциясига кўра, шахсий эркинлик қонун билан кафолатланади. Ҳибсга олиш,

²⁷ Қаранг: Покистон Конституцияси: 9-, 10-, 10А-, 13- ва 14-моддалар // <https://worldconstitutions.ru/?p=34>.

тинтув ўтказиш, ушлаб туриш, турма қамоғига олиш, мажбурлаб бир жойдан бошқа жойга кўчириш, турар жой танлаш ёки ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш фақат қонунга биноан амалга оширилиши мумкин. Ҳибсга олинганларни ва қамоқдагиларни фақат турма қамоғи ҳақидаги қонунга биноан тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш учун шароит яратилган жойларда сақлаш мумкин. Инсонни жисмоний ва руҳий қийноққа солиш тақиқланади. Бундай қилмишларни содир этган шахслар қонунга биноан жавобгарликка тортилади. Қийноққа солиш, алдаш, таҳқирлаш, кўрқитиш билан олинган кўрсатмалар ёки айбга иқрор бўлиш ҳақиқий ҳисобланмайди ва шахсни жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Айби суд муҳокамасида кўриб чиқилиб исботланмагунча ҳеч ким айбдор ҳисобланмайди. Айбланувчининг қонунга мувофиқ ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиши кафолатланади. Айбланувчига жисмоний ёки руҳий зарар етказиш тақиқланади²⁸.

Эрон Ислом Республикаси Конституциясига асосан, ҳеч ким қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари ва суднинг қарорисиз ҳибсга олиниши мумкин эмас. Ҳибсга олинган шахс дарҳол унга қўйилаётган айбловнинг сабаблари ва мазмун-моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиниши, 24 соат ичида ваколатли адлия органига олиб борилиши ва имкон борида тезроқ унинг ишини кўрувчи суд жараёни бошланиши лозим. Юқоридаги қоидаларга риоя қилмаслик қонунга биноан жавобгарликни келтириб чиқаради. Ҳар ким адолат талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон тегишли ваколатга эга судга мурожаат қилишга ҳақли ва бунга тўсқинлик қилиш мумкин эмас. Айбсизлик презумпцияси қонун билан кафолатланади. Ҳеч кимнинг айби ваколатли судда исботланмагунча айбдор ҳисобланмайди. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни айбни тан олишга мажбурлаб ёки ундан айблов учун маълумот олиш учун унга ҳар қандай жисмоний қийноқларни қўллаш тақиқланади.

Шунингдек, гумонланувчини қасам ичишга мажбурлаш ҳам ман этилади. Юқоридаги усуллар билан гумонланувчини айблаш қонунда белгилан-

ган жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳибсга олинган, қамоқда сақланаётган ёки сургун қилинган шахснинг шаъни ёки кадр-қимматини камситиш мумкин эмас. Бундай қилмишни содир этиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади²⁹.

Юқорида баён этилганларга умумий хулоса ясашдан олдин шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, айрим ислом давлатларининг конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ислом шарияти доирасида кафолатланиши ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳақидаги қоидалар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Эрон Ислом Республикаси Конституциясига биноан эронликлар ислом меъёрларига риоя қилган ҳолда барча инсоний, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар.

Давлат ислом меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, хотин-қизларнинг барча соҳалардаги ҳуқуқларини кафолатлайди, шунингдек, аёл шахсининг камол топиши, унинг моддий ва маънавий соҳалардаги ҳуқуқларининг тикланиши учун шароит яратади. Аёл-оналарга, айниқса, ҳомиладорлик ва болани кўкрак сути билан боқиш даврида ғамхўрлик қилади ва уларни қўллаб-қувватлайди. Қаровсиз болаларга ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олади. Оиланинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қиладиган ваколатли судни ташкил қилади. Бева аёллар, кекса аёллар, ёлғиз аёллар учун махсус суғурта фондлари ташкил қилади. Болаларни кўкрак сути бериб боқадиган қонуний оналари бўлмаганда, уларнинг ёрқин келажагини таъминлашга муносиб бўлган аёл – ҳомийларга бундай вазифани адо этишни топширади. Ислом динининг асосларига ёки жамият ҳуқуқларига зарар етказмаса, матбуот эркинлиги ва маълумотларни эълон қилиш кафолатланади³⁰. Саудия Арабистони Асосий Низомининг 26-моддасига кўра, давлат ислом шариятига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ислом давлатлари конституцияларида инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини белгиловчи нормаларга алоҳида ўрин ажратилган.

²⁸ Қаранг: Уммон Конституцияси: 18-19-моддалар / <https://mjla.gov.om>.

²⁹ Қаранг: Эрон Ислом Республикасининг Конституцияси: 32-, 33-, 34-, 37-, 38-, 39-моддалар // <https://www.shora-gc.ir/en/news/87/constitution-of-the-islamic-republic-of-iran-full-text>.

³⁰ Қаранг: Эрон Ислом Республикасининг Конституцияси: 20-, 21- ва 24-моддалар // <https://www.shora-gc.ir/en/news/87/constitution-of-the-islamic-republic-of-iran-full-text>.

Мазкур нормалар ўз мазмун-моҳиятига кўра инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги нормалар билан, асосан, ҳамоҳанг ва демократик мазмундаги ғояларни ўзида мужассамлаштирган. Шунинг билан бир қаторда, ўттизга яқин ислом давлатлари конституциясида исломнинг давлат дини ва Қуръони карим ҳамда Муҳаммад (с.а.в.) суннатлари ёки шариат қонунлари ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида эътироф этилиши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми, шу жумладан уларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига маълум бир таъсир кўрсатганлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бундан ташқари, ислом давлатлари конституциясининг инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги нормаларининг таҳлили шундан далолат берадики, уларга ривожланган демократик давлатлар конституцияларининг ушбу масалаларга оид нормаларининг таъсири ҳам сезиларли.

Ислом давлатлари конституциясидаги инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормалар асос ва таянч нормалар бўлиб, улар ушбу давлатларнинг ҳуқуқ соҳалари бўйича қабул қилинган кодекслари, қонунлари ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида аниқлаштирилган, батафсил баён қилинган, ривожлантирилган ва мазмунан бойитилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда ислом давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг узок ўтмишга бориб тақаладиган тарихини, ҳозирги даврда бу муносабатлар халқаро ва минтақавий ташкилот-

лар ҳамда икки томонлама алоқалар доирасида йил сайин ривожланиб бораётганлигини, Ўзбекистон билан ислом давлатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, илм-фан, ҳуқуқий ёрдам, туризм каби соҳаларда ҳамкорлик қарор топганлиги, уларнинг мазмунан бойиб бораётганлигини ҳисобга олиб, **қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарурати бор деб ҳисоблаймиз:**

- Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган ислом давлатлари конституциялари, кодекслари ва қонунларини ўзбек тилига таржима қилиб, тўплам шаклида нашр этиш;

- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий нормаларни ислом давлатлари қонунчилигига имплементация қилиш – мувофиқлаштириш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ва ислом давлатлари ўртасида тузилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига алоқадор шартномаларни тўплаш, тизимлаштириш ва ўзбек тилида нашр этиш;

- Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид норматив ва тавсиявий характерга эга ҳужжатларни ўзбек тилига таржима қилиб чоп этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ва ислом давлатларининг қонунчилиги бўйича инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари мавзуларида қиёсий илмий изланишларни амалга ошириш.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ИТТИФОҚНИНГ “НОРМАТИВ ҚУДРАТИ”

Doi: 10.54952/DHR.2022.91.26.060



Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг Давлат ва ҳуқуқ
институти илмий ходими,
юримдик фанлар номзоди

Аннотация. Ушбу мақолада Европа Иттифоқи ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари, институционал тизими ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан Европа Иттифоқи “норматив қудрати”нинг асосий моҳияти, воситалари ҳамда намоён бўлиш шакллари тадқиқ этилган. Муаллифнинг фикрига кўра, Европа Иттифоқининг “норматив қудрати” унинг “юмшоқ қудрати”ни тўлдиради ҳамда халқаро муносабатлар тизими ва жаҳон сиёсатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Калит сўзлар: Европа Иттифоқи, ташқи сиёсат, “қаттиқ қудрат”, “юмшоқ қудрат”, “норматив қудрат”, халқаро шартнома, халқаро ташкилот, ҳуқуқий таъсир.

Abstract. This article analyzes the legal framework, institutional system and specific features of the EU foreign policy. The author explores the essence, means and manifestations of the “normative power” of the European Union. According to the author, the “normative power” of the European Union complements its “soft power” and serves to strengthen its position in the system of international relations and world politics.

Key words: European Union, foreign policy, “hard power”, “soft power”, “normative power”, international treaties, international organizations, legal influence.

Аннотация. В статье анализируются правовая база, институциональная система и особенности внешней политики Европейского Союза. Автор исследует сущность, средства и проявления «нормативной власти» ЕС. По мнению автора, «нормативная сила» Евросоюза дополняет его «мягкую силу» и служит укреплению его позиций в системе международных отношений и мировой политики.

Ключевые слова: Европейский Союз, внешняя политика, «жесткая сила», «мягкая сила», «нормативная сила», международные договоры, международные организации, правовое воздействие.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти ва фаол иштирокчисидир. Айниқса, 2007 йилда қабул қилинган **Лиссабон шартномаси**¹дан

сўнг Иттифоқ халқаро-ҳуқуқий лаёқатга эга бўлди ва жаҳон саҳнасида унинг нуфузи янада ортди.

Европа Иттифоқи халқаро майдонда ўз ўрнига эга. У халқаро шартномаларга оид музокаралар

¹ Лиссабон шартномасининг расмий номи “Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома ва Европа ҳамжамияти тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги шартнома”дир (Treaty of Lisbon amending the Treaty on European Union and the Treaty establishing the European Community / Treaty on European Union (TEU) & Treaty on the Functioning of the European Union (TFEU)). Матн учун қаранг: <http://eur-lex.europa.eu> – JO C 83 of 30.03.2010: Consolidated versions of the Treaty on European Union and the Treaty on the Functioning of the European Union.

олиб боради, уларни имзолайди, халқаро ташкилотларда тўлақонли аъзо сифатида фаолият кўрсатади, учинчи давлатлар ва халқаро ташкилотларда ўзининг ваколатхоналарини таъсис этади ҳамда хорижий дипломатик ваколатхоналарни аккредитациядан ўтказиши.

Европа Иттифоқининг ташқи савдога оид барча шартномалари бўйича музокаралар олиб бориш ва уларни имзолаш ишлари билан аъзо давлатлар эмас, балки **Европа Комиссияси** шуғулланади. Мисол учун, Европа Комиссияси Европа Иттифоқи Вазирлар кенгашига бирор-бир музокара режасини маъқуллашни сўраб таклиф киритади. Кенгаш музокара режасини маъқуллаши биланок, Комиссия музокаралар жараёнини бошлаб юборади. Бу музокаралар доирасидан чиқиб кетиш учун ҳам Европа Комиссиясига Европа Иттифоқи Вазирлар кенгашининг рухсати лозим бўлади. Шартнома музокаралари якунлангач, шартнома Европа Иттифоқи Вазирлар кенгаши томонидан қўпчилик овоз билан расман маъқулланиши керак. Европа Иттифоқининг савдога оид барча халқаро шартномалари мана шундай тартибда қабул қилинади.

Европа Иттифоқи халқаро алоқаларни олиб боришда ўзининг алоҳида ҳуқуқий шахс мақомига эга. Бунинг маъноси шуки, Иттифоқ халқаро муносабатларда мустақил халқаро-ҳуқуқий лаёқатни намоён этади. Европа Иттифоқи тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 47-моддасига мувофиқ, “Иттифоқ ҳуқуқий лаёқатга эгадир”. Халқаро суд амалиёти ишларида (юриспруденция) халқаро ҳуқуқий шахс мақомига эга деб, маълум бир шартнома асосида тузилган ҳамда ўзининг доимий органларига эга бўлган, халқаро миқёсда фаолият юритишда ҳамда ўзининг аъзо давлатлари ва уларнинг фуқароларига нисбатан тўғридан-тўғри ваколатлар билан таъминланган ташкилотларга айтилади².

Европа Иттифоқи худди давлатлар каби муайян ташқи сиёсат органлари тизимига эга. Мазкур тизим Иттифоққа аъзо давлатларнинг айна соҳада фаолият кўрсатадиган миллий тизимларидан мустақилдир. Бироқ шунга қарамай, Иттифоқ ва аъзо давлатлар умумий манфаатлар йўлида ўзаро ишонч ва бирдамлик тамойиллари асосида уйғунлашган ташқи сиёсат олиб боришга ҳаракат қила-

ди. Учинчи мамлакатларда дипломатик фаолият кўрсатаётган Иттифоқ ваколатхоналари ва аъзо давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари биргаликда Европа дипломатик корпусини ташкил этади.

Европа Иттифоқи асосий институтларининг ҳар бири Иттифоқ ташқи сиёсатини белгилашда ва шакллантиришда иштирок этади. Айниқса, давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан 2,5 йилга сайланадиган **Европа Иттифоқи Президенти** ҳамда **Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили**нинг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатлари анча кенг. Охириги пайтларда Европа Парламентининг ҳам бу борадаги ваколатлари кенгайиб бормоқда.

2007 йилда қабул қилинган ва 2009 йилда кучга кирган Лиссабон шартномаси Европа Иттифоқи ташқи алоқаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан ислоҳ қилди. Европа ҳамжамиятининг расман тугатилиши ва унга нисбатан Европа Иттифоқининг халқаро-ҳуқуқий ворислигининг эътироф этилиши мазкур ислохотлар асосини ташкил этади. Европа Иттифоқининг халқаро-ҳуқуқий лаёқати ҳамда халқаро муносабатлардаги ташқи ваколатлари Лиссабон шартномасида аниқ-равшан баён этилди. Мазкур ўзгартиришларнинг барчаси Европа Иттифоқининг халқаро майдондаги таъсирини ва мавқеини янада кучайтириш мақсадини кўзлайди.

Европа Иттифоқи тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 2 та бобдан иборат V бўлими (*“Иттифоқнинг ташқи фаолиятига оид умумий қоидалари ҳамда ташқи сиёсат ва умумий хавфсизликка тегишли махсус қоидалар”*, 21 – 46-моддалар) ҳамда Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 7 та бўлимдан иборат V қисми (*“Иттифоқнинг ташқи фаолияти”*, 205 – 222-моддалар) бевосита ташқи алоқаларга бағишланади.

Шу тариқа, олдинги таъсис шартномаларидан фарқ қилиб, Лиссабон шартномаси ташқи иқтисодий ва савдо алоқаларига оид меъёрларга шартнома матнида алоҳида жой ажратди ва тизимлаштирди. Ташқи сиёсат ва умумий хавфсизликка тегишли қоидалар ўзаро узвийликда таъсис шартномасидан ўрин олди.

² Халқаро одил суд ҳулосаси билан танишиш учун қаранг: Avis CJ, 1949, aff. Compte Bernadote, relative à certains dommages subis au service des Nations Unis, Rec. (1949). – P. 179.

Бироқ Европа Иттифоқи жаҳон сиёсатида ҳақиқий маънодаги тўлақонли қудрат соҳиби эмас. Иттифоқ сиёсий ва ҳарбий куч ишлатиш имкониятларини назарда тутувчи “қаттиқ қудрат” (*hard power*) воситалари ва захираларидан мосуво этилган. Иттифоқ халқаро алоқаларда бир овоз бўлиб, ягона куч сифатида фаолият кўрсатиш учун бир қатор муаммоларни ҳал этишига тўғри келади.

Биринчидан, аъзо давлатлар орасида ташқи сиёсатнинг яқдил концепцияси ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир аъзо давлат миллий манфаатлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзининг узоқ ва қисқа муддатли ташқи сиёсий йўналишларини белгилаш ҳуқуқига эга. Албатта, аъзо давлатларнинг ташқи сиёсати Иттифоқ ва халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари негизида қурилади. Умумий манфаатларнинг туташ ҳалқалари мавжудлиги ҳам инкор этилмайди. Лекин умумий ташқи иқтисодий, айниқса, сиёсий фаолиятнинг қарор топмоғи учун ички сиёсий яхлитлик ҳам зарурдек туюлади. Зеро, ташқи сиёсат ички сиёсатнинг халқаро миқёсдаги давомидир. Демак, ташқи сиёсатнинг муштараклашуви келажакда Иттифоқ интеграциясининг янада чуқурлашуви билан кафолатланиши мумкин, холос.

Иккинчидан, Европа Иттифоқи ташқи сиёсатида ягона институционал тизим тўлиқ шаклланмаган. Унинг ташқи сиёсати, бир томондан, Иттифоқ, иккинчи томондан, аъзо давлатлар томонидан олиб борилади. Турли-туман ваколатлар билан таъминланган кўп сонли тузилмалар орасида институционал яхлитлик ва уйғунлик етишмайди. Учинчи давлатларга нисбатан муносабатларга оид қарорлар қабул қилиш жараёни мураккаблигича қолмоқда.

Европа Иттифоқи ташқи сиёсатининг муваффақияти мана шу муаммоларнинг қандай тарзда ҳал этилишига боғлиқ. Европа Иттифоқи учун ягона Конституция лойиҳаси³ институционал муаммоларга ечим сифатида Европа Иттифоқи Ташқи ишлар вазири лавозимини таъсис этишни таклиф этган эди. Бу истиқболдаги катта ижобий қадам сифатида баҳоланиши мумкин эди. Бироқ

реал воқеликдан келиб чиққан ҳолда Лиссабон шартномаси унинг ўрнига Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили лавозимини таъсис этди. Европа Кенгашининг 2010 йил 26 июлдаги қарори билан ташкил этилган Европа ташқи фаолият хизмати Европа Иттифоқи Вазирлар кенгаши ва Комиссиянинг тегишли бўлинмалари ходимлари ҳамда аъзо давлатларнинг дипломатик хизматидан олинган ходимлардан иборат таркибда фаолият юритади. Мазкур хизмат Европа Иттифоқининг “ташқи ишлар идораси” ёки “дипломатик корпуси” деб ҳам аталади. Бу эса Европа Иттифоқи Ташқи ишлар вазирлиги дегани эмас, балки вазирликка ўхшаш тузилманинг эндигина шаклланаётганидан дарак беради.

Учинчидан, халқаро майдонда кучли сиёсий кучга айланиш ва самарали ташқи сиёсат юритиш учун аъзо давлатлар ўзаро ишонч ва садоқат тамойиллари асосида умумий ҳамжиҳатлик руҳини қарор топтириши зарур бўлади. Европа Иттифоқи тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 3- ва 42-моддаси, Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 67-, 122-, 194- ва 222-моддаси аъзо давлатлар ўртасидаги бирдамлик тамойили (*Principle of solidarity*) учун ҳуқуқий асосни яратиб берди. Эндиликда бирор аъзо давлат ўз ҳудудида қуролли агрессияга дучор бўлса, террорчилик ҳужумига гирифтор бўлса ёхуд инсоний ёки табиий офат қурбонига айланса, маҳсулотлар танқислиги, айниқса, энергетика соҳасида тақчиллик юзага келган ҳолатларда Иттифоқ ва унинг аъзо давлатлари бирдамлик руҳи остида биргаликда ҳаракат қилади. Мушкул вазиятдан чиқиш учун Иттифоқ ўзининг ҳамда ўз ихтиёрига топширилган аъзо давлатларнинг барча, жумладан, ҳарбий воситаларини сафарбар этади. Буларнинг барчаси Европа Иттифоқи тақдирига дахлдор олижаноб ғоялар бўлса-да, амалда ўз исботини топиб улгургани йўқ.

Тўртинчидан, иқтисодий ва савдо алоқаларидан фарқ қилиб, Европа Иттифоқининг ташқи сиёсий фаолияти ва хавфсизлик сиёсатини ҳуқуқий тартибга солувчи механизмлар ҳали тўлиқ шакл-

³ Европа учун ягона Конституция таъсис этувчи шартнома лойиҳаси 2004 йилнинг 29 октябрида аъзо давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан имзолангач, 2004 йил 16 декабрда расмий Ахборотномада эълон қилинди: Treaty establishing a Constitution for Europe: <http://eur-lex.europa.eu> – Official Journal C 310 of 16 December 2004). Конституция лойиҳаси 2005 йил 29 майда Францияда ўтказилган умумхалқ референдумида – 54,7 фоиз овоз билан, 2005 йил 1 июлда Нидерландияда ўтказилган референдумда – 61,6 фоиз овоз билан рад этилган. Шунга қарамай, мазкур лойиҳа 2006 йил охирига қадар Иттифоқнинг 18 та аъзо давлати томонидан ратификация қилинган эди.

ланмаган. Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва умумий хавфсизлик сиёсати соҳасида қабул қилинаётган ҳужжатларининг аксариятини юридик кучга эга бўлмаган сиёсий қарорлар ташкил этади. Вазирлар кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорлар эса, асосан, умумий яқдил овоз асосида қабул қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Европа Иттифоқи суди ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати доирасида қабул қилинаётган ҳужжатларнинг юрисдикциявийлигини назорат қилмайди. Одил суд жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан қўлланилаётган санкцияларнинг қонунийлиги устидангина ҳуқуқий назоратни олиб бориши мумкин, холос.

Европа Иттифоқи ташқи алоқалари шакл ва мазмун нуктаи назаридан мураккаб таркибга эга. Унинг ташқи фаолиятида Иттифоқ ва аъзо давлатлар орасидаги ваколатлар тақсимооти муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таъсис шартномаларида яққол қоида мавжуд бўлмаса-да, умумэтироф этилган қуйидаги қоидага риоя этилади: ички сиёсатдаги ваколатлар чегараси Иттифоқ ва аъзо давлатларнинг ташқи сиёсатига ҳам бирдек татбиқ этилади.

Умумлаштириб айтганда, Европа Иттифоқининг ташқи алоқалари давлатларнинг ёки халқаро ташкилотларнинг халқаро алоқаларидан фарқ қилади. Айни пайтда, Иттифоқнинг ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари ўзининг самарадорлиги, легитимлиги, қамрови ва бошқа хусусиятлари билан ташқи сиёсий алоқалардан ажралиб туради. Ташқи сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик масалаларини ўзида мужассам этган ягона ташқи алоқалар тизими эса эндигина шаклланиб келмоқда.

Охирги ўн йилликларда илмий давраларда халқаро муносабатлардаги “норматив қудрат” (*normative power*), хусусан, Европа Иттифоқининг “норматив қудрати”⁴ хусусида баҳс-мунозаралар авж олди. Мазкур атаманинг ижтимоий фанлар нуктаи назаридан талқини хилма-хил бўлса-да, уни содда қилиб “ҳуқуқ нормалари орқали таъсир кўрсатиш воситалари тизими” сифатида таърифлаш мумкин.

Европа Иттифоқининг “норматив қудрати”ни қуйидагича талқин қилиш мумкин: Иттифоқнинг ўзи қўшилган халқаро шартномаларни учинчи давлатларга таклиф қилиши, учинчи давлатларни ушбу халқаро келишувларга жалб этиши ёки ўзининг ҳуқуқий тамойилларини бошқаларга тарғиб қилиши, ёйиши, қонунчиликни яқинлаштириш ёки уйғунлаштириш орқали ўз қадриятларини ҳуқуқ нормалари шаклида бошқа давлат ва ҳудудларга сингдириши, ўз ортидан эргаштириши ва уларга ҳуқуқий таъсир ўтказишига қаратилган комплекс усуллар ва воситалар мажмуасидир.

Иттифоқ учинчи мамлакатларга савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда имтиёзлар таклиф этар экан, эвазига уларнинг турли соҳалардаги халқаро шартнома ва келишувларга қўшилишини ва тегишли мажбуриятларни бажаришини талаб қилади. Ёки Иттифоқ аъзолигига даъвогар мамлакатларга Европа Иттифоқи “орттирма ҳуқуқи”ни қабул қилиш ҳамда миллий қонунчиликни Иттифоқ қонунчилигига мослаштириш шартин қўйилади. Бу аъзоликнинг қатъий талабидир.

Биринчи ҳолатга мисол сифатида, Европа Иттифоқининг Имтиёзларнинг умумлаштирилган тизими (*Generalised Scheme of Preferences (“GSP”)*) ва қўшимча имтиёзлар тизимининг (*“GSP+”*) амалга татбиқ этилишини келтириш мумкин.

Европа Иттифоқи 1971 йилдан бери ривожланаётган мамлакатлар учун ўзаро савдо муносабатларида тарифли ва тарифсиз имтиёзлар тақдим этиб келади. Савдо имтиёзлари Иттифоқнинг умумий савдо сиёсати доирасида берилади. **Барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув учун махсус рағбатлантириш тизими** (*Special Incentive Arrangement for Sustainable Development and Good Governance*) доирасида тарифли имтиёзларнинг умумлаштирилган тизими (*Generalised Scheme of Preferences (“GSP”)*) ва қўшимча имтиёзлар тизими (*“GSP+”*) Европа Иттифоқи ташқи савдо алоқаларининг энг муҳим воситаларидир.

Ривожланаётган мамлакатларга Имтиёзларнинг умумлаштирилган тизими (*“GSP”*) доирасидаги тарифли имтиёзларни тақдим этиш жа-

⁴ Қаранг: Ian Manners. May, 2009. The Concept of Normative Power in World Politics Ian Manners: https://pure.diis.dk/ws/files/68745/B09_maj_Concept_Normative_Power_World_Politics.pdf; Daniel Hardwick. Is the EU a Normative Power? SEP 3 2011: <https://www.eir.info/2011/09/03/is-the-eu-a-normative-power/>; Holger Janusch. Normative power and the logic of arguing Cooperation and Conflict. Vol. 51, No. 4 (December 2016), pp. 504-521 (18 pages), Published By: Sage Publications, Inc.: <https://www.jstor.org/stable/48512919>; Normative Power Europe in a Changing World: A Discussion / A. Gerrits (ed.), L. Aggestam, I. Manners, T. Romanova, A. Toje, Y. Wang – The Hague, Netherlands Institute of International Relations Clingendael. Clingendael European Papers No. 5: https://www.clingendael.org/sites/default/files/pdfs/20091200_cesp_paper_gerrits.pdf.

раёни Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг махсус регламентига асосан тартибга солинади. Ривожланаётган мамлакатларга тақдим этиладиган тарифли савдо имтиёзлари ва қўшимча имтиёзларни қўлга киритишнинг бир қанча талаблари ишлаб чиқилган. Мазкур талаблар “Тарифли имтиёзларнинг умумлаштирилган тизимини амалга татиқ этиш бўйича (ва Кенгашининг 732/2008-сонли регламентини бекор қилувчи)⁵ Европа Парламенти ва Кенгашининг 2012 йил 25 октябрдаги 978/2012-сонли Регламенти”нинг⁶ 9 (1)-моддасида баён этилган.

Ушбу регламент талабларига асосан, “GSP+” тизими доирасидаги имтиёзларни қўлга киритиш бир нечта шартлар асосида амалга оширилади. Унинг асосий шартларидан бири бу – талабгор мамлакат томонидан регламентнинг VIII иловасида кўзда тутилган 27 та халқаро конвенция (7 таси – инсон ҳуқуқлари, 8 таси – меҳнат стандартлари, 8 таси – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, 4 таси – самарали давлат бошқаруви ва гиёҳвандликка қарши кураш соҳасида) ратификация қилиниши ва улар доирасидаги мажбуриятларнинг самарали бажарилиши ҳисобланади. Бенефициар мамлакат айни пайтда инсон ва меҳнат ҳуқуқлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув бўйича асосий халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, шунингдек, уларни тўлиқ амалга оширишга оид мажбурият ва масъулиятни ўз зиммасига олиши шарт. “GSP” регламенти тарифли имтиёзлардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятларини доимий кузатиб боришни назарда тутаяди, яъни у Европа Иттифоқининг мониторинг тизимини ўрнатади.

Регламентнинг 9-моддасига кўра бенефициар давлат VIII иловада кўзда тутилган конвенцияларнинг самарали ижросини таъминлаш бўйича зарур юридик чоралар кўриши, ҳар бир конвенция дои-

расида ўрнатилган ҳисоботларни етказиб бериши, ҳар бир конвенция ижроси бўйича мониторинг ўтказилишини таъминлаш ва уларнинг натижалари бўйича тавсияларни бажариши ҳамда Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан мустақил тарзда олиб бориладиган мониторинг жараёнида у билан ҳамкорлик қилиши лозим. Мониторинг натижалари қониқарсиз деб топилганда имтиёзлар вақтинчалик ёки батамом тўхтатилиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси юқорида қайд этилган 27 та халқаро конвенцияни ратификация қилиб, уларни тўлиқ имплементация қилиш мажбуриятини олгандан сўнггина 2021 йил 9 апрелдан тарифли қўшимча имтиёзларга (GSP+) эга бўлди.

Европа Иттифоқининг “норматив қудрати” Марказий Осиё бўйича стратегияларида ҳам ўз аксини топган. 2007 йилда қабул қилинган биринчи стратегия⁷да Марказий Осиё республикалари қўшилиши ёки рўя этиши тавсия этилган **7 та халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар**, шу жумладан БМТнинг Минг йиллик мақсадлари, БМТнинг Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияси (1992), Қурғоқчиликка қарши кураш конвенцияси (1994), Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000), 1992 йилдаги Иқлим ўзгаришларига оид БМТ конвенциясининг Киото протоколи (1997), Каспий денгизининг денгиз муҳитини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (2003) ва Халқаро жиноят судининг Рим статутини (1998) қайд этиб ўтилади. Шунингдек, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё республикалари билан тузган Шерикчилик ва ҳамкорлик битимлари (1997) ҳамда Ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумлари (1992-1993) тилга олинади. Шу билан бирга, Европа энергетика хартияси (1991) ва Европа энергетика сиёсати учун ҳаракатлар дастури (2007) каби ҳужжатлар эслаб ўтилади.

⁵ Бунинг ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, Кенгашининг 732/2008-сонли регламенти билан ўрнатилган тартибга мувофиқ имтиёзлар тақдим этилган мамлакатлар учун имтиёзлар ўз кучини йўқотади. Бенефициар мамлакатларнинг имтиёзлар учун аризалари қайта расмийлаштирилиши талаб этилади.

⁶ Қаранг: Regulation (EU) No 978/2012 of the European Parliament and of the Council of 25 October 2012 applying a scheme of generalised tariff preferences and repealing Council Regulation (EC) No 732/2008// Official Journal of the European Union L 303/1 of 31.10.2012, p. 1–82: <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX:32012R0978#d1e32-60-1>.

⁷ Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича биринчи стратегияси 2007 йилда Европа Иттифоқида Германиянинг раислик даврида (German EU Presidency) қабул қилинган. Мазкур стратегияни ўзида акс эттирган “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шерикчилик учун стратегия” номли ҳужжат лойиҳаси 2007 йил 31 майда Доимий вакиллар қўмитаси (Permanent Representatives Committee) томонидан ишлаб чиқилган ва Европа кенгашининг (European Council) 2007 йил 21-22 июнь кунлари Брюсселда бўлиб ўтган саммитида унинг якуний матни тасдиқланган. Матн учун қаранг: The EU and Central Asia: Strategy for a New Partnership. Council of the European Union, Brussels, 31 May 2007, 10113/07/PESC 655/COEST 179: <http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/07/st10/st10113.en07.pdf>.

Европа Иттифоқининг “норматив кудрати”, айниқса, 2019 йилнинг май-июнь ойларида қабул қилинган **Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси**да янада яққол кўзга ташланади. Европа Парламенти ва Кенгашига Европа Иттифоқи Комиссияси ва Иттифокнинг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили томонидан 2019 йил 15 майда тақдим этилган “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янада кучлироқ шерикчилик учун янги имкониятлар” мавзусидаги Қўшма Коммуникация⁸ ҳамда Ташқи ишлар бўйича Кенгашнинг 2019 йил 17 июнда эълон қилинган ушбу Коммуникацияга доир хулосалари⁹ янги стратегиянинг норматив-формал асосини ташкил этади. Мазкур ҳужжатларда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари ўз аксини топган.

Қўшма Коммуникация ва Кенгаш хулосаларида 22 та халқаро ҳужжатга ҳавола қилинади. Уларнинг 4 таси Европа Иттифоқининг бошқа йўналишдаги стратегик ҳужжатлари бўлиб, янги стратегиянинг таянч асослари сифатида кўрсатиб ўтилади: Европа Иттифоқининг ташқи ва хавфсизлик сиёсати учун Глобал стратегияси¹⁰, Тараққиёт бўйича янги Европа Консенсуси¹¹, Европа ва Осиёни боғлаш бўйича Европа Иттифоқи стратегияси¹² ва Европа Иттифоқининг Афғонистон бўйича¹³ стратегияси.

Янги стратегияда Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиниши ёки уларнинг қўшилиши тавсия қилинган 6 та халқаро конвенция номлари келтирилади: Иқлим ўзгаришлари бўйича Париж битими (2015), Халқаро жиноят судининг Рим статуту (1998), Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатни назорат қилиш, ишчилар

саломатлиги, хавфсизлиги ҳамда меҳнат шароитлари тўғрисидаги конвенциялари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Европа иқтисодий комиссиясининг Сув конвенцияси (*Трансчегаравий очик сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Хельсинки конвенцияси, 1992 йил 17 март*), Каспий денгизининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги битим (2018), ЖСТнинг Давлат харидлари тўғрисидаги битими (1979).

Стратегияда кўзда тутилган мақсадларга эришиш воситаси сифатида **Марказий Осиё республикалари билан тузилган 2 турдаги шартномаларга** алоҳида эътибор қаратилади. Булар Европа Иттифоқининг Марказий Осиё республикалари билан тузилган ва тузилиши режалаштирилган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битимлари ҳамда Қозғистон (2006), Туркменистон (2008) ва Ўзбекистон (2011) билан тузилган энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Меморандумлардир.

Бундан ташқари стратегия ҳужжатларида 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган қуйидаги ҳаракат дастурлари билан боғлиқлик ҳосил қилинган: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари Кун тартиби, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёллар, тинчлик ва хавфсизликка оид дастури, БМТнинг экстремизмнинг олдини олишга қаратилган “йўл харитаси”, Халқаро меҳнат ташкилотининг Адолатли глобаллашув йўлида меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш Кун тартиби, Биохилмаҳилликнинг стратегик режаси ҳамда 2020 йилдан кейинги Глобал биологик хилма-хиллик Иш режаси, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси. Шулар билан бир қаторда Европа Ит-

⁸ Қаранг: Joint Communication to the European Parliament and the Council. The EU and Central Asia: New Opportunities for a Stronger Partnership /Brussels, 15.05.2019 JOIN (2019) 9 final. The text derived from the official source: https://eeas.europa.eu/sites/default/files/joint_communication_-_the_eu_and_central_asia_-_new_opportunities_for_a_stronger_partnership.pdf.

⁹ Қаранг: Council Conclusions on the New Strategy on Central Asia /Official Document of the Council of the European Union/Brussels, 17 June 2019_ (OR. En) 10221/19_COEST 139 (English). Le text derived from the official source: <https://www.consilium.europa.eu/media/39778/st10221-en19.pdf>.

¹⁰ Яқдил ёндашув, биргаликдаги ҳаракат: Янада кучлироқ Европа. Европа Иттифоқининг ташқи ва хавфсизлик сиёсати учун Глобал стратегияси, 2016 йил, июнь (Shared vision, Common Action: A Stronger Europe. A Global Strategy for the European Union's Foreign and Security Policy, June 2016).

¹¹ Тараққиёт бўйича янги Европа Консенсуси, “Бизнинг дунё, бизнинг бойлигимиз, бизнинг келажагимиз”, 2017 йил, июнь (New European Consensus on Development, “Our world, our dignity, our future”, June 2017).

¹² Европа ва Осиёни боғлаш – Европа Иттифоқи стратегияси учун асос – Кенгаш хулосалари, 2018 йил 15 октябрдаги 13097/18-сонли ҳужжат (Connecting Europe and Asia – Building blocks for an EU Strategy – Council conclusions, 13097/18 of 15 October 2018).

¹³ Афғонистон – Кенгаш хулосалари, 2017 йил 16 октябрдаги 13098/17-сонли ҳужжат (Afghanistan – Council conclusions, 13098/17 of 16 October 2017).

тифокининг таълим ва тадқиқотчиликка йўналтирилган “Галилей”, “Горизонт”, “Эразмус+” ва “Мария Склодовская-Кюри” дастурлари ҳам қайд этиб ўтилади.

Европа Иттифоқининг “норматив қудрати” шу билангина чекланмайди. Иттифок ўз мақсадларига эришиш ва янги стратегияни амалга ошириш йўлида юқорида қайд этилган халқаро шартномалар доирасида ва улардан ташқарида 18 та халқаро ва минтақавий ташкилот билан ҳамкорликни кўзда тутди. Булар: БМТ, БМТнинг Таълим, фан ва маданият ташкилоти (*ЮНЕСКО*), Халқаро меҳнат ташкилоти (*ХМТ*), БМТнинг шартномавий тузилмалари, агентликлари ва махсус процедуралари, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Учинчи қўмитаси, Жаҳон савдо ташкилоти (*ЖСТ*), Халқаро божхона ташкилоти, Халқаро молия институтлари, хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (*ИХТТ*), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, Халқаро электротехника комиссияси.

Минтақавий ҳамкор ташкилотлар сифатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (*ЕХХТ*), ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Миллий озчиликлар бўйича Олий комиссари, ОАВ эркинлиги бўйича вакили, Европа Кенгаши, Европа тикланиш ва та-

раққиёт банки (*ЕТТБ*), Европа инвестиция банки (*ЕИБ*), Европа таълим жамғармаси келтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Европа Иттифоқининг “норматив қудрати” унинг халқаро муносабатлар тизимидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Бугунги кунда Европа Иттифоқи жаҳон сиёсатида “қаттиқ”, яъни кучга асосланган ҳарбий ёки бошқа турдаги мажбурловчи қудратга эга эмас. Айни пайтда, унинг “юмшоқ қудрати” ҳам жаҳон сиёсатида қатъий ва етакчи мавқе эгаллаши учун етарли эмас. Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича собиқ Олий вакили Кэтрин Эштон¹⁴ айтганидек: “Европа Иттифоқи дунёда қудратли актёр бўлиши учун “юмшоқ қудрат” воситаларидан кучлироқ воситаларга эга бўлиши керак”. Шу маънода Иттифокнинг “норматив қудрати” унинг “юмшоқ қудрати”ни қисман тўлдиради.

Европа Иттифоқининг “норматив қудрати” турли миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро уйғунлашуви ва интеграциялашувига йўл очиш билан яхлит халқаро-ҳуқуқий тартиботнинг шаклланишига ҳам муҳим ҳисса қўшади. Фақат “норматив қудрат”ни муваффақиятли амалга ошириш учун Иттифок халқаро шартномаларга қўшилиш, уларни имплементация қилиш ва халқаро шартномавий мажбуриятларни бажариш борасида учинчи мамлакатлар учун намуна бўлиши, мақсадга эришишнинг ҳамма учун мақбул тактикаси ва методларини тўғри танлай олиши лозим.

¹⁴ Европа кенгашининг 2009 йил 19 ноябрдаги қарорига кўра, Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича биринчи Олий вакили К. Эштон (Catherine Ashton) 2009 йил 1 декабрдан 2014 йил 31 октябрга қадар фаолият кўрсатди.

МУНАВВАР ҚОРИ — БУЮК ҲУҚУҚШУНОС ВА МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.11.24.061



Мавлуда ЭРГАСHEВА,
юридик фанлар номзоди, доцент

Аннотация. Мақолада буюк маърифатпарвар жадид Мунаввар қори Абдурашидхоннинг ҳуқуқий қарашлари ва элу юрт равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари ёритилган.

Калит сўзлар: Мунаввар қори Абдурашидхон, ҳуқуқ, эркинлик, билим олиш ҳуқуқи, низом, қонунлар, жамият, уюшма.

Abstract. This article highlights the great thinker Munavvar qori Abdurashidkhanov's legal views and his invaluable contribution to the development of the country.

Key words: Munavvar qori Abdurashidkhanov, law, freedom, the rights of getting, knowledge, regulation, society, association.

Аннотация. В статье исследуются правовые воззрения узбекского просветителя и одного из лидеров национально-просветительского движения джадидов Мунаввара қори Абдурашидхана.

Ключевые слова: Мунаввар қори Абдурашидхон, право, свобода, право на обучение, устав, законы, общество, союз.

Халқимизнинг фахру ифтихорига айланган, эзгу ишлари, ёзган асарлари, улкан хизматлари ва беқиёс жасорати билан абадиётга дахлдор бўлган улуг аждодларимиз бисёр. Элу юртимизнинг асл фарзанди, миллат қахрамони, маърифатпарвар аллома — Мунаввар қори Абдурашидхон ана шундай нурли сиймолардан бирidir.

Буюк тараққийпарвар, Ватан ва миллат фидойиси, Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг дарғалари қаторида эътироф этиладиган Мунаввар қори серқирра истеъдод соҳиби бўлган. У беназир ислохотчи ва моҳир ташкилотчи, жонқуяр маорифчи-педагог, қалами ўткир журналист, ношир, нотик, истеъдодли олим, адиб, шоир, тилшунос, ҳуқуқшунос, машҳур жамоат ва сиёсат арбоби эди.

Қомусий билимлар соҳиби Мунаввар қори илмий-амалий фаолиятининг ниҳоятда кенг қамровлилиги билан жадидлар орасида алоҳида нуфузга

эга бўлган. Шунингдек, у миллат ва халқ озодлиги, Ватан мустақиллиги учун курашган.

Халқнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини бойитишга беқиёс ҳисса қўшган Мунаввар қори Абдурашидхон ўз даврида инсоннинг маънавий ва маданий ривожланиши учун зарур бўлган илм олиш ҳуқуқи ва уни қафолатлаш борасида қимматли фикрлар билдирган, долзарб муаммоларни илгари сурган.

Мунаввар қори миллат ва мамлакат тараққиёти учун халқ орасида илм-фанни кенг ёйиш, омманни саводхон ва маърифатли қилиш, диний ва дунёвий билимлардан баҳраманд этиш, ёшларни даврнинг илғор руҳида тарбиялаш зарурлигини теран англаган ва бу борада алоҳида фидойилик билан саъй-ҳаракат қилган. У илмнинг жамият тараққиётидаги ролига ниҳоятда юксак баҳо берар экан, мусулмонларни, туркистонликларни диний

ва дунёвий илмлар, замонавий фан ютуқларидан баҳраманд бўлишга чақирган: “Илм – билмаган нарсаларни билганлардан ўрганмоқдир, – деб ёзади мутафаккир. – Инсон боласи туғилган замонда ҳеч нарсани билмас, ҳатто сўзламоқ, ёзмоқ, яхшини ёмондан, оқни қорадан айирмоқ каби энг керакли нарсалардан маҳрумлик ҳолда дунёга келур, сўнгра оз-оздан ўрганмоқ ила ҳар нарсани билур”¹.

Мунаввар қорининг зикр қилишича, ота-оналар, устоз-у муаллимлар бизга билган илмларимизни ўргатмаган бўлсалар эди, ҳозирда биз ҳам ҳеч нарсани билмас эдик. Шунинг учун инсон болаларига ортиқ лозим бўлган жиҳат – билмаганларини билганлардан сўраб ва ўқиб ўрганмоқ, яъни илм деган азиз ва фойдали неъматни қўлга киритмоқ учун ҳаракат қилмоқдир. Мутафаккир, илм Оллоҳнинг беназир инояти эканини уқтириб, бу тўғрида шундай ёзади: **“Илм одамнинг зехнини очур, ақлини орттирур, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур. Охиратда саодатли ва шарофатли қилур”**².

Мунаввар қори миллатини, халқини ўзлигини теран англашга, ҳуқуқ ва эркинликларини чуқур билишга, илму маърифатли бўлишга даъват этади. Мутафаккир бу борада нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий томондан ҳам алоҳида фидоийлик кўрсатади. Шунингдек, у ўз фаолиятида хотин-қизларнинг эркаклари билан ҳуқуқда ҳам, ҳаётда ҳам тенглигини таъминлашга, уларнинг ҳам илм олиш ҳуқуқига эга бўлишларига катта аҳамият беради. У миллат оналари – хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш зарурлигини уқтиради.

Мунаввар қорининг халқни саводхон ва маърифатли қилиш, мактаб ва мадрасалардаги ўқиш ва ўқитиш ишлари, уларни низом ва қонунлар асосида тартибга солиш, инсон ва фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлаш хусусидаги бой ғоялари алоҳида эътиборга моликдир.

Мунаввар қори мактаб ва мадрасалардаги ўқиш ва ўқитиш ишларини чуқур таҳлил қилар экан, ўша даврда уларнинг нотўғри ва ноқонуний, бетартиб ва бенизом ташкил этилганидан қаттиқ

афсусланади: “Эй қариндошлар, вой миллатдошлар! Кўзимизни ғафлат уйқусидан очиб атрофимизга назар солмакимиз лозимдир. Ҳар миллат ўз саодат ва истиқболнинг муҳофазасига биринчи восита илм эканлигига қаноат ҳосил қилиб, илм ва маорифга ортиқ даражада кўшиш қилган бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик бўлиб ҳамма оламга масҳара ва кулгу бўлмоғимизга ҳеч шубҳа йўқдир”³.

Мунаввар қори ҳуқуқ илмининг зукко билимдони сифатида ўз даврининг кўплаб ижтимоий муаммоларини аёвсиз очиб ташлаган, “Ё Раб мундай ҳам бетартиб ва бенизомлик бўлурму?!” дея дод солган:

*“Фарёд аз замонаи бемехри кажхиром,
Хунрез, жонситон, ғамангез, бенизом”*⁴.

Мазмуни: “Бемехр, эгри ҳаракатланувчи, қон тўқувчи, жонни ҳалок этувчи, ғамга солувчи, бенизом замонадан дод”.

Мунаввар қори Абдурашидхонов дўсти, Туркистон жадиждарининг йирик раҳнамоларидан бўлган муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий билан бирга ўз даврида жаид сиёсий партияларининг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда жонбозлик кўрсатган. Бу улуг сиймолар кўпгина ҳуқуқий нормалар, ҳар томонлама мукамал низом ва дастурларни ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, илғор ғояларни рўёбга чиқаришда яқдил ва маслакдош эдилар. Жумладан, улар жаидларнинг ўша даврдаги “Турк адами марказият фирқаси”нинг (Туркистон федералистлари партиясининг) Маромномаси ва Низомномасини ишлаб чиқиш ҳамда чоп этишда бевосита раҳнамолик қилдилар. Маромноманинг муаллифлари сифатида улар илм-фан, мактаб-маориф масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Туркистон федералистлари партиясининг Маромномаси – Дастури IX бобдан иборат бўлиб, унинг охириги боби “Маориф ишлари”га бағишланган. Аҳамиятига кўра ғоят муҳим бўлган тўққизинчи боб – илм олишда тенг ҳуқуқлилиқ, таълим-тарбия, мактаб-маориф масалаларига доир ўн беш моддани ўз ичига олади.

¹ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Илм / Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – 73-б.

² Ўша жойда.

³ Ўша манбаа. – 145-146-б.

⁴ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан: жаидчилик тарихидан лавҳалар. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 78-б.

Маромноманинг маориф ишларига бағишланган қисмида муаллифларнинг мамлакатда туб маърифий ислохотлар ўтказиш, ҳуқуқий демократик давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсадларини кўрсатиб турувчи моддалар борки, уларни қуйида келтириб ўтамин⁵:

– Таълим олиш ҳуқуқи жинси, миллати ва динидан қатъи назар барчага берилади.

– Маориф тизимини ташкил этиш ишида хусусий ташаббусга ҳам, маҳаллий ҳокимиятлар ташаббусига ҳам, уларнинг чеклашларига ҳам йўл қўйилмайди.

– Мактаб эркинлиги эълон қилиниб, унинг турли босқичлари ўртасида шундай узлуксизлик бўлиши керакки, у қуйидан олий (мактаб)га енгил ўтишни таъминласин.

– Дорилфунун ва бошқа олий мактаблар ички ишларида мустақил ва таълимда эркин бўладилар.

– Олий мактабларнинг халқ орасида илм ва маданият тарқатиш борасидаги ҳаракат ва ташаббусларига монелик қилинмайди.

– Маҳаллий ҳокимиятларнинг таълим ва тарбия хусусидаги ғайрат ва ҳаракатларига қаршилиқ кўрсатилмайди.

– Бошланғич таълим умумий, бепул ва мажбурий бўлмоғи лозимдир.

– Маҳаллий идоралар тарафидан очиладиган мактаб, кутубхона ва кироатхона ишларига кенг йўл берилади.

– Ҳунар ва санъатнинг ривожига катта ғайрат ва ташаббус кўрсатилиши керак.

– Дарс ўтиш мазкур жойнинг кўпчилиқ аҳолиси тилида олиб борилиши лозим ва бошқалар.

Шундай қилиб, Дастурда жамият барча аъзолари учун билим олишда тенг ҳуқуқлиқлик, таълим-тарбия, мактаб-маориф масалаларига доир ҳуқуқий нормалар батафсил баён этилган. Улар мазмун-моҳият жиҳатидан Асосий Қонун – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари билан низоҳатда ҳамоҳанг ва муштаракдир.

Мунаввар қори Абдурашидхонов миллат ва мамлакат манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор жамиятларни ташкил этишда ва ҳуқуқий жиҳатдан уларнинг Низомларини ишлаб чиқишда

бевосита раҳнамолик қилган. Жумладан, у тараққийпарвар дўстлари ҳамкорлигида “Жамияти хайрия”ни тузган. 1909 йил 12 майда унинг 41 моддадан иборат Низоми тасдиқланган. Мунаввар қори бу жамиятнинг муассисларидан бири ва раис ўринбосари эди.

Мазкур жамият вилоят ҳудудидаги ночор, муҳтож мусулмонларнинг моддий-маънавий аҳолини яхшилаш, жумладан етимлар, кексалар, ногиронлар учун касалхона, даволаш муассасалари, чойхона, ошхона, ётоқхона очишдан тортиб, ёшларни мактабда ўқитиш, сўнг олий таълим учун чет элларга юборишга бўлган масалаларни кўзда тутар эди⁶.

Мунаввар қори, шунингдек, “Турон” жамиятини (1913) таъсис этган. Жамиятнинг 73 моддадан иборат Низомида унинг мақсад-вазифалари қуйидагича белгиланган:

– аҳоли ўртасида саҳна ишларига, эзгуликка муҳаббат уйғотиш, жиддий муносабат ўстириш;

– халқ учун спектакллар қўйиб бериш ва улар орқали халққа соғлом ҳордиқ бағишлаш;

– маънавий ва моддий аҳолини яхшилашга муҳтож бўлган Туркистон ўлкаси доирасидаги мусулмон эътиқодига мансуб кишиларга ёрдам бериш.

Жамиятнинг ҳуқуқлари қуйидагича белгиланган⁷:

– кечалар, концертлар, спектакллар ва шуларга ўхшаш оммавий томошалар уюштириш;

– ўз номига клуб, мусиқа курслари, кутубхона ва кироатхона очиш;

– ўз номига бошланғич мактаблар очиш ва таъминлаш;

– ҳожатмандларга, шу жумладан ўқувчиларга моддий ёрдам бериш, уларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари учун стипендиялар таъсис этиш;

– маориф муассасаларини, расмий, хусусий, ижтимоий – қандай тоифада бўлишидан қатъи назар моддий қўллаб қувватлаш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мазкур жамият Низомида тараққийпарвар жадиждларнинг, шу жумладан унинг фаол ташкилотчи-муассисларидан бири Мунаввар қорининг миллат онги-

⁵ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси / “Фан ва турмуш” журнали, 1990 йил 7-сон. – 7-8-б.

⁶ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: “Маънавият”, 2002. – 238-б.

⁷ Қосимов Б. Оқ тонглари орзулаган шоир / Абдулла Авлоний. Танланган асарлар: 2-жилд. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 10-11-б.

ни уйғотиш, маданий эҳтиёжларини қондириш, аҳолини саводхон ва маърифатли қилиш, қуйи ва юқори ўқув муассасаларини ташкил этиш, аҳолининг илм олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, бу борада моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, халқни маориф сари, эркинлик, мустақиллик сари ундаш каби илғор ғоялари, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ўз ифодасини топган.

Мунаввар қори, шунингдек, халқнинг илму маърифатли бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англаши ва ҳимоя қила олиши, истиқлол сари онгли тарзда дадил ҳаракат қилиши зарурлигини назарда тутиб, “Нашри маориф” жамиятини тузишга интилади. Мустабид ҳукуматнинг ҳар қандай таъқибу тазйиқларини писанд қилмаган Мунаввар қори ўз сафдош дўстлари билан **“Туркистон шўролар ҳукумати маорифпарвар ёшларига Хитоб”** мақоласини эълон қилади.

Унда қуйидаги тўрт модда очиқ-ойдин баён этилган:

1. Бутун ўлкадаги ўзбек маориф-маданият ҳодимлари ўз ораларидаги барча жанжал ва битиш-масликларни ташлаб, қўл-қўлга берилиб, маорифнинг юксалиши учун ортиқ даражада зўр ғайрат билан ишласинлар;

2. Халқни маорифга ва маорифни халққа яқинлаштирмоқ учун қўлларидан келган ҳар бир чорамга киришсинлар;

3. Самарқанд ва Фарғонада халқнинг бутун хўжалик ишлари ва бунинг орқасида маориф ишларининг барбод бўлишига сабаб бўлган ички низо-ларни бартараф этишда бор кучлари билан ҳукуматга ёрдам берсинлар;

4. Туркистон ўзбекларининг маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймоқ учун Тошкентда “Нашри маориф” исминда бир жамият очиш ҳаракатига киришилди⁸.

Мазкур “Хитобнома” илк бор “Туркистон” газетасининг 1923 йил 1 январ сонида эълон қилинган. “Нашри маориф” давлат томонидан расмий рухсат берилган уюшма бўлиб, тараққийпарварлар томонидан ташкил қилинган ҳамда “Туркистон” ширкати томонидан иқтисодий таъминланган.

Мунаввар қори ўз даврининг нуфузли мадрасаларида таҳсил олган, ислом ҳуқуқшунослигини

чуқур биладиган билимдон факих, айниқса, тафсир, ҳадис, фикҳ илмини билишда беназир олим эди. Бу улуғ сиймо “Ҳавойижи диния”, “Тажвид ал-Қуръон”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи исломия” каби дурдона асарларни ҳам ёзиб қолдирган.

Мунаввар қори дастлаб Тошкентда Юнусхон мадрасасида ўқиган. Кейин эса Бухорога бориб, у ердаги мадрасалардан бирида ҳадис ва фикҳ илми таҳсилига берилади. Тошкентга қайтгач, Дархон маҳалла масжидида имомлик қилади⁹.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримни ёддан билган ва маромига етказиб ўқийдиганларни “қори” деб атайдилар. Ҳазрат ҳам “қори”, “хофизи Қуръон” каби юксак рутбаларга сазовор бўлганлар.

Ислом қозиларию уламоларининг ҳам жонкуяр устози бўлган Мунаввар қори матбуот орқали чиқишларида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган, шариат қоидаларига зид бўлган бир қанча иллатларни қаттиқ танқид қилади. У ҳукумат амалдорларини, ислом қозиларини шариатга ҳилоф ва миллат шаънига доғ бўлаётган аянчли иллатларни бартараф этиш учун ҳаракат қилишга даъват этади. Алломанинг бу каби ўткир мақолалари ва уларда кўтарилган долзарб муаммолар ҳамда уларнинг ечими борасидаги доно кўрсатмаларини шариат ҳомийлари – ислом қозилари яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, муаллифга миннатдорчилик билдириб, тез суръатда уларнинг ижросига киришганлар.

Мунаввар қори бу ҳақда шундай ёзади: “Ёзган мақоламизни “Тараққий” саҳифасида ўқигон кишилар ҳаттоки маҳофиз шаръи шариф бўлган қози исломимиз (ислом қозилари – М.Э.) бул тўғрида изҳори мамнуният қилдилар. Бул жанобларини имсоллари кўпаймоғини самим қалб бирла вожибулвужуддин талаб ва истеъдо қилиб дермизки, борақалла, яшасун ғайрат, яшасун ҳамият, олами исломиятга бул тариқа ҳилофи шаръларни манъига энг аввал ғайрат қилган жанобларни табрик ва таҳсин қилурмиз”¹⁰.

Буюк фикҳшунос Мунаввар қори шариатга зид хатти-ҳаракатларни содир қилганларга нисбатан қонуний жазо чораларини қўллаш зарурлигини ҳам алоҳида қайд этади. Бу ишларда уламолар,

⁸ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – 172-173-б.

⁹ Холбоев С. Миллатимизнинг маънавий отаси / Мунаввар қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан: жаҳидчилик тарихидан лавҳалар. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 5-б.

¹⁰ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – 137-б.

ислом қозилари ва ҳукуматнинг нуфузли амалдорларини ўзаро маслакдош ва иттифоқ бўлиб, амалий чора-тадбирлар кўришга ундайди: “Уламои зулэхтиром ва куззотулислом ва ҳукуматдорони неқномларимизга лозумдурки, бул жаноблар бир ижтимоиёларида иттифоқ қилиб фалон ва фалон ишларни муҳолифи шаръи шариф бўлгон ваҳҳидин ман қилдук. Ва ҳар ким қилса, фалон жазоға мустаҳиқ бўлур, деб ҳукм қилмоқлари бирла бул хилофи шарҳлар бутун орамиздин кўтарилиб ва бул ишларни сабаби бирла дунёи ва охирада сазовори ажр бўлмоқларида шаръан ва ақлан ҳеч шубҳа йўқдур”¹¹.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг барча ҳаракатлари, жасорати, матонати, кенг қамровли илмий-амалий фаолияти асос-эътибори билан мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик учун курашга бағишланган эди. У машҳур жамоат ва сиёсат арбоби сифатида расман ошқора ва яширин бир қатор ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий, миллий ташкилотларга ғоявий раҳбарлик қилган. Булар: “Иттиҳод ва тараккий”, “Шўройи исломия”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол”, “Туркистон миллий бирлиги” кабилар. Бу ташкилотларнинг асосий мақсади – мустақил Туркистон ғояси эди.

Мунаввар қори ёзади: “Туркистон мусулмонлари зулм панжасининг остида шул қадар эзилдилар ва ҳуррият, ҳуқуқ йўлида шул қадар кўп қурбон бердиларки, бир-икки ой ичида бошқа миллатларнинг 145 йил ичида берган қурбонликлариға қувлаб етишдилар”¹². Бу ҳақда Мунаввар қорига замондош шоир Сидқий ҳам “Муҳораба дафъи учун муножот”¹³ шеърисида куюниб ёзган:

*Ўлди милӣўнлар башар авлоди қурбон бедариг,
Оқди қонлар он қадарким, ўлди саҳро лаазор.*

Мунаввар қори тараккийпарвар жадидларнинг асосий мақсад-муддаосини ошқора баён этади: “Чор ҳукуматини йиқитиш жадидларнинг тилаги-

да бор эди. Сиёсий вазиғамиз ва мақсадимиз шундан иборат бўлиши яширин эмас”¹⁴.

Таниқли немис олимаси Ингеборг Балдауф ёзганидек, Мунаввар қори фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ чоризм маъмурларига нисбатан нафратли муносабатда бўлган. Маслакдошларидан фарқли ўлароқ, у ўзининг нафратини яширишга уриниб ҳам кўрмас ва шу боис бу ҳол чор маъмурларига яхши маълум эди¹⁵.

Мунаввар қори туфайли Германияға бориб ўқишга муваффақ бўлган шоғирдларидан бири фахр ва ифтихор билан ёзади: “Мунаввар қори бизнинг Туркистонда миллий маориф, миллий наشريёт ва миллий мафкурачиликнинг соғлом уруғларини сочган ва минг турлик оғирлик ва тўсқинликларға қарамасдан, буларни кўкартиришга муваффақ бўлган бир зотдир. Унинг очган миллий мактаблари Туркистоннинг мингларча болаларига миллий руҳ берган ва уларни юрт ҳам миллат севғисига қуроллантирган”¹⁶.

Истиқлол шарофати билан миллат фидойиси, маърифатпарвар жадид бобомиз Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг эзгу номи оқланди – тарихий адолат қарор топди. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги “Маърифатпарвар жадидчилик ҳаракати намояндаларини мукофотлаш тўғрисида”ги фармониға асосан атоқли адиб, мураббий, муҳаррир ва жамоат арбоби – Мунаввар қори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.**

Хуллас, ҳазрат Мунаввар қори Абдурашидхонов элим деб, юртим деб ёниб яшади, ўзи ёна туриб миллатға, халққа ёруғлик бера олди, улар йўлини нурафшон ва мунаввар қилди. У умрининг охиригача Миллат ва Ватан таракқиёти, озодлиги, мустақиллиги учун фидойиларча курашди. Бу нурли сиймо ҳозир орамизда бўлмаса-да, руҳан ҳамиша биз билан ёнма-ён. Унинг серқирра ва бой илмий-маърифий мероси бугунги кун учун ҳам долзарб аҳамиятға эға.

¹¹ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – 138-б.

¹² Мунаввар қори Абдурашидхонов. Мақбул қурбонлар. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – 157-б.

¹³ Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 111-112-б.

¹⁴ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Қоралаш яхши эмас. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – 181-б.

¹⁵ Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: “Маънавият”, 2001. – 14-б.

¹⁶ Қаранг: Тўрдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Т.: 2006. – 173-174-б.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗГА БМТ ОЛИЙ КОМИССАРИ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ТАШРИФ БУЮРДИ



2023 йилнинг 13 – 15 март кунлари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк бошчилигидаги делегация мамлакатимизга расмий ташрифни амалга оширди. Ташрифнинг дастлабки кунда делегация аъзолари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Марказ раҳбарияти билан мулоқот чоғида меҳмонларга Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг самарали ва мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаши, кейинги даврда мазкур тузилма билан ҳамкорлик амалий руҳда изчил ривожланаётгани қайд этилди.

Сухбат чоғида сўнгги йилларда республика-миз қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш соҳасида эришган натижалари билан халқаро майдонда тез-тез эътироф этилаётганига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилган Қийноққа солиш ва жазолашнинг

бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-кимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенциянинг Факультатив протоколига мамлакатимизнинг қўшилишига оид ташаббуснинг долзарблиги ҳақида фикр алмашилди. Айни вақтда мазкур ташаббусни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шу кун Исон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари раҳбарлигидаги делегация билан мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари раҳбарлари ўртасида ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Н.Йўлдошев, Адлия вазири А.Ташкулов ва Ички ишлар вазири П.Бобожонов иштирок этди.

Мулоқот асносида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига асосан юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишдаги иштирокига дахлдор масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Учрашув конструктив ва самимий руҳда ўтди.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

2022 йил 7-8 декабрда Туркиянинг Анкара шаҳрида “Иқлим ўзгариши ва озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқ – инсон ҳуқуқлари талқинида” мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. У Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик бўйича институти ташаббуси билан ўтказилди. Ушбу халқаро тадбирда турли мамлакатларнинг 100 дан ортиқ эксперти, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директорининг биринчи ўринбосари Мирзатилло Тиллабаев иштирок этди.

Миллий марказ вакили симпозиумдаги нутқида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида иқлим ўзгаришига қарши курашиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, Орол фожиясининг салбий оқибатларини камайтириш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ истиқболли чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берди. Айниқса, Ўзбекистоннинг ушбу глобал муаммоларни ҳал этиш юзасидан халқаро ташаббуслари, хусусан, Жаҳон экологик хартия-

сини ишлаб чиқиш ғояси симпозиум иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар, Асосий Қонунимизга экологик ҳуқуқларга оид янги нормаларнинг киритилиши, давлатнинг экологик соҳада чора-тадбирлар кўриш мажбуриятлари тўғрисида ҳам атрофлича маълумот тақдим этилди.

Шунингдек, Самарқандда бўлиб ўтган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форумида экологик таълимнинг атроф муҳитни сақлашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилгани тўғрисида ҳам симпозиум иштирокчиларига ахборот берилди.

Тадбир доирасида ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директорининг биринчи ўринбосари Мирзатилло Тиллабаев ҳамда Туркиянинг Бош обмудсмани Шериф Малкоч ўртасидаги учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РОЛИ

2022 йилнинг 21-22 декабрь кунлари Туркиянинг Ризе шаҳрида Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти ташаббуси билан ташкил этилган “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчиликнинг роли” мавзусига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Симпозиумда онлайн шаклда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари миллий марказининг директори Акмал Саидов парламентлар миллий даражада инсон ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлади.

Парламентлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизмлардан, шу жумладан шартнома органлари тизимидан келиб чиқадиган тавсияларни миллий қонунчилик ва сиёсатга имплементация қилишда ва миллий даражада амалга оширишда

алоҳида аҳамият касб этади, шунинг учун улар ҳукуматларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларига риоя этилишини таъминлашда бевосита ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва БМТ тавсияларининг бажарилиши бўйича парламент назорати механизми ишлаб чиқилган. Шунингдек, парламент томонидан БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича механизмлари билан ҳамкорлик соҳасида ҳаракатлар режаси қабул қилинган ва инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи парламент ҳисоботи эълон қилинган.

Тадбирда иштирок этган экспертлар ва мутахассислар инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукумат сиёсатини белгилаб берадиган миллий институтлар инсон ҳуқуқлари бўйича тизимли қонунчилик амалиётини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲАФТАЛИГИ”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида 2023 йилнинг 20-28 февраль кунлари “Инсон ҳуқуқлари ҳафталиги” ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ушбу ҳафталик доирасида Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда 20 февралда “Инсон ҳуқуқлари – олий кадрият” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги муносабати билан алоҳида аҳамият касб этаётгани, таълим олиш ҳуқуқи – барча инсонларнинг асосий ҳуқуқларидан бири эканини таъкидлади.

2004 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари соҳасида Жаҳон таълим дастурини қабул қилган. Ўтган давр мобайнида Инсон

ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг уч босқичи амалга оширилди. 2020–2024 йилларга мўлжалланган тўртинчи босқич ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш, инклюзив, тинч ва осойишта жамият яратишга хизмат қиладиган сифатли таълим беришга йўналтирилган.

Давра суҳбатида “Инсон ҳуқуқлари: тарих ва келажак”, “Ёшлар ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида” мавзуларида маърузалар тингланди, дастурда кўзда тутилган тадбирлар юзасидан мулоқот бўлиб ўтди.


Тадбир доирасида 2022 йилда ўтказилган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар” танлови ғолиблари тантанали равишда тақдирланди.

“Инсон ҳуқуқлари ҳафталиги” давомида илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, конференциялар, янги китоблар тақдимотлари, учрашувлар, танловлар ўтказилди.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ” НАШР ЭТИЛДИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: халқаро ва миллий ҳужжатлар тўплами”ни нашр этди. Тўпланда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича халқаро ҳужжатлари ва мамлакатимизда шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзбек (кирилл ва лотин ёзувларида), инглиз, француз ва рус тилларидаги матнлари жамланган.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Рес-



публикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия раҳбари академик А.Саидов масъул муҳаррирлигида нашр этилди. У инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган кенг доирадаги мутахассислар, ўқитувчилар, аспирантлар, докторантлар, юридик факультетлар талабаларига мўлжалланган.

DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

Doi Journal 10.54952/p1696-2206-6326-y

SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL JOURNAL

1 (97) – 2023

Chair of the Editorial Board:

Akmal SAIDOV

Editor-in-chief:

Erkin ERNAZAROV

International Editorial Board:

Tanzila NARBAEVA

(Uzbekistan)

Kudratilla RAFIKOV

(Uzbekistan)

Aslan ABASHIDZE

(Russian Federation)

Yoh MATSUO

(Japan)

William BUTLER

(USA)

Tadeusz BODIO

(Republic of Poland)

Marghoob Saleem BUTT

(Organization of Islamic Cooperation)

Rein MÜLLERSON

(Republic of Estonia)

Tatiana MOSKALKOVA

(Russian Federation)

Sergey UDARTSEV

(Kazakhstan)

Editorial Board:

Mirzatillo TILLABAEV – Doctor of Law, Professor.

Halim BOBOEV – Doctor of Law, (PhD), Professor, Honored Scientist of the Republic of Uzbekistan.

Omon AKYULOV – Doctor of Law, Professor, Honored Lawyer of Uzbekistan.

Askar GAFUROV – Doctor of Law, (PhD), Associate Professor.

Muzaffar MAMASIDDIKOV – Doctor of Law, Professor.

Mikhail GASANOV – Doctor of Law, (PhD), Associate Professor.

Elizabella KUTYBAEVA – Doctor of Law, Professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – Candidate of Law, Professor.

Deputy Editor-in-chief:

Azizbek RAMAZONOV

Executive Secretary:

Azamat JUMANIYAZOV

RESOLUTION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

On approval of the National Programme for Human Rights Education of the Republic of Uzbekistan 77

FROM THE EDITORIAL BOARD

New Uzbekistan is a country where human dignity is valued 80

NATIONAL HUMAN RIGHTS CENTER IN 2022 82

GLOBAL FORUM

Global Forum on Human Rights Education 86

Awarded with the badge “For the protection of human rights” 89

Samarkand Action Plan to Promote Human Rights Education (2023-2024) 90

HUMAN AND LAW

Dilnoza Turaeva. Protection of the rights and legitimate interests of victims in the Constitution of new Uzbekistan 96

Abdulla Reyimbaev. Legal analysis of the concept and types of impliability in crimes 101

INTERNATIONAL LAW AND THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN

Dilnoza Muratova. The National Preventive Mechanism as a key component of a sustainable democracy 105

Oybek Akhmadov. The role and status of Human Rights Education in the protection of human rights and freedoms by the Organization of Islamic Cooperation: modern trends 109

Abbosbek Nabiev. The models of judicial Constitutional control in foreign countries and the experience of the Republic of Uzbekistan 115

HUMAN RIGHTS AND INFORMATION SOCIETY

Azizbek Ramazonov. Human rights journalism and its characteristics 120

CONFERENCES. SEMINARS. PRESENTATIONS 124

FOUNDER:



NATIONAL CENTRE
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR
HUMAN RIGHTS

CO-FOUNDERS:



FEDERATION
OF TRADE UNIONS
OF UZBEKISTAN



OMBUDSMAN
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

RESOLUTION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ON APPROVAL OF THE NATIONAL PROGRAMME ON HUMAN RIGHTS EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Human rights education is crucial in promoting respect for human rights of all citizens, and ensuring that they are respected in all aspects, as well as in conflict prevention.

The fourth phase of the World Programme for Human Rights Education is being implemented in 2020–2024, with the goal of expanding youth rights and opportunities through human rights education.

Following this, in order to further improve human rights education in our country, to ensure the implementation of the National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights, as well as to effectively and timely implement the tasks set in the fourth phase of the World Programme for Human Rights Education:

1. As part of the implementation of the initiatives and proposals of the President of the Republic of Uzbekistan at the 76th session of the United Nations General Assembly and the 46th session of the Human Rights Council, the Global Forum on Human Rights Education held in Samarkand on December 5–6, 2022.

2. It was developed as a result of a comprehensive study of current issues in human rights education, analysis of advanced foreign experience, broad public discussion, as well as international and national consultations:

National Programme for Human Rights Education (hereinafter referred to as National Programme) of the Republic of Uzbekistan in accordance with Appendix 1;

The “Roadmap” for implementing the National Programme for Human Rights Education of the Republic of Uzbekistan (hereinafter referred to as Roadmap) shall be approved in accordance with Appendix 2.

It should be shown that the first heads of the ministries and agencies are personally responsible for the complete, high-quality and timely implementation of the tasks defined in the “Roadmap”.

3. National Commission for the implementation of the fourth phase of the World Programme for Human Rights Education in the Republic of Uzbekistan (hereinafter referred to as National Commission) (A. Saidov) regarding the implementation of the National Programme and “Roadmap” shall:

submit proposals and recommendations based on regular monitoring for timely implementation to relevant ministries and agencies;

ensure that specific indicators and outcomes are regularly reflected in detailed information on official websites and in the media.

submit summarized information to the Chambers of the Oliy Majlis (Parliament) and the President of the Republic of Uzbekistan every six months;

ensure the preparation, translation and publication of informational and analytical reviews.

It should be noted that the expenses related to the publication of information-analytical reviews and their translations are covered by the funds allocated to the National Centre of the Republic of

RESOLUTION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Uzbekistan for Human Rights (hereinafter referred to as the Centre) within the framework of the State budget.

4. The responsible executors specified in the "Roadmap" shall submit monthly information on the performance of the tasks assigned to them by the working body of the National Commission on the implementation of the fourth phase of the World Programme for Human Rights Education in the Republic of Uzbekistan which should be submitted to the Center by the fifth day of each month.

5. It is recommended to the Chambers of the Oliy Majlis to hear and examine the information of the National Commission on the state of implementation of the National Programme and "Roadmap".

6. Starting from the academic year 2023/2024, appropriate training and special courses on "Human rights", "Women's rights", "Child's rights" should be introduced in the professional and higher education systems.

The Ministry of Higher Education, Science and Innovation, together with the Centre will compile a concrete list of state professional and higher educational institutions by June 1, 2023, where educational and special courses "Human Rights", "Women's Rights", "Children's Rights" will be introduced, and take measures to improve the relevant educational programs.

7. Establish such a procedure that in accordance with it, starting from June 1, 2023, the Centre annually shall hold:

National contest "Education and innovations to human rights and freedoms";

educational courses and seminar-trainings on persons with disabilities, women's rights, rights of children and migrant rights in organizations whose activities are directly related to these persons.

The Centre:

a) within three months shall:

develop the regulations and programme for conducting the National contest and agree and approve it with relevant ministries and agencies;

approve the schedule with relevant organizations for conducting training courses and seminars on the rights of persons with disabilities, women's rights, children's rights and migrants' rights;

b) until April 1, 2023:

take measures to prepare and publish a series of manuals and brochures "Human Rights and Freedoms in Uzbekistan", "Human Rights", "Child's Rights", "Women's Rights", "Rights of Persons with Disabilities";

create jointly with the Ministry of Digital Technologies and launch an Electronic Platform for Human Rights Education.

Determine that the costs associated with the implementation of the instructions provided for in this paragraph are covered from the funds allocated to the Center within the framework of the State budget.

8. Starting from March 1, 2023, short-term training courses on combating torture will be organized regularly for employees of bodies carrying out pre-investigation checks, inquiries, preliminary investigations and institutions for the execution of punishment.

The Centre and the Prosecutor General's Office are in charge of organization of these training courses.

The Centre and the Prosecutor General's Office shall approve the schedule of training courses on combating torture within two weeks.

9. State Civil Service Development Agency (O. Khasanov) together with Academy of Public Administration (A. Bekmurodov) shall:

Starting May 1, 2023, introduce training courses (hours) on human rights and gender equality in the system of retraining and advanced training of management personnel, simultaneously, enable the organization of these training courses via the Electronic Platform for Human Rights Education;

By April 1, 2023, in collaboration with the Centre, develop modules and programs of training courses on human rights and gender equality, taking into account the specifics of the areas.

10. Approve the proposals of the National Commission:

RESOLUTION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

on the organization in the information and library centers of the Republic of Karakalpakstan and regions on the direction “human rights literature”;

on providing the fund of information and library centers of the Republic of Karakalpakstan and regions with systematized scientific and legal sources on human rights by the Centre.

11. The Centre systematically provides information, and to library centers of the Republic of Karakalpakstan and regions:

collections of international treaties in the state language;

educational, scientific, methodological and international publications on human rights;

chronological materials compiled on the ongoing human rights reforms in our country.

12. Approve the proposal of the Centre to hold a “Human Rights” week in our country in February of this year.

The Centre shall:

a) approve within a week the programme of the Human Rights Week;

b) ensure jointly with the Ministry of Preschool and School Education and the Ministry of Higher Education, Science and Innovation in state educational institutions:

paying special attention to the topic “New Uzbekistan and Human Rights” in events held as part of the “Month of Legal Literacy”;

starting from 2023, cover the issues of the rights of women, children and youth at the competitions held in connection with the Day of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan;

c) within two weeks, together with the Agency for Youth Affairs hold educational conferences, roundtable discussions and meetings on the topic “Human rights are the highest value” in mahallas among young people, including organizing them with the participation of the Center’s employees via videoconferencing;

d) Together with the Information and Mass Communications Agency (A. Khodjaev) and the National Television and Radio Company of Uzbekistan (A. Khadjaev), take measures to widely cover the “Human Rights week” in the mass media.

13. The “El-Yurt Umid” Foundation, when compiling target indicators for undergraduate, graduate and doctoral education programs abroad on the basis of open competitions for scholarships, should take into account the personnel needs of ministries and departments - customers on human rights issues.

14. National Information Agency of Uzbekistan (A. Kuchimov), National Television and Radio Company of Uzbekistan (A. Khadjaev), International Press Club (Sh. Kudrathojaev) shall ensure:

clarification of the essence and content of this resolution in the media and the Internet;

prompt dissemination of accurate information on the implementation of the National Programme for Human Rights Education to the general public.

15. Assign to the Director of the Centre – Saidov A.Kh. personal responsibility for the effective organization of the implementation of this resolution.

The implementation of coordination and control over the activities of the departments responsible for the implementation of the resolution is entrusted to the Prime Minister of the Republic of Uzbekistan Aripov A.N.

**President of the
Republic of Uzbekistan**

SH. MIRZIYOYEV

Tashkent city
7 February 2023
No. PR-46

FROM THE EDITORIAL BOARD

NEW UZBEKISTAN IS A COUNTRY WHERE HUMAN DIGNITY IS VALUED

At the beginning of each year, the results achieved in the past year are summed up, new creative plans are determined. In 2022, large-scale reforms were successfully carried out in Uzbekistan, high results were achieved in economic and social development. The volume of gross domestic product for the first time exceeded \$80 billion, \$8 billion of foreign direct investment was attracted to the economy, and exports reached \$19 billion. Compared to previous years, the construction of residential buildings has increased 10 times, all measures have been taken to ensure a peaceful, creative and prosperous life for our people.

The principle "First of all – a person, and then - society and the state" is widely introduced into our lives. If in 2017, 500,000 low-income families received social assistance, today more than 2 million. The amount of funds allocated has increased sevenfold and reached 11 trillion soums a year. Over the past six years, almost 300,000 houses have been built in the country, ten times more than in previous years. A policy aimed at increasing wages, pensions, benefits, and incomes of the population is being consistently implemented.

Head of State Shavkat Mirziyoyev, emphasizing that the priority task of the state policy pursued in Uzbekistan is caring for a person and ensuring his interests, declared 2023 the Year of caring for a person and quality education. The policy of ensuring the interests of the person will be carried out by a rational and effective management system. The number of ministries and departments has been reduced from 61 to 28. In 2023, the management system at the local level will also be reformed.

The new Uzbekistan is being formed on the basis of a "welfare state", first of all, providing equal rights for the implementation of human capital, creating the necessary conditions for ensuring a decent life for people, reducing poverty. For these purposes, the Development Strategy plans to create new jobs, increase the income of the population and, due to this, reduce poverty by half, almost three times - by 8 trillion soums, spending on water supply, electricity, construction of roads, schools will increase by one and a half times – for housing construction.

In 2023, special attention will be paid to supporting education, the most important investment in the New Uzbekistan. This year, a radical reform of school education will begin on the basis of international educational programs. Education in the primary grades will be conducted according to textbooks created on the basis of the new methodology. For the systematic organization of work, the preparation of new textbooks, the introduction of advanced educational standards and methods, specialized scientific institutes and laboratories are being created.

70 new schools will be built, 460 schools will be expanded. The construction of 100 schools will begin at the expense of private investors, in the next five years the number of such schools will increase to one thousand. The necessary conditions will also be created for young people to receive modern professions. European educational standards will be introduced in one of the technical schools in each region. In the next five years, such a system will cover all colleges and technical schools.

Special engineering schools will be formed in cooperation with reputable international organiza-

tions in the field of chemical industry, electrical engineering, transport and energy to support talented youth and create a system for training specialists of a new formation.

Human rights education is of particular importance in promoting universal respect for the human rights of every citizen. To this end, the fourth phase of the World Program for Human Rights Education 2020-2024 is being implemented, aimed at empowering young people through human rights education.

In order to further improve human rights education, implement the National Human Rights Strategy of the Republic of Uzbekistan, the Presidential Decree approved the National Program for Human Rights Education in the Republic of Uzbekistan and the road map for its implementation.

The main objectives of the National Education Program are:

- raising awareness of young people in the field of human rights and freedoms;
- increasing the knowledge and skills of employees of state bodies in the field of human rights and gender equality;
- improving the system of training teachers and supporting scientific research in the field of human rights;
- raising awareness of the segments of the population in need of social protection in the field of human rights;

- increasing the activity of civil society institutions in the field of human rights education;

- improving the efficiency of the system of education and upbringing in the field of human rights using modern technologies, works of art, and the media;

- developing international cooperation in the field of human rights education.

As is known, on December 5-6, 2022, the Global Forum "Human Rights Education" was held in Samarkand. The initiative to hold a prestigious international event was put forward by the President of the Republic of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev at the 46th session of the UN Human Rights Council on the occasion of the tenth anniversary of the Declaration on Human Rights Education. The Global Forum adopted the Samarkand Action Plan (2023–2025) for the development of human rights education.

Uzbekistan has established the National Commission for the implementation of the Fourth Stage of Education in the World in the Field of Human Rights. Starting from the new academic year, training and special courses "Human Rights", "Women's Rights", "Rights of the Child", "Rights of the Disabled" will be created in the system of vocational and higher education, as well as their curricula will be improved. Also, together with the Ministry of Digital Technologies, an electronic platform "Education in the field of human rights" will be created and launched.

NATIONAL HUMAN RIGHTS CENTER IN 2022

Main activities

In 2022, Uzbekistan continued reforms aimed at comprehensively ensuring human rights and interests. Thanks to the introduction of new mechanisms in the process of working with citizens' appeals, positive results have been achieved in such areas as ensuring the rule of law, solving the problems of the population, preventing torture, ensuring publicity and transparency, and strengthening freedom of speech. Consistent implementation of the tasks of the National Human Rights Strategy continued.

The Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026 has been developed and is being implemented. This policy document defines the directions and priority tasks for the development of our country in the near and medium term. On the basis of the principle "From action strategy to development strategy", special attention is paid to ensuring the integrity and continuity of reforms based on the principle of ensuring human rights - "leaving no one behind".

In order to implement constitutional reforms and strengthen the constitutional foundations of the fundamental changes that have taken place in the state and society, the councils of the chambers of the Oliy Majlis created a Constitutional Commission to form proposals for amending the Constitution of Uzbekistan. A draft constitutional law "On amendments and additions to the Constitution of the Republic of Uzbekistan" was developed and submitted for public discussion. The draft Constitutional Law is aimed at consolidating the principles of "human being - society - state" and "New Uzbekistan is a social state", the creation of a truly people's state, strengthening the provision of human rights and social protection of the population.

It is planned to change more than 60 articles of the Constitution, including 34 articles regulating human rights, and the introduction of six new articles relating to human rights.

In order to consolidate the rights, freedoms and legitimate interests of a person in the Constitution, it is proposed to realize:

- expansion of national development programs in the field of human rights;
- strengthening the protection of the dignity and rights of persons with disabilities, the conditions for the full realization of their potential;
- expansion of legal guarantees for freedom of speech and expression in society;
- strengthening the constitutional and legal foundations of civil society institutions;
- creation of regional mechanisms serving the sustainable development of states and regions, holding regular consultations;
- encouraging the inclusive participation of civil society institutions, international observers and voters in referendums.

For the first time, the concept of "civil society institutions" is introduced into the Constitution, which are empowered to exercise public control over the formation and execution of the budget of the Republic of Uzbekistan.

Last year, Uzbekistan achieved an improvement in the positions of Uzbekistan in such ratings and indices as the quality of rule-making, the effectiveness of the government, freedom of speech and information, the fight against crime and corruption, and the conditions for doing business. The positions of Uzbekistan improved on 15 indicators out of 24 ratings, and our country appeared in the third position for the first time. The representative of Uzbekistan was elected Vice-President of the UN Human Rights Council.

Implementation of the National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights

Measures continued to implement the National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of June 22, 2020. As part of the National Strategy, in 2022, one code, one law, five decrees and resolutions of the President, one resolution of the Cabinet of Ministers were adopted, one international agreement was ratified.

The Law "On Approval of the Labor Code of the Republic of Uzbekistan" was adopted, which sets out the foundations for the legal regulation of labor relations in accordance with international labor standards. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of July 25, 2022 approved the Strategy for Social Protection of the Population, which provides for the provision of social services to the population directly at the makhalla (neighborhood) level, and the creation of a Social Insurance Fund.

